

УЗБ  
89  
Н. 15

УМАРАЛИ  
НОРМАТОВ

**УМИДБАХШ  
ТАМОЙИЛЛАР**

У36.2  
89

УМАРАЛИ НОРМАТОР

~~Ўзбек филологияси  
Институт  
ЎҚУВ ҲАМ  
ТАҲҚИҚ~~

H-45

# УМИДБАХШ ТАМОЙИЛЛАР

17343

ALISHER NAVOIY NOMI AGI  
Тошкент  
АХБОРОТ-РЕСУРС ИШҚАЗИ

Ушбу рисола истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизда, миллий адабиётимизда юз берган муҳим ўзгаришлар, янги жараёнлар ҳақида баҳс этади; унда истиқлол руҳи билан йўғрилган ўнлаб асарлар таҳлил этилади, янги давр маънавияти, адабиёти билан боғлиқ қатор назарий фикрлар илгари сурилади.

Рисола адабиёт муаллимлари, олий ўқув юрти талабалари, умуман адабиёт ихлосмандлари, маънавият оламига дахлдор маърифат эгаларига мўлжалланган.

## МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

### Муаллифдан

Кейинги йилларда маънавиятга эътибор тилимиздан тушмай қолди. Бу бежиз эмас. Истиқлолдан кейин ижтимоий соҳада юз берган туб янги жараёнлар маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгариш, ишгиликларни, очиги, биз ҳали тўлалигича идрок этолганимиз йўқ. Маънавий ҳаёт манзараси шу қадар кўламли, ранг-баранг, мураккабки, уни бирданига бор ҳолича тасаввур этиш ниҳоятда мушкул. Бунинг устига ижтимоий ҳаёт ва маънавиятдаги ўзгаришлар осонликча кечаётгани йўқ. Президентимиз И. Қаримов айтганларидай, «бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида — яъни мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор».

Мен маънавиятга бевосита дахлдор соҳа одами сифатида биринчи навбатда бадий адабиётда, адабиёт илмида, ижодкор маънавиятида юз бераётган янгиланишларни кузатиб бораётирман. Адабиёт — маънавият кўзгуси. Бу кўзгуда кишиларимиз ҳаётидаги, руҳиятидаги, бинобарин маънавиятидаги жамики ўзгаришлар баралла намоён бўлмоқда.

Бадият оламидаги энг асосий ўзгариш шундан иборатки, санъат, адабиёт, адабиётшунослик яккаҳоким мафкура исканжасидан халос бўлди, санъат ва адабиётнинг эркин, хилма-хил фалсафий-эстетик ўзанлар бўйлаб ривожланиши учун кенг йўл очилди. Энг муҳими, маънавият бобида миллий ва умуминсоний, қадимий ва илғор замонавий қадриятларни ардоқлаш, уларни янги асосда қарор топтириш бош масалага айланмоқда.

Кўнгилга қувонч, умид бахш этадиган тамойиллар билан баробар адабий жараёнда кўпдан-кўп муаммолар, ечимини кутаётган жумбоқлар бор.

*Азиз китобхон!* Қўлингиздаги рисолада мен истиқлол даври маънавий ҳаётимиздаги ўзгариш, янгиланишлар, адабий жараёндаги янги тамойиллар, маънавий-адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган айрим асарлар ҳақидаги кузатишларим, ўй-мушоҳадаларимни ўртоқлашгим келди.

## УМИДБАХШ ТАМОЙИЛЛАР

Ҳозир биз тарихимизнинг мураккаб палласи, шу билан баробар ўта масъулиятли ҳамда умидбахш дамларини бошдан кечиряпмиз. Бир томондан халқимизнинг асл фидойи ўғлонлари узоқ йиллар орзу қилган истиқлол амалга ошди, Ўзбекистон мустақил мамлакат, давлат сифатида жаҳонда тан олинди, салкам бир ярим аср давом этган империя, истибдод кишанлари парчalandи, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини миллат онгини забт этиб, ўз йўриғига юритишга қатъий жазм этган ҳукмрон мафкура емирилди. Иккинчи томондан, мустабид тузум сиёсатининг, ҳоким мафкуранинг мудҳиш асоратларидан тўла қутулганимизча йўқ.

Шуниси қизиқки, худди мана шу мушкул ва мураккаб паллада маънавият, адабиёт дунёсида жиддий ўзгариш, янгиланишлар содир бўляпти, деярли ҳамма жанрларда яхши асарлар яратилляпти. Уткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», Омон Мухторовнинг «Минг бир қиёфа», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романлари бугунги адабиётимизда қувончли ҳодиса бўлди. Агар буларнинг ёнига кейинги йилларда эълон этилган ўнлаб яхши ҳикоя, қиссалар қўшиладиган бўлса маънавий хирмон кўтарилганлигининг гувоҳи бўламыз.

Бу асарларга, қолаверса, сўнгги йиллардаги биздаги адабий жараёнга хос энг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, адабиётимиз чинакамига хилма-хил бўлиб боряпти. Кўпчиликка аён: авваллари ҳам адабиётимизнинг бойлиги, хилма-хиллиги ҳақида кўп гапирар эдик. Лекин биргина шарт билан. Бу шарт шундан иборат эдики, хилма-хиллик, ранг-баранглик социалистик реализм, аниқроғи ягона мафкура, фалсафа, марксча-ленинча қараш доирасида бўлиши лозим эди. Ранг-баранглик, хилма-хиллик дейилганда асосан шакл, услуб, нарх борса услубий оқимлар хилма-хиллиги тушунилар, социализм қолинига тушмайдиган қараш, талқинлар, марксизмга зид тамойиллар қатъиян рад этилар эди. Ўзимизни қўя турайлик, собиқ Иттифоқда, унинг марказий нашрларида гоҳо кўриниб қолган диний талқин ёки Габдаги номарксистик фалсафий оқимлар билан

алоқадор адабий ҳодисалар қанчалар кескин танқидга учраганлигини, улар шафқатсизлик билан маҳв этилганлигини яхши биламиз. Узоққа бормайлик, 1986 йили «Новый мир» журналинда Ч. Айтматовнинг «Қиёмат» романи босилиши биланоқ, ҳали асар охиригача чиқмай туриб, ундаги диний мотивлар учун «Комсомолская правда» дан тортиб «Правда» гача кўплаб газеталарда ғазаб тўла дағдағалар қилинган, муаллифни мистикага берилиш, «Оллоҳга ғамза қилиш» да айблаган эдилар. Номарксистик маънавий-адабий ҳодисаларнинг барчаси ҳам реакцион эмаслиги, аксинча жаҳондаги кўпгина тараққий этган маърифатли мамлакатларда диний йўналишда, шунингдек фрейдизм, экзистенциализм сингари адабий мактабларда, постмодернизм, абсурд адабиётида жиддий бадиий кашфиётлар яратилгани ва яратилаётганлиги ақли расо кишиларга маълум эди. Фақат мустабид якка мафкура ҳукмрон бўлган жойда бу ҳақиқат тан олинмас эди.

Энди аҳвол ўзгарди. Бизда ҳам фалсафий асоси жиҳатидан хилма-хил йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. Моддий дунё қонуниятларига, тарихийлик, ижтимоий таҳлил принципларига қатъий амал қиладиган анъанавий реализм билан баробар деярли барча адабий тур, жанрларда диний, руҳоний-исломий талқин устувор асарлар кўпайиб бормоқда. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоийёт, тарихий шароит — тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаёттир ёки шу хил талқинлар кенгроқ илдиз отиб бораёттир. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан кўрсатувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам кўпайиб қолди...

Шуниси қувонарлики, бу ҳол ҳозирги кунда ҳеч кимни таажубга солаётгани йўқ. Ҳатто яқин-яқинларгача ўзларини совет адабиётининг посбони деб биладиган, «марксча-ленинча мафкуранинг, соцреализм адабиётининг софлиги учун» мурасасиз кураш олиб борадиган жангари санъатшунос, адабиётшунослар ҳам бунга қо-

нуний, табиий бир ҳол деб қарамоқдалар. Шунинг ўзи жуда катта гап. Бу чинакам маърифатли демократик жамият қарор топаётганлигининг аломатидир. Санъат, адабиётнинг эркин, табиий ривожини учун қулай шарт-шароит яратилаётганлигидан далолатдир. Буни ёмон кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Бугунги адабиётимизда аниқ-равшан тамойилга ай-ланиб қолган янгича асарлар, тўғрироғи абсурд адабиё-тига хос талқинлар жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳодисани айрим ҳамкасбларимиз ғарб адабиётининг, Ф. Кафка, А. Камю сингари XX аср буюк ёзувчилари-нинг таъсири ёки уларга тақлид деб атамоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгги йилларда ёш ижодкор авлод ора-сида ўша адиблар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, абсурд адабиётининг айрим намуналари ўзбек тилига айни шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам қи-линди. Гоҳо бир қарашда Кафка асарларига ўхшаб ке-тадиган асарлар ҳам яратилди. Чунончи, Назар Эшон-қулнинг «Муолажа» ҳикояси Кафканинг «Жазо колония-си» асарини эслатади. Шунга асосланиб биздаги абсурд тамойилини фақат ғарб таъсирига боғлаш, уни нуқул тақлидчиликдан иборат деб қараш тўғри эмас. Миллий адабиётдаги ҳар бир жиддий ҳодисанинг сабабини таш-қи омиллардан эмас, аввало шу миллий заминнинг ўзи-дан, реал воқеликдан, замона эҳтиёжларидан изламоқ даркор. Абсурд адабиётининг бир муҳим хусусияти шундаки, унда ақл-идрок, ўз бисотини, ҳаётини шафқат-сизларча танқидий идрок этиш, тафтиш қилиш устувор, шунинг учун ҳам унда фожиавийлик кучли. Инсон зоти ўзининг ҳақиқий аҳволини англаб етмаса, унинг учун ҳеч қанақа фожиа йўқ. Инсон ўз меҳнатининг маънисиз экани, аҳвол-ҳолати ва ҳаёти абсурддан иборат эканини англаб етган дақиқалардан унинг учун фожиа бошла-нади. 80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларидаги назият бизда абсурд адабиётининг, абсурд инсон обра-зининг турғиллини учун замин тайёрлади. Етмиш йиллик ваъда, орзу-умидларнинг пучга чиқиши, жаҳонда энг адолатли, бахтли боқий тузум деб жар солинган тузум-нинг истиқболсиз, энг илғор, бирдан-бир тўғри қараш саналган маркеча-ленинча таълимотнинг яроқсиз бўлиб чиқини кўнларини саросимага солиб қўйди. Бу ҳол ҳаё-тининг, бор заковатининг шу маънисиз таълимотга, йўлга тиккан, адашган, эндиликда ақлини таниб мудроқ бўл-ди уйғонган одамлар учун мислсиз фожиа бўлди. Тўғри, авваллари, чунончи турғунлик йилларида ҳам совет



даври ҳаётининг салбий жиҳатларини, адолатсизлик ва шафқатсизликларини кўрсатувчи, фош этувчи асарлар яратилган эди. Бироқ бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини тиккан шахс фаолиятининг бемаънилигини изчил тарзда таг-туғи билан очиб берувчи асарларнинг пайдо бўлиши учун мана энди шароит етилди. Ҳатто ижодий йўналиши моҳият-эътибори билан ҳаётбахш, тасдиқловчи руҳда бўлган ёзувчи, шоирлар бисотида ҳам абсурдни эслатувчи асарлар кўрина бошлади. Абдулла Ориповнинг «Фожиа», Эркин Воҳидовнинг «Ватан умиди» шеърлари шулар жумласидан. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Уткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», Омон Мухторовнинг «Минг бир қиёфа» романларида персонажлар умри, фаолиятининг, улар амал қилган ақидаларнинг, яшаган муҳитнинг бемаънилигига алоҳида урғу берилган. Бу тамойиллар айниқса Назар Эшонқул ижодида яққол намоён бўлмоқда. Муаллифнинг «Маймун етаклаган одам» ва «Муолажа» асарларидан тортиб «Бевақт чалинган бонг», «Истило», «Тобут» ҳикояларигача — барчаси ифода ва талқин йўсини жиҳатидан ўзбек адабиётида янги ҳодиса бўлди.

Боя айтилганидек, авваллари ҳам асрдош, замондош кишиларнинг фожеий қисматидан ҳикоя қилувчи асарлар яратилган. Бироқ уларда кўпроқ фожиалар илдизи, моҳияти ўзгача талқин этилган. Бу тур асарларда қаҳрамонлар ё адашган, ҳаётнинг катта йўлидан четга чиққан, ахлоқ нормаларимиздан чекинган худбин кимсалар («Сароб», «Жаннат қидирганлар», «Одам бўлиш қийин», «Баҳор қайтмайди» каби) ёки адолат, эзгулик, юксак идеаллар йўлида жиддий ғовларга, қаршиликларга дуч келган, «социализм принципларидан чекиниш» туфайли қурбон бўлган сиймолар («Олтин зангламас», «Чинор», «Диёнат», «Гирдоб», «Нур борки, соя бор», «Оққушлар, оппоқ қушлар» каби). Биз абсурд адабиётига мансуб этаётган асарларда, чунончи Назар Эшонқул ҳикояларида бутунлай ўзгача ҳолга дуч келамиз. Бу ҳикоялар қаҳрамонларини шунчаки йўлдан озган, «ахлоқ нормаларимиздан чекинган» ёки «улуғ мақсадлар йўлида» жиддий тўсиқларга дуч келган одамлар деб бўлмайди. «Маймун етаклаган одам» қаҳрамони ўз умрини, ҳаётини, бор заковатини асримизнинг «улуғ ишлари»га тиккан, бу борада ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган, қолаверса, жамият ҳам уни сийлаган, пенсияга чиққунга қадар турли лавозимларда ишлаган. Уни фа-



қат илоҳий қисмат жазолаган. Хотини ўлиб, фарзандлари нобоб чиқиб қариганида танҳо, қаровсиз, аянчли аҳволга тушиб қолган. У иш, принцип деб қариндош-уруғларидан жудо бўлган, унда дўст-биродарлар ҳам йўқ. Энг ёмони, унинг қалбида қариган чоғида, бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилиш яқинлашган дамларда руҳан таскин топиб овунадиган илоҳий эътиқод йўқ. Бу одам умр бўйи таянган мафкура уни мана шу илоҳий неъматдан, кўнгил хазинасидан маҳрум этган. Бу асрда қанчадан-қанча одамлар шу ҳолда алдовларга учиб имон-эътиқодсиз бу дунёдан ўтиб кетди! Ҳикоя қаҳрамони ҳаётини тиккан тузум, жамият, мафкура шитоб билан емирилиб бормоқда, унга қўшилиб бу кимса бисоти ҳам емирилмоқда. Дунёни ларзага солган инқилобий ўзгаришлар, миллионлаб одамларни, кўплаб мамлакатларни чалғитган, адаштирган, ҳалокат чоҳига тортган қудратли тузум ва мафкура ўткинчи, куни битганда ўз-ўзидан тўкилиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Аммо инсон зотига ато этилган инсоф, виждон, ақл-заковат боқий. Ташқи ва ички тазйиқлар, шайтон васвасаси ҳар қанча йўлдан оздирмасин, барибир, эртадир-кечдир бу мўътабар хислатлар инсон танида (агар у инсон деган зотга мансуб бўлса) яна қайта тирилади, уни ўзлигига қайтаради. «Маймун етаклаган одам» қаҳрамонининг қисман омади бор экан, гарчи кечикиб бўлса-да, у ўзлигини англаб етгандай бўлади. Пировардида у ўзининг маънисиз ўтган умр йўлини мардона, шафқатсизларча тафтиш этиб, сўнгги чизган сурати орқали авлодлар учун ачиқ сабоқ тарзида муҳрлаб қолдиришга эришади.

Ёзувчининг «Истило», «Тобут» ҳикояларида асли бемаъни ғоялар — адолатсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик асосига қурилган, инсон ҳаёти ва қалбини забт этиб ундаги табиий, боқий қадриятларни маҳв этишга қаратилган, оқибат-натижада эса ҳалокатга маҳкум тоталитар тузум ва яккаҳоким мафкуранинг даҳшатли мажозий манзаралари чизилади. «Истило»ни ўқиганда ундаги мудҳиш манзаралардан вужуд-вужудишгиз унишиб кетади. Ёвуз куч шаҳарга таҳдид солмоқда — ҳаммаёқ таъқиб, таҳлика исканжасида; одамлар қорасиз, ожиз маҳлуққа айлланиб қолган; шаҳар ҳикоя қаҳрамонини учун аялқачон бегона бир макон ва чиройли қалиб қурилган қатл майдони; шаҳар бегоналаниб боради, ўзлигини бутунлай йўқотади. Таъқиб этувчи ёвуз куч тирик хотинлар қилиб

қабрлардаги одам суякларини итларга гажитади, арноҳлар руҳини чирқиллатади. Одамлар кўнглида эзгүлик, ишонч туйғуси тугаб битган, ҳамма нарса омонат, бу дунё гўё йўқлик ва саробдан иборат; ундаги жамки нарсалар айқаш-уйқаш, ост-уст бўлиб ётибди... Қисқаси, ҳикояни ўқиётганда Пикассонинг машҳур «Гарника» сини томоша қилаётгандаги ҳолатга тушасиз.

«Тобут»даги манзара бундан ҳам даҳшатлироқ. Шаҳарга ўлат, бадбўй ҳид-уфунат тарқаган. Ҳамма ёқда ўлим шарпаси кезиб юрибди, соппа-соғ юрган одамлар бирин-кетин жон таслим этмоқда. Бошда бунинг сири-сабабини билмай барча ҳайрон, мана мен деган олиму шифокорлар бу синоат тагига етолмай гаранг. Бу ҳолдан шаҳар бош меъмори даҳшатга тушиб, телба бўлиб қолган. Бошда у бу шаҳарни не-не умидлар билан бунёд этишга киришган, «дунёга энг улкан ва одамзод ҳали ҳаёлига келтирмаган шаҳар қурамиз» деб жар солган. Ростдан ҳам ақл бовар қилмас шаҳар қурилди. Мана энди ўша номдор шаҳар уфунат, ўлат масканига айланган, бош меъмор эса ўзи қилиб қўйган иши, гуноҳи учун руҳий азоб-изтиробда телба ҳолга тушиб қолган. У ўзи бунёд этган шаҳарни ўз қўли билан барбод этмоқ, шаҳарга ўт қўймоқ пайига тушади. Охирида у юрагини очади, шаҳар ҳам, ўзи ҳам истибдод, ёвуз зўравон куч қурбони эканини аён этади, ҳамшаҳарларига қарата ваҳшат ичида: «Ҳаммаларинг унинг чангалидасизлар, шаҳар ҳам уники... у менга айтиб турди, мен қуриб бердим», — дейди. Ниҳоят, меъмор ўлимидан сўнг шаҳар тархи топилади. Маълум бўладики, бутун шаҳар тобут шаклида қурилган экан. Шу тариқа ҳикоядаги даҳшатли мажозий ифода асли тархи нобоп, ҳалокатга маҳкум жамиятнинг тимсоли даражасига кўтарилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Назар Эшонқулнинг бу тур ҳикояларида қаҳрамонларнинг номи йўқ—улар фақат «у» ёки ҳаётдаги амали, касб-ҳунари номи билан «Қотиб», «Қоровул», «Меъмор» деб юритилади. Инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини чизишда анчагина тажриба орттирган муаллиф бу хил персонажлар тасвирига келганда бу борада бир қарашда ҳафсаласизлик қилгандай таассурот қолдиради. Аслида эса шу хил «ҳафсаласизлик»дан муайян мақсад бор: ҳикоя персонажлари бемаъни, шафқатсиз ҳаёт тазйиқи остида шу ҳаётдан бегоналашган, шахсини, инсоний қиёфасини йўқотган ёки йўқотаёзган кимсалардир.

Кўриниб турибдики, абсурд асарларда ҳодисаларга

салбий муносабат, инкор руҳи кучли, ҳодисанинг даҳшатли манзараси кескинлаштирилган қабариқ ҳолда чизилади, ҳодисанинг фожеий моҳиятини бутун зиддиятлари билан китобхонга етказишга ҳаракат қилинади. Бу ҳол айрим китобхонларга бирёқлама, ғайритабиий туюлиши мумкин. Бироқ, начора, адабиётда бундай йўл ҳам умр кўришга ҳақли. Воқеликнинг ўзида абсурд учун замин бор экан, воқеликни абсурддан иборат деб билувчилар, қолаверса абсурд талқинига мойил китобхонлар мавжуд экан, бундай адабиёт яратилаверади. Абсурд асарларни хушламаслик, уларнинг муаллифлари билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, аммо бир вақтлар бўлганидек, абсурд асарларга менсимай қараш, бундан ҳам ёмони, уни таъқиб ёки ман этишга уриниш қипқизил жаҳолатнинг ўзгинасидир. Айни пайтда нисбатан янгилик бўлган бу ҳодисани адабиётдаги сўнгги сўз сифатида кўтар-кўтар қилиб бошқа йўналишларни, чунончи анъанавий реализм йўлида битилган асарларни «эски»ликка чиқариш, камситиш ҳам ўринсиз. Абсурд асарларнинг ўзига хослигини, қатор фазилатларини тан олган ҳолда, улардаги айрим чекланган жиҳатларни, хусусан бўёқларнинг бир хиллигини, оҳангнинг ўзгармаслигини айтиб ўтмоқ жойиз. Ҳар ҳолда воқелик ҳар қанча бемаънилик ва даҳшатларга тўла бўлмасин, инсон ҳаёти, шахси, табиати абсурд асарларидагига қараганда сержило, ранг-баранг. Анъанавий реализм абсурдга ва бошқа янгича ижодий йўналишларга кўра воқеликнинг, инсон ҳаёти ва шахсининг ана шу сержило товланишларини ифода этишда беқиёс имкониятларга эга. Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади. Ҳозирги ўзбек насридаги изланишлар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Ш. Холмирзаевнинг «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди...» ҳикояси гўё боягидек абсурд асарлар билан ўзаро баҳс-мунозара тарзида битилгандай туюлади. Бу асарда ҳам мустабил тузум инқирози, ҳаёт машаққатлари гирдобида гангиб, тушкунликка юз бурган шахс. «Социализмнинг барбод бўлганига ачинмайман. Бироқ у билан бирга менинг ҳам нималаримдир барбод бўлганига аминман: мен ишонган қадриятларимча чиндир... Гўёки бугунги кунгача беҳуда яшаган эканман...» — дейди у пчки алам билан. Бироқ адиб бу кўрсаткишларни охиразмон, ҳаётнинг, умид-ишончларнинг бутундай сў

инши, тугаши деб билмайди. Ҳикоя қаҳрамони шу мушкул, чигал дамларда, она табиат кучоғида инсонийлигини, табиийлигини, самимиятни, боқий қадриятларни сиқлаб қололган одамлар билан мулоқотда бадбин хаёлларни тарк этиб ҳаётга қайтади. Қаҳрамон шуни чуқур англаб етадики, бунақа кўргиликлар энди юз бераётгани йўқ, бу кўҳна дунё бунақа мустабид тузумлар, уларнинг инқирози, йўқчилик, машаққатларни, қолаверса, бундан ҳам даҳшатлироқ ҳодисалар — қаҳатчилик, ўлат, ўзаро қиргинларни неча бор кўрган. Етмиш йиллик тоат-ибодат йўққа чиққан экан, ҳикоя персонажларидан бири айтмоқчи, шунгаям ҳам тортишми... Одамларнинг қўлидан нима келади? Тағин битта тузум бўлади-да: яхшими, ёмонми... Лекин она табиат, инсоният, инсоний қадриятлар, илоҳий эътиқод қолаверади... «Хулоса шулки, азизим, дунё ўтар экан: — дея баҳсга яқун ясайди ҳикоя қаҳрамони. — Тузумлар ўтар экан! Шайхзода домла айтганларидек, эл-улус қолар экан. Анави содда қиз-жувон айтганидек — табиат, тун, тоғлар, ўрмонлар, борлиқ қолар экан!.. Биз ҳар қанча мавҳум-мунгли хаёлларга чўмиб, руҳий тушкунликларга тушмайлик, яшашга маҳкум эканмиз ва борлиқни севиб яшашимиз лозим экан!»

Қаҳрамоннинг узил-кесил хулосаси шу! Муаллиф ўзининг шу хулосасига бизни ҳам ишонтира билган. Ҳикояда яна бир муҳим йўналиш бор. Гап асар қаҳрамони шоир Қудрат билан нотаниш қиз-жувон Зумрад орасидаги интим мулоқот устида боряпти. Қудрат тоғ йўлида тунда яқингинада кўнгилсиз бўлиб эридан чиққан ўн саккиз ёшли сўлим қиз-жувон Зумрад билан ҳамроҳ бўлиб қолади. Шоир бу қиз-жувонни илк бор кўриши. Жувон эса ҳамюрти — шоирни, унинг ижодини, оилавий муҳитини миридан сиригача яхши билади. Ёмғир шивалаб турган сокин тунда тоғлар оралиғида, гулхан атрофида бу икки йўловчи орасида ғаройиб мулоқот, суҳбат боради. Бир томондан, аёлнинг ғалати қилиқлари, тунда шоир кетидан илашиб, инон-ихтиёрини унга топшириб юришлари, кўнгил учун ичкиликка таклиф этганида ҳеч иккиланмай-тортинмай қадаҳни сипқориши, нотаниш одамга ўзининг шахсий ҳаёти ҳақида юрак ёзиши шоирни таажжубга солади. Иккинчи томондан, бу содда қиз-жувоннинг турмуш машаққатлари, ижтимоий ҳаёт жумбоқлари, сиёсат, тузумларнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг, табиатнинг мангулиги ҳақидаги содда, аммо теран мушоҳадалари уни лол қолдиради. Аниқ

кўриб-сезиб турасиз, қиз-жувонда шоирга нисбатан майл бор, ўз навбатида қиз-жувонга нисбатан шоирда ҳам. Мана энди бирор кор-ҳол юз беради деб турасиз. Бунинг учун ҳамма шароит муҳайё. Бироқ сиз билан биз кутган иш рўй бермайди. Баъзи бировларга бу ёзувчининг «хасис»лиги, ҳодисаларнинг табиий тадрижига инсон шахси майллари, мантиқига зид бориш, ҳодисани ўз мақсад-ғояларига мажбуран бўйсундириш бўлиб туюлиши мумкин. Қолаверса, биз кейинги бир неча йиллар давомида нотаниш эркак билан аёл ўртасидаги мулоқот якуни албатта интим висолдан иборат деб қарашга одатландик. Ш. Холмирзаев ҳикоясидаги сингари вазиятлар қаламга олинган асарларда пировард натижада албатта шу нарса юз беради, буни табиийликнинг бирдан-бир йўли деб тушунилар эди. Шукур адабиёти-мизда кенг тарқалган айни шундай қараш, талқинлар билан ҳам баҳсга киришади. Қиз-жувон билан ғаройиб мулоқот туфайли бош қаҳрамон — шоирнинг ҳаётга муносабати, қарашни кескин ўзгарди. Шоир танидаги, вужудидаги шайтон васвасалари чекиниб нурли туйғулар, ҳаётга ишонч, муҳаббат кайфиятлари юзага қалқиб чиқади. Бу учрашувни у Оллоҳнинг неъматидеб қабул қилади. Учрашув охирида улар орасида яна галати туйғуларга, нозик қочиримларга тўла мана бундай гап-сўзлар бўлиб ўтади:

«— Раҳмат... Мен жуда маза қилдим, — давом этди у. — Худо урсин агар, сизни... шунақа бўлсалар керак, деб ўйлаб эдим. Рост чиқди.

Мен фикрини тушунган эдим. Қоньякдан яна отдим-да, дадилланиб:

— Яхши тушунмадим, — дедим.

У башарамга боқиб турди-да, бу ёмғирли тунни тўлдириб кулиб юборди.

Тасаввур этинг, мен ҳам унга қўшилиб кула бошладим. Табиий, қандайдир айбимними-гуноҳимни яшириб кулар эдим. У бўлса... балки у ҳам ўшандай айбимними-гуноҳимними бекитиб кулар эди».

Бу кулгида қанчалар чуқур маъно, сеҳрли туйғулар мужассам. Демак, қиз-жувон шоирга майл билдиргани билан қалбнинг қаеридадир унга нисбатан бошқача туйғу ҳам бўлган, уни пок, идеал одам деб билган. Мана энди ўша туйғу ҳақ бўлиб чиққач, ўзининг айби гуноҳи — бадбин майлларга берилгани учун ноқулай аҳволда қолади, бу айбини туши тўлдирган кутмига қўшиб яширмақ найинга тушади. У э навбатида шоир учун

Ҳам кулги уша дамларда хижолатдан чиқишнинг бирдан бир йўлига, шарм-ҳаёнинг нозик пардасига айланади. Маълум бўлаётирки, бундай талқинда ҳеч қанақа втайинлик, сунъийлик йўқ. Ҳикоядаги бундай хотима руҳан-мантиқан пухта асосланган. Қолаверса, шарм-ҳаёнинг бешармлик устидан бу хилдаги тантанаси шарқона ахлоқий қадриятларга, миллий адабий анъаналарга бориб туташади. Бу ҳол ҳазрат Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги Анушервон ҳикоятини ёдга туширади. Анушервони одил маъшуқаси васлига етишиб, унга шўхлик қилаётганда кўзи бирдан очилиб турган паргис гулига тушади-ю ўзининг беҳаёларча хатти-ҳаракатидан хижолат тортади. Шунда Навоий ёзади:

Айш, Навоий неча дилкаш дурур,  
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур...

Ш. Холмирзаев ҳикояси қаҳрамонлари ўша дамларда «адаб бирла ҳаё» йўлини тутган эканлар, буни тушуниш керак. Ҳар ҳолда бугунги адаб, андиша, ҳаё оёқ-ости бўлиб ётган замонда ҳам одамлар танида, қалбида бобомерос инсоний туйғулар сақланиб қолганига ишонгинг келади.

Одил Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикояси ҳам бугунги адабиётимизда ҳаётга анъанавий ҳаётбахш реализм тарафида туриб ёндашишнинг яхши намуналаридандир. Бу асар мустабид тузум, яккаҳоким мафкура жиноятининг энг даҳшатли лавҳаларидан — машъум ўттиз еттинчи йил қатағони, ўша қатағон довулига дучор бўлган оила, топталган болалик, топталган инсоний туйғулар ҳақида баҳс этади. Қатағон йилларининг даҳшатлари «Олтин занглас»дан тортиб «Қафансиз кўмилганлар» гача кўплаб асарларда қаламга олиingan. «Музқаймоқ» муаллифи бу асарларнинг бирортасини ҳам такрорламай, машъум ҳодисанинг тамомила янги қирраларини бадий кашф этишга эришади. Аввало ҳикоя қаҳҳорона шафқатсиз бир услубда битилган. Ҳақиқат, адолат олдида муаллиф ўзини ҳам, отасини ҳам аямаган. Қарангки, сиёсий мафкуравий қутқу туфайли Одилжоннинг отаси Эгамберди билан бобоси Ёқуб шайх дарёнинг икки соҳилига ўтиб қоладилар. Бобо қишлоқнинг энг катта масжидида номдор сўфи, тақводор шайх; ўн олтинчи йили Россияга маршикорликка кетган ота — Эгамберди эса у ёқдан болшавой бўлиб қайтади. Шу-шу ота-бола: бири — шайх, бири — болшавой, қип-қизил синфий

душманга айланадилар. Эгамберди умрининг сўнги дамларигача болшавойлар ғоясига сидқидилдан хизмат қилади: партия мактабида ўқийди, майда миллатлар бўйича халқ комиссари, туманда биринчи котиб, сиёсий бошқарма раҳбари, туман молия бўлимида мудир бўлиб ишлайди; партия, Сталин сиёсатига тўла ишонади, уларга садоқат билан хизмат этади. Эрта-ю кеч партия, давлат хизмати деб тиним билмайди, ўзини, оиласини унутар ҳолга бориб этади. Энг даҳшатлиси, мана шу садоқат, фидойилик, холис хизматлар эвазига охирида «Отанг сўфи бўлган, сен буни яширгансан» деган айбнома билан таъқибга учрайди, қатағон қилинади. Ота ўғли билан сўнги учрашувда алдовга қурилган тузум, сохта ғоялар йўлида маънисиз ўтган умри, беҳудага кетган жонбозлик, фидойиликларини англаб етгандай бўлади, фарзандлари олдидаги оддий оталик бурчини ўтолмай кетаётганидан афсус-надоматлар чекади, тўнғич ўғилга бир марта музқаймоқ ҳам олиб беролмаганидан ўкинади.

Бундан ҳам ёмони, фидойи болшевик ота ва ўша мафкуранинг ўчоғи бўлмиш совет мактабида таълим олган, оқпадар Павлик Морозовлар руҳида тарбияланган ўғлон ҳам бошда отасига тортади, отасини ҳибсга олиш учун келган қотилларга холис хизмат кўрсатиб, уларнинг «таҳсини»га сазовор бўлади, улардан бирининг «Маладес!.. Келгусида Павлик Морозов чиқади сендан!» деган таҳсинидан яйрайди.

Ҳикоячи ёзади: «Капитаннинг бу кутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллоднинг мақтовидан бир зумгина бўлсада, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда бир ўзимдан ижирганиб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан ғурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!»

Болшевиклик таълим-тарбия, таъқиб ёш авлод руҳини истило этиш, ўз комига тортишда давом этади. Ҳикояда бугунги китобхон учун латифага ўхшаб кетадиган аянчли бир лавҳа келтирилади: ҳушёр муаллим синфда ўқувчиларга дафтар варағидаги Пушкин суратидан СССРга қарши яширин белгилар топишни топширади. Одилжон биринчилардан бўлиб рассом кирдикорини фош этади, бу билан ўзини чинакам қаҳрамон ҳис этади ва яна бир бор ўша қотиллар таҳсинига сазовор бўлади. Жамиятнинг бемаънилиги, номардликни қараганки, нав-



шиҳол ўғлон «фидойилиги», «садоқати» эвазига мукофот ўринга таҳқирга дучор бўлади.

Ҳикоядан чиқадиган аччиқ сабоқ шуки, собиқ жамият, ҳукмрон мафкура катталар етмаганидек ёш гўдаклар кўнглига оғу солди, уларни ҳамма нарсага шубҳа билан қарашга, ҳамма ёқдан ёвузликлар қидиришга ўргатди. Бироқ ўша мудҳиш дамларда ҳам одамлар қалбида эзгу туйғулар, барибир, сақланиб қолди. Замона таъйиқи таъсирида ўғли қарашларида юз бераётган нохуш ҳолатларни кўриб-кузатиб бораётган она дил-дилдан ўртаниб унга: «Ҳой, болам-ов, болам-ов!... Сенга нима бўлди, болам-ов!.. Илоё дадангга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлма. Оллоҳдан битта-ю битта тилагим шу, болам», дейди.

Мана шу сўзлар отанинг сўнги пушаймон, афсунадоматлар тўла дил изҳорига қўшилиб гўё бутун ҳикоя бағридаги зулматни ёритиб тургандай бўлади, кўнгилларда эзгуликка, ҳаётга, одамларга ишонч, меҳр-муҳаббат туйғусини ҳаракатга солади. Ёзувчи айтмоқчи, адабиётнинг азалий вазифаси шу — бир-биримизга, она юртга, борингки, ҳаётга муҳаббат уруғини сочишдир.

Асқад Мухторнинг «Фано ва бақо» ҳикоясида тамомила бошқача ҳолат, ўзгача талқинга дуч келамиз. Адибнинг шу пайтга қадар ёзган насрий асарларида шахсни юқорида таъкидлаганимиздек, материалистик тарзда идрок этиш — уни ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида кўрсатиш, шахс характери ва тақдирида даврнинг, жамиятнинг, ижтимоий-сиёсий омилларнинг таъсирини алоҳида таъкидлаш устувор эди. Ёзувчининг машҳур романларидан бири «Давр менинг тақдиримда» деб аталиши тасодифий эмас. Бу ҳикояда ҳам персонажлар табиати ва қисматида муҳит-шароитнинг таъсирини кўрсатиш бор. Персонажлардан бирининг сўзлари билан айтганда, одам боласи дунёга соф келади, ҳамма ёмонликни шу дунёда ўрганади, шу ерда орттиради. Ҳикоя қаҳрамони Холхўжа ҳам, Очил ҳам шу нобоп, номукамал дунё, аниқроғи «социалистик ҳаёт тарзи» чигалликлари гирдобида гуноҳ йўлларга кириб қолган, шу дунёнинг давлати, роҳат-фароғати, ўз нафсини деб имон-эътиқоддан юз ўгирган. Ёзувчини характерлардаги муайян муҳитда шаклланган салбий хусусиятларнинг оқибатлари қизиқтиради. Бора-бора ҳикояда ижтимоий талқин чекиниб, персонажлар бисотидаги; руҳиятидаги туғма хусусиятлар нағмалари таҳлили олдинги ўринга ўтади. Персонажлар бир эмас, икки бор бу фоний дунё чегарасидан

чиқиб, боқий дунё остонасида кўринади. Худди уша чегарада улар ўзлигига қайтадилар. Оллоҳни ёд оладилар, бу дунёда қилган гуноҳлари учун пушаймон ейдилар; бир-бирларига юрак розини, сирларини рўй-рост айтадилар.


«Тирикчилик — асли тирриқчилик. У дунёга ишонмайди-да кўплар. Шунинг учун қўрқмай кирдикорини қилаверади»; «Боқий дунёнинг борлиги унинг остонасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр имон келтирса, каптар келиб, қузғун кетмасди... Келса гумон — кетар имон, дегани шундан-да»; «Дунё йиғиб нетарсан — бир кун ташлаб кетарсан. Буниси майли. Лекин гуноҳни олиб кетма»; «Ҳаёт ўлимдан ёмонроқ. Мен не вақтдан бери шуни ўйлаб, бошим ёрилай деяпти. Ҳаёт зарарли, одам шундай ўлади асли. Аммо-лекин дорилбақо... остонасида турган киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган мудҳиш гуноҳлар ҳам ҳеч нима эмас. Фақат уларни дунёга ташлаб кетиш керак». — Мана бақо остонасида танишган икки гуноҳкор «дўст» — банданинг иқрорномаси, тавба-тазаррусидан намуналар.

Нокомил банда табиатининг ғаройиб шеvasини қарангки, тақдири азал тақозоси туфайли бу икки «дўст» бақо остонасидан яна фоний дунёга қайтадилар. Орадан кўп ўтмай, яна шу дунё ғалвалари гирдобига шўнғиб қалтис дамдаги тавба-тазарруларини, аҳду паймонларини унутадилар. Бугина эмас, қалтис дамларда бир-бирларига ўз гуноҳлари, сирларини очганлари учун пушаймон ейдилар. Холхўжа ўз сирини ошкор этгани учун Очилдан, Очил эса Холхўжадан шубҳага тушади, энг даҳшатлиси икки сирдош «дўст» бир-бировининг пайига тушади, бир-бирининг жонларига қасд қилади... Тақдири азалнинг кароматини қарангки, яна бу икки гуноҳкор банда ўлим чангалидан омон қоладилар, бақо остонасидан қайтадилар, пировардида бошда бақо остонасида дўст тутинган, бу дунё ғамини деб ашаддий рақибга айланган бандалар яна бир-бирига тўқнаш келадилар. «Ҳа, у ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди то охиратгача улар бир-бирларини таъқиб қиладилар. Яна олдинда умр, яна ҳаёт, яна гуноҳ, яна жиноятлар... Азобли йўлни барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам». Энг муҳим хулоса шуки: «Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо имонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан...» Бунни ёзувчининг бутун ижоди

давомидаги маънавий изланишларидан чиқарган сунгги ва асосий хулосаси деб аташ мумкин.

Инсон ҳаёти ва табиатини шу хил нуқтаи назардан тафтиш этишга, ижтимоий мезонларга ҳар доим ҳам тўғри келавермайдиган пинҳоний, сирли-сехрли жиҳатларни кашф этишга урниш насримизда чиндан ҳам янгилик. Шу хилдаги изланишлар Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа»; Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романларида ҳам бор.

«Минг бир қиёфа» романи марказида ўта хоксор; камсуқум, заҳматкаш бир истеъдодли одам — шоир Абдулла Ҳаким қисмати ётади. У адабиётимизда одат тусига кирган на «ижобий», на «салбий» қаҳрамонларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди. У бир пайтнинг ўзида ҳам хоксор, забун, нотавон; ҳам фидойи, жасур ҳам гуноҳкор — қусурли, ҳам савоб ишлар қилган одам. Бу ғаройиб табиат йигит шундай бир даврда, муҳитда яшадими, унга ҳаёт асло кулиб боқмади; отасиз ўсди (отасини бекорга қамаб йўқ қилиб юбордилар), кейин волидасидан ҳам айрилди. Бутун умри кун кўриш учун қулдек ишлаб очлик-юпунликда, ғарибликда кечди. У — инсон шахси, эрки топталган, илоҳий, инсоний қадриятлар, имон-эътиқод оёқ ости қилинган, халқимиз табиати, руҳиятига бегона даҳрий эътиқод хуружи ҳаммаёқни тутган, даҳрийлик ғолиб келган замон фарзанди. Бундай шароитда у ўзининг виждоний эрки, шахсий бахти, муҳаббати учун курашмади, курашолмади. Кўнгил қўйган қизи онасига маъқул тушмагани учун ундан ўзини тортди; айни пайтда у қалбида айрим боқий инсоний туйғуларни сақлаб қололди — қатор яхши шеърлар ёзди. Насриддин Афандининг болалиги ҳақида жиддий асар яратди. Аммо уларни чиқариш учун ўзини ўтга-чўққа урмади, буни бемаъни машғулот, ўзи учун ор санади. У умрида бир бор мардлик, фидойилик кўрсатди — яқин одами ҳақиқат, адолат йўлида курашаётган дўсти учун ҳаётини; жонини фидо этди. Аммо дўсти бу жасорат қадрига етмади. Шу тариқа Абдулла бу фоний дунёда бир нави яшаб ўтди, баҳоли қудрат ўзгаларга яхшилик қилмоқчи бўлди. Афсус, тириклигида қадр топмади, уни қийиниб ёвузларча ўлдиришди; ўлиги сарсон-саргардон бўлди; ҳатто у ўз номи қолиб дўстининг номи билан қабрга кирди. Бу дунёдаги кўргиликлар етмаганидай, лоқайдлиги, сусткашлиги, бу дунёга келиб одамдай яшаб ўтмагани, ўзлигини тўла англаб етмагани, имон-эътиқод-



да собит турмагани учун аввал лаҳадда жало олади, сўнг қиёматда.

Шоир бу «ҳақсизлик»лардан бошда ажабланади. Шунда фаришталар гуноҳини юзига тўкиб соладилар: «... сен ҳаммани қаёқларгадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман, деб бақириб-чақирини касб қилгандинг. Аммо, мен ўзим аслида кимман, инсон бўлиб нимага эришдимунималарга эришмадим, деган гап баъзан хаёлингдан ҳам ўтмасди. Ҳолбуки, инсон учун ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳволига тушуниб етиш энг юксак даражадир... Сен Худога ишонардинг. Шунинг баробарида, шоҳлар-арбоблар, дегандек дунёда ҳукмини ўтказиб яшаган, ўзини бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган қайсидир кибор, манман кишиларга ундан ҳам кўпроқ ишонардинг!»

Фоний дунёда шундай гуноҳлар қилгани, имон-эътиқодда содиқ турмагани рост, бунга ўзи ҳам иқрор. Бироқ буларни ўзгалар гуноҳи олдида арзимас нарса деб билади. Олий ҳақиқат шуки, гуноҳнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳар ким ўз қилмиши учун бу дунёда ҳам, қиёматда ҳам ўз улушини олади. Яна бир ҳақиқат шуки, бу фоний дунёда қилинган савоб ишлар изсиз, жавобсиз, мукофотсиз қолмайди, самараси эртами-кечми албатта рўёбга чиқади. Шоир гуноҳига яраша жазосини олгач, савоб ишлари учун авф этилиб, дўзах азобидан фориг бўлади, бу дунёда эса унинг номи, асарлари халққа қайтади.

Бу хоксор, дарвиштабиат одам ҳаёти, қисмати, фоний ва боқий дунёдаги саргузашт — кўргиликлари асарда ёзувчи учун бир маънавий кўзгу вазифасини ўтайди, романдаги бошқа жамики персонажлар қиёфаси, қилмиши шу кўзгуга солиб баҳоланади. Бу камсуқум, гуноҳкор банда қаршисида бутун бошли мустабид тузумни қўлида тутиб турган зўравон, шафқатсиз ёвуз кучлар, мунофиқ, қиёфасиз, имонсиз кимсалар қилмиши гуноҳи азим экани аён. Модомики, шоирдек беозор банда бу дунёдаги айрим гуноҳлари учун шунчалар азоб-уқубатларга гирифтор бўлган экан, бундай зўравонлар, мунофиқ, имонсиз кимсаларнинг охирати нима билан тугаши маълум — буни ўйлашнинг ўзи даҳшат! Мана шу камсуқум йигит қаршисида улкан мансаб-мартаба масканидаги катта мансабдор шахслар — Кабилов ҳам, Опа ҳам, Опоқов ҳам ўта майда, чучмал кимсаларга айланади, ҳатто жиноятчиликка қарши ўт очиб, жасурлиги билан эл орасида танилган Бурҳон

Шариф ҳам, умри эл саломатлиги йулида кечаётган куюнчак шифокор Садиржон ҳам кичкина, жун одамлар бўлиб кўринади.

Романда ғаройиб бир ҳолат мавжуд. Абдулла Ҳаким кўринишда дўсти Бурҳон Шарифга ниҳоятда ўхшаш. Абдулла Ҳаким ҳалок бўлганида Бурҳон Шариф сафарда эди. Абдулла Ҳакимни Бурҳон Шариф деб дафн этадилар. Бурҳон Шариф сафардан қайтганида унга Абдулла Ҳаким деб муносабатда бўладилар, ҳатто Бурҳон Шарифнинг умр йўлдоши ҳам бу икки шахсни бир-биридан ажрата олмайди. Бу ҳол айримларга сунъий, ўта муболағадор бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бунда муҳим ҳақиқат, жиддий маъно бор. Мустабид тузум, якка-ҳоким мафкура одамларнинг, ҳатто пешқадам сиймоларнинг «мен» лигини, ўзлигини емирди, уларни қиёфасиз кимсага айлантирди ёки қиёфасига соя солди; шу тариқа уларнинг ҳам бу дунёсини, ҳам у дунёсини маҳв этди. Абдулла Қодирий сўзлари билан айтганда «шахси бутун» бўлмаган, «ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмагон, ожиз, ихтиёрсиз» кимсалар қиёфасиз бандалардир; бу фоний дунёнинг адолатсизликлари, майда манфаатлари олдида «бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир», зўравонлар, расво кимсалар олдида «қуллуқ бунёд қилгон расво расволарнинг энг ашаддий расвосидур». Бундай кишиларда имон-эътиқод бўлмайди. Модомики муайян ҳолларда эътиқоддан чекиниш Абдулла Ҳаким ва Бурҳон Шарифдек кишиларни ҳам қиёфасиз ҳолга келтириб қўйган экан; бутун умри қабоҳатлар билан муросаю мадорада бўйин букиб, замонага мослашиб ўтган бандаларнинг ҳолига, қисматига вой! Шу тариқа адиб қиёфасизлик — имонсизлик, эътиқодсизликнинг фожиасини бутун даҳшати билан кўз олдимизда гавдалантиради.

Асарнинг ифода тарзига хос муҳим хусусиятларидан бири шуки, ёзувчи қалами бу фоний дунё воқеалари ифодасидан нариги — боқий дунё саргузаштлари тасвирига эркин кўчади, асар етакчи қаҳрамони иккига ажралиб руҳи билан тани айри ҳолда бири иккинчисини таъқиб этиб юради, асарда жиддий реалистик таҳлил плохий-руҳоний тасаввурлар, талқинлар билан эркин туташади. Узоқ йиллар биз реализмни фақат моддиюнчи фалсафага таянувчи ижодий оқим деб тушуниб келдик; моддиюнчи тафаккур билан диний-руҳоний қараш бир-бири билан асло келишолмайди, деб таълим берардилар бизга. Ҳолбуки, адабиётда инсон ҳаётини, шахсини ҳам

Материалистик, ҳам диний қарашлар бирлигида идрок этиш, теран таҳлил этиш тажрибаси бор эди, чунончи Ф. Достоевскийдек даҳо реалистлар ўтган асрда бу йўлда мислсиз бадиий кашфиётлар яратган эди; коммунистик тузум даврида бу йўл рад этилди. Шунга қарамай 60—80-йиллардаги «эрувгарчилик» туфайли айрим жасур адиблар, чунончи Ч. Айтматов, Н. Думбадзе ўша қутлуғ анъанани тиклашга ҳаракат қилдилар. «Абадият қонуни», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» асарлари шу йўлдаги дадил қадамлар бўлди.

Ниҳоят, бизда ҳам ҳаёт ҳодисаларини, инсон шахси жумбоқларини, реализм заминиди, илоҳий-руҳоний қарашлар жўрлигида бадиий таҳлил-тадқиқ этишга уринишлар бўляпти. Бу йўл ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор. Бу ҳодисани рус адабиётшунослари «христианлик реализми»га қайтиш деб атамоқдалар. Эҳтимол, биздаги бу ҳодисани исломий-руҳоний реализмининг туғилиши, шакллани бошлаши деб атаса мақсадга мувофиқ бўлар. Гарчи ўтмишда диний йўналишдаги насрий, шеърий асарлар кўплаб яратилган бўлса-да, реализм тажрибаларига таянувчи илоҳий-исломий талқинлар бизда энди кўриняпти.

Инсон шахси, қалбининг давлат, тузум, ижтимоёт, мафкура, ҳатто дин, сиёсатга бўйсунмайдиган ғаройиб жиҳатларини талқин этишда яна ўзгача тамойиллар ҳам кўринмоқда. Ўткир Ҳосимовнинг «Тушда кечган умрлар» романидаги уруш ифодасини эслайлик. Уруш талқини романда тамомила янгича. Аввалги уруш ҳақидаги асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда қарама-қарши турган кучларни дўсту душманга, оқу қорага, «бизникилар» ва «улар»га ажратиш йўқ; бу ерда ғолиблару мағлублар, қаҳрамонлару ноқаҳрамонлар йўқ, фақат уруш қурбонлари, тузум, мафкуравий айирма, рақобат жабрдийдалари бўлмиш бегуноҳ инсонлар бор, холос. Уруш ҳар икки томон учун ҳам вайронагарчилик, ўлим, жудолик, мусибат, тандаги, қалблардаги жароҳат, даҳшат—фожа! Ёзувчи фақат афғон уруши эмас, Ватан уруши ҳодисаларига ҳам шу хилда янгича ёндашади. Романда шундай эпизод бор: олдинги маррага бир ҳафтача овқат келмаган. Жангчилар оч қолган. Ўртада картошка даласи бор. Украин йигити Бондаренко билан соддадил қозоқ жангчи картошка кавлаб келишга бордилар. Қуюқ туман ичида улар душманга — немис жангчисига дуч келдилар. У ҳам очликдан картошка кавлагани келган экан. Немис русчани биларкан, қаранг

ки, улар гурунглашиб қоладилар. Гапдан гап чиқиб немис уруш жонига теккасини, уйини, учта боласини соғинганини айтади, қозоқ эса саккизта боласи борлигини, колхозда «молши» бўлиб ишлашини айтади. Бондоренко онасини соғиниб кетганини гапиради. Қисқаси, ашаддий «душманлар» рақибликни унутиб бир-бирлари билан ҳасратлашиб, сўнг немис у ёққа, қозоқ билан украин бу ёққа — ўз йўлига кетаверадилар... Агар одамлар табиати, шахсиятидаги шу хил хислатлар билан алоқадор ҳодисалар кенгроқ, янада теранроқ қаламга олинса — шунинг ўзи бутун бошли роман бўлиши мумкин!

Шу романдаги яна бир ҳолатни, аниқроғи Комиссарнинг умр йўлдоши Назира билан алоқадор талқинни эслайлик. Комиссар билан Назира иккиси икки олам. Комиссар — мустабид тузумнинг, ҳукмрон мафкуранинг қилич ва қалқони, тузум етиштирган «сиёсий ҳушёрлик», ёвузлик, шафқатсизлик тимсоли. Назира эса нафосат, поклик рамзи. У — оилада яхши бека, эрининг вафодор умр йўлдоши, болаларининг меҳрибон онаси. Бу аёл эрининг ишларига асло аралашмайди, сиёсат, мафкура билан мутлақо иши йўқ. Ёвуз, шафқатсиз одам билан шундай беозор, мунис аёлнинг бир ёстиққа бош қўйиб узоқ йиллар тинч-тотув яшаши ғаройиб ҳол! Назира ҳаётида ҳеч ким билан олишишни истамагани каби ўлимида ҳам осойишта жон таслим этади... Инсон табиати ва руҳиятининг ҳеч қанақа қолипларга сиғмайдиган бу хил шевалари бизда мана энди кенгроқ қаламга олина бошланди. Ҳолбуки, ҳаётда мафкуравий-сиёсий тасаввурларга сиғмайдиган бундай ҳолатлар жуда кўп. Фақат бизда, шарқда эмас жаҳонда, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида ҳам бунга ўхшаш ғаройиб инсоний муносабатлар беҳад кўп учрайди. Шоир айтмоқчи, азалдан кўп ҳолларда поклик, нафосат билан дағаллик ёнма-ён яшашга мажбур!

Анъанавий реализм йўналишида, ижтимоий ҳаёт оқимининг шахс табиати, руҳиятига таъсирини бадий тадқиқ ва таҳлил этишда ҳам айрим янгича тамойиллар кўзга ташланаётир. Бу жиҳатдан Ш. Холмирзаевнинг «Олабўжи» романи ибратли. Романда кечаги қишлоқ ҳаётининг кенг манзараси чизилган. Ёзувчи воқеа-ҳодисалар оқимини, характерлар хатти-ҳаракатини, персонажлар руҳиятидаги жараёнларни холис туриб ифода этади, воқеа-ҳодисаларга асло аралашмайди, уларни ўз ҳолига қўйиб беради. Романдаги тасвир бошдан-оёқ



Ўта эркин, гўё хилма-хил жилғалардан йиғилиб гоҳ тез, гоҳ сокин оқиб борувчи тоғ дарёси каби ҳаракат қилади; муаллиф эса баланд соҳилда «дарё ишлари»га аралашмай унинг оқимини синчиклаб кузатиб тургандай. Персонажлар нафас олаётган, фаолият кўрсатаётган муҳит, шароит жумбоғу муаммоларга тўла; шунингдек, қаҳрамонлар қисмати ҳам жумбоқлардан ҳоли эмас. Бироқ бу асарни кейинги ўн йилликларда урф бўлган «муаммоли роман»лар тоифасига киритиб бўлмайди, ундаги етакчи персонажлар ҳам одатдаги муайян ғоя-муаммоларни ташувчи «концептуал қаҳрамон»лардан бир мунча фарқ қилади. Ҳаётда, одамлар руҳиятида, онгида кечаётган жараёнлар оқими қаҳрамонлар характери, қисмати моҳиятини белгилайди. Ҳаёт ва руҳият оқимини холис кузатиш, тафтиш этиш орқали ёзувчи гоҳо ўзи сезмаган ҳолда жуда муҳим ижтимоий жараёнлар моҳиятини — мустабид тузум амал қилган мафкура, ўтказган сиёсат инқирозини фавқуллодда бир маҳорат билан кўрсатади. Буни романдаги биргина Тўқлибой Қўчқоров образи мисолида кўриш мумкин.

Тўқлибой Қўчқоров ҳақиқий арбоб, у районда партия сиёсатини изчиллик билан ўтказиши, котиблик вазифасини қўйил қилиб адо этади, яхши, истеъдодли одамлар ҳисобига партия сафини мустаҳкамлаш пайида бўлади. Аслида у зиёли — ўқитувчидан чиққан раҳбар ходим; у янгиладан ҳам, эскиладан ҳам дурустгина хабардор; «рўзи маҳшар»ни ҳам эслаб туради; ўз соҳаси — халқ тарихини дуруст билади, кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар хусусида ўзининг мустақил қарашлари бор. Айни пайтда у шеърят шайдоси, шоир журналистларни ҳурмат қилади, ўзи ҳам шеърлар ёзиб туради. Қизиги шундаки, район миқёсида партия сиёсатини изчил ўтказиши лозим бўлган, амалда юқоридан белгиланган буйруқларни сўзсиз бажарадиган, бажартирадиган бу раҳбар ходим ичдан партия сиёсатини эътиқодини қабул қилмайди, қилолмайди, хийла ақлли, фикрлайдиган бу одам мавжуд тузумнинг турган-битгани бюрократияга, қоғозбозликка асосланганини, мустабид давлату тузумнинг таги бўш эканини, уни зулм ва қўрқитиш қуролларигина ушлаб турганлигини яхши англайди; у босмачи деб бадном этилган миллий озодлик курашчиларининг, «паптуркист» деб номланган истиқлол фиқойиларининг тарихдаги асл ўрнини, хизматини руҳан қадрлайди. Катта қурбонлар эвазига бўлса-да, истиқлол амалга ошишини истайди; Тараканов типидagi марказ одамларнинг

кирдикорларини миридан сиригача билади; давлат, партия ҳозир ўтказаетган сиёсат — маданий, диний қадриятлар оёқ ости қилиниши, юрт бойликларининг таланиши, она табиатнинг топталиши, мактаб ўқувчиларининг умри оғир меҳнатда хазон этилаётгани каби нохуш ишлардан куюнади, куюнади-ю, барибир, ижрочи арбоб сифатида бу хато, адолатсиз сиёсатни давом эттираверади, чунки у ўзини мустақил арбоб эмас, шунчаки бир қўғирчоқ, итоаткор, қарам, шу ҳокимиятнинг қули эканини, фақат эгарда ўтирганини асло унутмайди, унутолмайди. Бир район ҳудудида расман ҳокиму мутлақ сапалган бу шахс — ожиз-нотавон бир кимса, ўзи кўриб, билиб турган қабоҳатларга, хато сиёсатга қарши боролмайди, ҳатто унда қабоҳатларга қарши исён учқупи ҳам йўқ. Демак, у аросатдаги одам; унда мустаҳкам имон-эътиқод, юксак мақсад йўқ. «Бу дунёнинг ишларини ўйлайверсанг, жинни бўласан» дейди у.

«Йўлсизлик»ка мубтало имонсиз-эътиқодсиз бу одам энди ўзини айш-ишратга уради, яшаб қолишга ҳаракат қилади, шу тариқа ўзини овутади. «Ҳа, унинг асл ғояси — яхши яшаш». Имон-эътиқодсиз, субутсиз кимсалар олдида гуноҳу жиноятлар учун ҳеч қанақа тўсиқ — инсоф, андиша, шарм-ҳаё, Оллоҳ ва бандаси олдида ҳадик-қўрқув ҳисси бўлмайди. Бу имонсиз кимса соддадил содиқ шогирди Ултонга хиёнат қилади, унинг тоза туйғуларини, йигитлик шаънини топтайди, ўйнаши — қув аёл Баҳорни унга рўпара қилиб, ўзи бош бўлиб уйлантириб қўйиб, маккорлик билан бу одам тақдири орқали ўйин кўрсатади. Бу ўйин ғоят қимматга тушади — ёрқин бир истеъдод эгаси, халқнинг асл фарзанди ҳаёти барбод, умри хазон бўлади.

«Тушда кечган умрлар» романидаги Комиссар ҳам хавфли, даҳшатли кимса. Бироқ унинг қиёфаси аён. У коммунистик эътиқодда собит. Тоталитар тузум, унинг сиёсати, унинг мафкурасига содиқ; гарчи ҳаёт унинг қарашларини рад этаётган бўлса-да, барибир, у ўз билганидан қолмайди, аҳдидан қайтмайди. Ҳар ҳолда бундай кимсаларни тушунса бўлади. Аммо Тўқлибой Қўчқоров сингари одамларни тушуниш мушкул. Булар қиёфасиз махлуқлар. Чунки имон-эътиқодда содиқ туролмаган одамларда аниқ қиёфа ҳам бўлмайди, у даврга, замонага эркин мослашиб, жамиятни ичдан емиришда давом этаверади. Қарангки, социализмнинг, коммунистик партиянинг даври даврони келган йилларда унинг тузиши татиган, раҳбарлик курсларида ўтирган бу арбоб

мазкур тузум, партиянинг «қора кунлари»да унинг тузлуғига туфлаб, ҳеч иккиланмай, қийналмай янги бир етакчи партиянинг сафига кириб олади. Шу тариқа партия арбоби Тўқлибой Қўчқоров образи тимсолида биз ўн саккиз миллионли компартиянинг ҳалокатга олиб келган омилларини ҳам кўрамиз. КПССни худди мана шундай имон-этиқодсиз кимсалар таназул сари етаклади. Модомики Тўқлибой Қўчқоровдек раҳнамолар партиявий ақидаларга ишончини бутунлай йўқотган экан, бу партия аллақачон ҳалокатга маҳкум экани ўз-ўзидан аён. Ш. Холмирзаев романини ўқиб, Тўқлибой Қўчқоров тақдирини, руҳиятидаги жараёнларни кузата бориб ўн саккиз миллионли жаҳонга довруғ солган компартиянинг кўз олдимизда бу қадар тез ва осон жон таслим қилишининг боисини, асл сабабини англаб етгандай бўламиз.

\* \* \*

Маълум бўляптики, бугунги адабиётимизда, жумладан насримизда хилма-хил фалсафий заминга асосланган адабий-ижодий тамойиллар амал қиляпти. Улар орасида эндигина шаклланиб келаётгани ҳам бор. Уларни кўз қорачиғидай асраб-ардоқлашимиз, айти пайтда уларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, бирини улуғлаб, иккинчисини камситишдан тийилмоғимиз даркор, деб ўйлайман.

Бирор адабий оқим, мактаб, услубий йўналишни устун қўйиш, бошқаларини камситиш ёки рад этиш нималарга олиб келганлигини етмиш йиллик тажрибамизда кўрдик. Демократик, маърифатли жамиятда инсон ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалашга, юксак инсоний қадриятларни қарор топтиришга қаратилган эстетик қимматга молик ҳар қандай адабий оқим, мақтаб яшашга тўла ҳақли.

Бу гапларни ёдга туширишдан муддао шуки, танқидчилигимизда гоҳо бугунги адабиётимиздаги баъзи ҳаётбахш, умидбахш тамойилларни қўллаб-қувватлаш асносида билиб-билмай бошқа адабий анъаналарни менсимаслик ҳоллари сезиляпти. Чунончи Сувон Мели «Рух қушимиз омонми?» мақоласида «Илоҳга йўналмаган адабиёт — чала адабиёт. Одамзод ўзининг дунёдаги ўрнини англашга интилар экан, у ўзакни, моҳиятни албатта излайди. Жиддий адабиётнинг йўли-ю манзили — шу. Енгил адабиёт эса кимнидир, ниманидир мацҳ эта-

ди, кимнингдир хизматини қилиб, ошиши ошаб, деярли изсиз ўтиб кетади. Жиддий адабиёт эса охир-оқибатда яратганга етиб келади, унинг минг бир ҳисларини, яралмиши инсоннинг бирон бир жиҳатини Оллоҳнинг меҳр шуъласида қўйиб тасвирлайди. Шунда жиддий умуминсоний гап айтилади», — деб ёзади. Эҳтимол, жиддий адабиёт яратиш учун санъаткорда мустаҳкам илоҳий эътиқод бўлиши зарурийдир, дейилса тўғри бўлар. Жаҳон адабиёти тажрибасидан аёнки, ҳар қандай жиддий, етук асар албатта илоҳга йўналган; илоҳий ғоялар билан йўғрилган бўлиши шарт эмас. XX аср рус адабиётида илоҳий эътиқодда собит турган иккита буюк адиб бўлса, шулардан бири — А. Солженицин. Бу адолатпарвар, инсонпарвар, ҳақгўй ёзувчининг мен ўқиган асарларида илоҳий ғоялар, талқинлар «инсоннинг бирон бир жиҳатини Оллоҳнинг меҳр шуъласида қўйиб тасвирлаш» айтарли йўқ. Бироқ бу ҳол асло адиб ижодининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-бадий қимматини камситиш учун асос бўла олмайди.

Ёш танқидчи Абдулла Улуғов ўзининг «Дардманд дил илтижолари» мақоласида бугунги адабиётимиздаги бошқа бир муҳим тамойил хусусида сўз очади: «Руҳимизнинг ҳеч бир қонун, фармойишларга сиғишмайдиган қувонч, қайғудек турфа бисотлари бисёр. Эндиликда эса истеъдодли ижодкорларимиз ана шу изоҳсиз олам ранглари чизишга интилишмоқда. Улар суратлантираётган манзараларда инсоннинг ҳар лаҳзада минг бир қиёфа касб этадиган безовта ички олами намоён бўляпти». Муаллиф бу ҳодисанинг ёрқин далили сифатида Асқар Маҳкамнинг Бобурга бағишланган «Таважжуҳ» достонини таҳлил этаркан қаҳрамоннинг тириклик ташвишлари тўғрисидаги ўкинчли мушоҳадалари, дилини тигдай азоблаган армонлари хусусида сўз юритади. Шоир бизни «Қисмат тўлқинида чайқалди таним, иблис измида тентидим мардуд», дея нола чекаётган шоҳ Бобурнинг тавба-тазарули қиёфаси билан таништиради. Ҳаққа юзланган таважжуҳли дардкаш дилнинг қазо ва қадар ҳақидаги, Ватан, фано ва бақо ҳақидаги ўйлари ни қаламга олади...

Бироқ мунаққид бугунги адабиётимизга, шеърятимизга, жумладан Асқар Маҳкам достонига хос бу хил хусусиятларни адабиётимизнинг аввалги босқичига, жумладан Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодига, уларнинг ўзгача йўналишдаги асарларига қарама-қарши қўяди. «Совет даври мафқураси ҳаммамизни ашаддий матери-

алистга айлантириб қўйди. Шунинг учун бўлса керак, аксарият асарларимиз кўриш, сезиш мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни шарафлашга, уларнинг аҳамиятини таъкидлашга бағишланди. «Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» сингари мумтоз романларимиз мундарижасини қаҳрамонларнинг инсон сифатидаги ички дунёси, дарди, ҳис-туйғулари, кўнгил кечинмалари эмас, балки уларнинг атрофида кечаётган кескин синфий курашлар белгилагани, асосий эътибор айни ижтимоий воқелик тасдиғига қаратилгани очиқ сезилади».

«Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» романларида ижтимоий таҳлил етакчи ўрин тутганлиги рост, бироқ уларда, хусусан «Қутлуғ қон»да қаҳрамонларнинг инсон сифатидаги ички дунёси, дарди, ҳис-туйғулари, кўнгил кечинмалари эътибордан четда қолган дейиш инсофдан эмас. Қолаверса, қаҳрамонларнинг ижтимоий ҳодисалар билан алоқадор ташвиш, кечинмаларини бутунасича «инсоний ҳис-туйғулар» доирасидан четга чиқариб қўйиш ҳам тўғри бўлмас деб ўйлайман. Шахсни ижтимоий жиҳатдан таҳлил этиш фақат совет даври адабиётига эмас, жаҳон танқидий реализмига ҳам хос муҳим хусусиятлардандир. Тўғри, 20—30-йилларда ижтимоий таҳлил гоҳо қўпол равишда бузилди, бундай қуср қйсман «Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» романларида ҳам учрайди. Аммо истеъдодли адибларимиз, жумладан «Қутлуғ қон» муаллифи ўша кезларда қаҳрамонларнинг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий-интим ҳаётини ифодалашда жиддий муваффақиятларга эришолди.

Танқидчининг айниқса, «Ўғри» ҳикояси хусусидаги мулоҳазалари жиддий эътироз туғдиради. Унингча, 30-йилларнинг сара асарларидан Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси қаҳрамонлар қиёфасини, ҳолатини аниқ, ихчам суратлантиргани билан ҳар қандай китобхоннинг диққатини жалб этади. «Афсуски, — деб эътироз билдиради мақола муаллифи, — ёзувчи ана шу қаҳрамонларнинг сийратини, яъни ички оламини негадир суратидай маҳорат билан аниқ, ишонарли чизиб бермайди». Танқидчи бундай эътирознинг боисини шарҳлаб, ҳақорат шубҳасиз нафрат ва адоват туғдиради, дейди, сўнг Қобил бобо ва унинг рақиблари руҳиятида кечиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақидаги ўз таҳмииларини баён этади: «Масхараланиш, хўрланиш туфайли эса Қобил бобо кўнглида ҳам исён, ҳасад пайдо бўлади. Айни чоқда кекса бир чолнинг ночорликдан «даг-даг титраётган»

гарибона қиёфаси уни шилаётган порахўр—ўғри амалдорлар кўнглида ҳам ачиниш, афсусланиш ёки жирканишми, хуллас, қандайдир бир оғриқли муносабат уйғотади. Чунки ҳар қандай одам, у яхшими-ёмонми, бундан қатъи назар, турфа хил кечинма ичида яшайди». Муаллиф «Ўғри»да мана шу турфа ҳолат кўрсатилмаганлигидан афсусланади.

Аввало «Ўғри» персонажларининг хилма-хил ҳолат-кечинмаларини ифодалаш учун кенг имкон берадиган роман ёки йирик дoston эмас, ихчам ҳикоя эканлигини, қолаверса, бу ҳикоя қандай мақсадда ёзилганлигини, ундаги қаҳрамонларнинг асл моҳияти нимадан иборат эканини асло унутмаслик даркор. Қобил бобо—ўз номи билан қобил-мўмин, қул, муте инсон, замона зулми шафқатсизликлари туфайли ўзлигини йўқотган, мустақил фикрлашдан маҳрум кимса. Масхараланиш, хўрланиш туфайли Қобил бобо кўнглида исён, ҳасад пайдо бўлишини талаб этиш бу образ мантиқига мутлақо зид иш кўриш демакдир. Чунки айни шундай туйғулардан бегона экани учун ҳам у шу хил кўргиликларга мубтало! Ҳажвий йўналишда битилган персонажлар — Қобил бобони хўрлаган, масхаралаган мансабдор кимсалардан инсоний фазилатлар ифодасини талаб этиш ҳам оддий адабий нормаларга хилоф.

Шахс табиатининг муайян жиҳатигина қаламга олинган бу хил персонажлар жаҳон адабиётида, хусусан ҳикоячилигида тўлиб-тошиб ётибди. Қолаверса Қобил бобо хилидаги фикрлашдан маҳрум муте, мўмин кимсалар образи жаҳон адабиётида, жумладан А. Чехов ижодида кўплаб учрайди. 60—70-йиллар совет адабиётида, масалан Ч. Айтматов асарларида ҳам бор. «Ўғри»даги соддадил, оми, қобил-мўмин кимса образидан «Таважжух»даги номи жаҳонга машҳур шох саркарда, шоир, носир, олим ва мутафаккир сиймо Бобур руҳиятига хос кечинмаларни, турфа ҳолатларни талаб этиш ўринсиз эканини исботлаб ўтиришга аслида ҳожат ҳам йўқ. А. Қаҳҳор «Ўғри» сингари жаҳолат қурбонлари қаламга олинган ҳикоялар билан баробар ўша 30-йилларда «Сароб»дек роман ёзиб, руҳий изтироблар оловида қоврилиб ёнган, турфа ҳолатларда намоён бўлган ёрқин характерлар ҳам яратганлигини эсдан чиқармайлик.

Қисқаси, адабиётимиздаги «руҳимизнинг ҳеч бир қонун, фармойишларга сиғишмайдиган қувонч, қайғудек турфа бисотлари»ни кашф этишга уринишдан ибo-

рат яхши тамойилларни қўллаб-қувватлаш билан баробар ижтимоий таҳлил устун турувчи анъанавий реализмни ҳам қадрлаймиз. Абдулла Қодирий, Чўлпон бошлаб берган, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Ғулом ижодида кўп янги хусусиятлар билан бойиган анъанавий реализмнинг ҳали бизда очилмаган имкониятлари чексиз. Миллий адабиётда адабий мактаблар, ижодий оқимлар қанча кўп бўлса, бундай адабиётнинг истиқболи шунчалик порлоқ.



## БУГУНГИ НАСРИМИЗ ЙУЛЛАРИ

### Озгина кириш сўз

Адабиётимизнинг ҳозирги ҳолати, бугунги адабий муҳит, жараён ҳақида хийла кескин танқидий фикрлар айтилмоқда. Бу хусусдаги майда-чуйда гапларни бир-ёққа қўяйлик-да, таниқли, зукко мунаққидларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутайлик. Иброҳим Ҳаққул: «...адабий жараёнда том маънодаги ижодий эркинлик, янгиликка чанқоқлик руҳи унча сезилмайди. Янада очигини айтадиган бўлсак, адабий муҳит бугун бир қадар ачинарли ва ночор аҳволдадир», — деб ёзади. Аҳмад Отабой эса танқидий руҳни янада кескинлаштириб, кино-кесатиқлар билан дейди: «Назаримда, ҳозирги ижодий жараён яқин ўтмиш адабий ҳаётининг таъсири остида. Одатга кўра, беихтиёр «собик душманларни фош этиш», уларнинг ўша даврдаги қилмишларидан сюжет чизиқларини топиш каби уринишлар менга шахдам қадамлар ташлаб ўтган чинакам аскарлар сафи ортида бораётган ҳавасманд ўсмирларнинг ҳаракатини эслатади...» Яшар Қосимов кечаги кун билан алоқадор бошқа бир камчиликка эътиборни тортади; кечаги сўз санъатимизнинг нафақат фикр ва ғоялари, балки бутун образлар олами, бутун бошли поэтикаси мавсумийлик замирига қурилгани, адабиёт тақдири тўлалигича мавсумий қаламкашларга топширилганлигини эслатади-да «ҳозирги бадий жараёнга... ёндошар эканмиз, адабиётимиз мавсумий машғулотларини камайтирмагани аён бўлади... Янги ижтимоий-сиёсий реалликка чин истеъдодлардан кўра мавсумий қалам соҳиблари тезроқ ва яхшироқ мослашиб олган»лигини писанда қилади. Наим Қаримов фикрича, ҳозирги паллада адабиёт юки катта авлодларнинг елкасига тушади, аммо бугунги манзара шундайки, катта авлодга бу юкни кўтаринг, дейиш инсофдан эмас; кенжа авлод эса экспериментлар билан овора... Ниҳоят, ёш истеъдодли мунаққид Раҳимжон Раҳматнинг мана бу сўзлари юқоридаги мулоҳазаларга яқундай туюлади: «XX аср поёнига етаётир. Бу асрда шеърятимиз айтадиган гапини айтиб улгурди, насримиз ҳам дудуқланиб бўлса-да, нималарнидир айтишга ҳаракат қилди».

Бу ерда мен ҳамкасб дўстларимнинг бу хилдаги кескин танқидий фикр-хулосалари билан баҳслашиб ўтирмайман; бундай қарашларда муайян ҳақиқат борлигини бутунлай инкор этмоқчи ҳам эмасман. Ҳозирги шеърят ёки драматургиядаги реал аҳвол ҳақида бирор нарсая дейишим қийин, чунки бу соҳадаги жараёнларни синчиклаб кузатган, махсус ўрганган эмасман. Бироқ бугунги насримиз устида гап кетадиган бўлса, унда аҳвол-вазият ўзгачароқ эканини таъкидламоқчиман. Келинг, яхшиси биргаликда насримизнинг ҳозирги манзарасига бир қур назар ташлайлик, қани яқиндан кузатайлик-чи, унда нималар содир бўлаётган экан.

Аввало рақамлар кўнгилга таскин беради. Қитоб чиқариш бир оз қийинлашиб, адабий журналларимиз юпқалашиб, адади кескин камайиб бораётган бир паллада, сўнги бир-бир ярим йил ичида ўнга яқин роман, йигирма чоғли қисса, юзлаб ҳикоя, эссе-хотираларнинг эълон этилганлиги қувончли бир ҳол! Бу жиҳатдан ўзбек насри 60—80-йилларнинг энг сермахсул паллалари билан бемалол беллаша олади.

Сўз санъати ривожда рақам эмас, охир-оқибат сифат масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этишини яхши биламиз. Бугунги насримизнинг ички ривожда, ҳаёт, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни кашф этиш, янги тасвирий ифодаларни ихтиро қилиш бобида ҳам бир қатор янги аломатларни кўриш, кузатиш мумкин.

### Хотира ҳам санъат

80-йиллар иккинчи ярмида гуррос солиб кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этган, ҳатто «соф» адабий-бадий жанрлар билан ижодий мусобақада олдинги ўринга ўтиб олган, газета ва журналларимиз адалдининг XX аср давомида энг юқори даражага кўтарилишига олиб келган жанговар публицистика 90-йилларда, очиги ўз мавқеини йўқотиб қўйди. Биргина мисол — ўша кезлари мазмундор чиқишлари туфайли адади чоракам бир миллион нусхага етган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» кейинги йилларда ўн минг атрофида чиқаётир... Беш-олти йиллик танаффусдан сўнг ёзувчи публицистикасининг эссе-хотира тури қайта жонлана бошланди. Саид Аҳмаднинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Шўҳрат, Саида Зуннунова ҳақидаги туркум хотиралари, У. Умарбековнинг «Қизимга мактублар», Н. Аминовнинг «Бир аср ҳикояти», Шукур Холмирзаев-

нинг «Одил ака ҳақида ўйласам» каби асарлари адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Саид Аҳмад, шунингдек Шукур Холмирзаев хотиралари аввало яқин ўтмишдаги адабий ҳаёт, улкан адибларимиз, машҳур асарлар қисмати хусусида шафқатсиз ҳақиқатлар мардона айтилганлиги билан жозибатор. Бу тур асарлар яна бир бор шундан далолат берадики, чинакам санъат намунасига; чин истеъдод соҳибига қилинган адолатсизлик, ноҳақликлар ҳеч қачон унутилмас экан, эртадир-кечдир, барибир, айтилар экан; турли-туман йўллар билан истеъдодлар йўлига тўғаноқ бўлган, дилига озор етказган кимсаларнинг қилмиши эса элга албатта аён бўларкан. Хотираларда ҳасадгўй, дилозор кимсаларнинг номлари бирма-бир тилга олинган, қилмишлари ошкора ифода этилган. Бу зотлар қора қилмишлари учун фақат бу фоний дунёда эмас, у дунёда Оллоҳ олдида жавоб беражакларини юракдан ҳис этиб турасиз. Миртемир, Шайхзода, Шуҳрат, Саида Зуннунова ҳақидаги хотиралар мутолааси чоғида ўкинч-армон туйғуси вужуд-вужудингизни ўртайди. Энг ачинарлиси, қатағон даври қурбони бўлмиш бу жафокаш, табаррук зотлар «эрувгарчилик» йилларида ҳам рўшнолик кўрмади; қалби ўзгаларга, эл-юртга меҳр-мурувват туйғуси билан тўлиб тошган, фақат ижод, яратиш иштиёқи билан ёниб яшаган, адабиётимиз, маданиятимиз хазинасини ноёб санъат намуналари билан бойитган бу тенгсиз истеъдод соҳиблари ҳаётлик чоғида меҳнатига, истеъдодига яраша қадр топмади, эл-юртининг, жамиятнинг мурувватига зор бўлиб ўтди. Аслида улар адолатсиз жамиятнинг илтифот, мукофоту садақасига зор эмас эдилар, ўз қадрини, шаънини билар, юксак қадрлар эдилар; бироқ тирик инсон сифатида адабий ҳаётдаги адолатсизликлар, ҳақсизликлардан, «меҳнат қилган ўнг қўл қолиб, чап қўлнинг олтин соат тақишга» эришаётганидан эзиларди; гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона камситиш, таҳқирлар улар кўнглини чўктирар эди... Мана шу изтиробли руҳий ҳолатлар айниқса, Саид Аҳмад хотираларида бетакрор, ҳаққоний, таъсирчан ифодасини топган.

Шукур Холмирзаев эссесига ёзувчилар уюшмасидан ўтадиган асар қўлёзмалари муҳокамалари, адабиётдаги чин бадний кашфиётлар йўлини тўсиш, бўш асарларга йўл очишнинг ғаройиб кулгили усуллари икки асар муҳокамаси жараёни мисолида яхши кўрсатилган. Бундан ҳам ғаройиб, кулгили, гоҳо эса жоҳилона муҳокамаларнинг гувоҳи бўлганмиз. Қани энди улар ҳам қаламга

олинса, кенг жамоатчиликка маълум этилса! Буларсиз ХХ асрдаги адабий ҳаёт, жараён тарихини тўла тасаввур этиш мумкин эмас.

Ниҳоят, бу хотираларга хос яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда ёзувчиларимиз орасида ҳамкасблари ҳақида хотира-қайдлар ёзиш кенг урф бўлиб бормоқда. Афсуски, уларнинг аксарияти шунчаки хотира-қайд ҳолида қолиб кетаётир. Улардан фарқли ўлароқ, Саид Аҳмад ва Шукур Холмирзанинг бу хотиралари тўлақонли асар сифатида ўқилади; уларда қаламга олинган адибларнинг аксарияти, асарда кенг ва оз ўрин эгаллашидан қатъи назар, тирик инсон сифатида гавдаланади, уларнинг ўзига хос характери ёки характерининг муайян қирралари очилади. Энг муҳими, уларнинг жонли сиймоси, қисмати тасвирида теран маъно, жиддий сабоқ мужассам. Ойбек, Ғ. Ғулوم, Миртемир, Шайхзода, С. Зуннунова, О. Ёқубов, Ш. Рашидов; Р. Файзий, Н. Сафаров — буларнинг барчаси айни «соф» ҳикоя, қисса персонажлари каби бор ҳолича кўринадилар, муайян эстетик маъно ташийдилар.

«Қизимга мактублар» асари муаллиф оғир хасталик чоғида, она юртдан олисда — Москвада даволанаётган пайтларда битилган. Умрининг санокли кунлари қолганлигини юракдан ҳис этиб турган адиб келгусида ёзиш ниятида бўлган хотираларини, қолаверса, ўша кезлари кўнглида кечган кайфият, ўйларини, энг яқин одамларига айтмоқчи бўлган дил сўзларини, васиятларини қорғозга туширишга шошилган. Асарни ўқиётиб инсон табиатининг ғаройиб жиҳати — «чиқмаган жондан умид» деган нақлнинг нақадар ҳақлиги устида ўйга толасиз. Ақлли, билимдон, маърифатли, ўта мулоҳазакор реалист адиб бедаво дардга мубтало эканини, кундан-кунга дарди, аҳволи оғирлашиб бораётганлигини билгани ҳолда, барибир, мўъжиза юз беришига, шифо топишига, юртга соғайиб қайтишга умид боғлайди, шифокорлардан мадад кутади, улар оғзидан умидбахш сўзлар эшитгиси келади, куну тун дардига шифо тилаб Оллоҳга илтижо қилади.

«Ё Худо, ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигор! Бандаларинг қатори мендан ҳам марҳаматиингни аяма, ўзинг шифо бер! Шу ердан тузалиб, соғ-саломат уйимга етай! Ўзинг қўлла мени. Қолган умримни тоат-ибодатда ўтказай, қувватим, имконим етганича элимга, юртимга хизмат қилай. Эй қодир Худо! Шафқатиингни аяма! Қан-

ча умр берган бўлсанг, энди ҳаммасини гуноҳларимни ювишга, пок хайрли ишларга бағишлайман. Эртаю кеч сен тилимда, дилимда бўласан, Оллоҳим...»

Бу сўзларда қанчалар самимият, армон-ўкинч, тавба-тазарру, қолаверса ҳаётга чексиз муҳаббат, яшашга умид бор... Асардаги шу хил ўринлар ўқувчи қалбини ларзага солади.

Н. Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» асари бошдан-оёқ асосан бир шахс — Ота тўғрисидаги хотиралардан иборат. Йўқ, бу шунчаки шахсий, хусусий олди-қочди саргузаштлар эмас, балки бу фоний дунёда биркам юз йил яшаб ўтган оддий, пири бадавлат меҳнаткаш-темирчи одамнинг — XX аср талотумлари ичида гўзал ипсоний сифатларини сақлаб қола олган ҳалол, имон-этиқоди бутун чин мусулмон бир банданинг умр сабоқлари, ўзига хос ҳикматларидан иборат. Муаллиф асарини «Темирчидан қолган тиллолар» деган иккинчи бир ном билан ҳам атайди. Темирчи отадан фарзанду набираларига моддий бойлик эмас, олтинга тенг шу китобчага жо бўлган ҳикматлар қолди. Улар билан танишаётиб, аминманки, ҳар бир ўзбек ўқувчиси кўз-олдига айна Усто Аминга ўхшаш ота-бобоси ёки бирор яқин қариндоши келади; бунақа оддий донишманд одамлар айтарли ҳар бир ўзбек оиласи шажарасида топилади! Беихтиёр ичдан ғурурланасан киши — биз мансуб бўлган халқ нақадар улуғ! Оддий, ҳатто саводсиз кишилар орасида ҳам буюк файласуфлар билан тенглаша оладиган донишмандлар бор! «Бир аср ҳикояти» асарининг энг қимматли жиҳати у бизга ана шу ҳақиқатни — оддий халқ донишмандлигини ўзида ташувчи бетакрор характер — Усто Амин образини кашф этиб берганлигидадир.

Китобда келтирилган Усто Амин тилидан айтилган кўпгина ҳикоят, ривоят, ҳикматлар аллақачон одамлар оғзига тушиб кетди. Мана шулардан биттаси: Кампир амир олдига келиб «Бисотимда биттагина эчким бор эди, шуни ўтган кеча ўғирлаб кетдилар» дея арз қилади. Амир эса «Э, энам-а, энам, ухлаб қолибсизда-а?» — дея мийиғида кулади. Кампир амирга нурсиз кўзларини қадаб дейди: «Тўғри, мен ухлаб қолганим рост, лекин сиз — мамлакат подшоси уйғоқ деб ўйлаган эдим». Амир кампирнинг бу писандасига жавоб қилишга ожиз. Бу ҳикоятда қанчалар теран маъно, улкан ҳақиқат мужассам.

Асарда қария қисмати, табиати, руҳияти ифодаси

асносида умуман инсон табиати, руҳиятининг фаройиб жумбоқларига эътибор жалб эгилади. Қариянинг ўлим олдидаги ҳолати, руҳияти, дил розини, сўнгги сўзларини эслайлик. Ота видолашув олдида ўзини бамисоли қўшни қишлоққа сафар қилаётгандек хотиржам тутади. Ўғлига жаноза тадбирлари хусусида маслаҳатлар беради, жумладан дастлаб Самад муаллимга хабар қилишни айтади, чунки у «Менга алифбони ўргатган» дейди. Қаранг, бу одамнинг қалбида маърифат кишисига, илк ҳарф ўргатган одамга нақадар улуғ эҳтиром бор! Жон таслим этиш пайтидаги сўнгги сўзлари одамни ўйга толдиради: «Ё қудратингдан, ҳаммаёқ сувми?.. Майсазорни кўропсанми?

Ҳай дариг... ака... ака... акажо...он..»

Бу қандай сир-синоат? Нега Отанинг энг сўнгги дамларда кўзига сув, майсазор кўринди, нега акасини, акажонини чорляпти, унга талпинаяпти? Эҳтимол, бир умр олов олдида ташна ҳолда ўтган темирчи бандасига Оллоҳ сувга мўл майсазор бир манзилни раво кўрган-дир, бу масканда энг яқин кишиси, жигари — аллақачон оламдан ўтган акаси руҳи билан учрашаётгандир... Ким билсин, у ёғи Оллоҳга аён..

Яна бир ажиб ҳолат. «Узоқ яшадим, беармон яшадим... Лекин бир гапни айтайми? Яшашдан тўймас экан киши». Мана қариянинг ўз ҳаёт тажрибасидан чиқарган сўнгги хулоса-сабоқларидан бири. Бундай хулоса-сабоқнинг фалсафий асоси, ақидаси ҳам бор: «Зеро яшашдан тўйиш — Оллоҳнинг зикрини айтишдан тўхталиш эмасми? Яхши кўрган бандаси қанча кўп яшаса Оллоҳга шунча сиғинган бўлади». Ана шу ақидадан келиб чиқиб Отахон сўнгги содда ва энг муқаддас дуосини, авлодларга энг азиз тилагини айтади: «Кўп яшанглар, болаларим!»

Асқад Мухторнинг «Тундаликлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»и универсаллиги — бир жумлалик ҳикматлар, ҳаётий кузатишлар, хотиралар, адабий ўйлардан тортиб мўъжаз оммабоп новеллаларгача барчасини бағрига жо этганлиги туфайли кўпчилик, аниқроғи турли соҳа кишилари, хилма-хил савия, дид эгалари улардан ўзига керакли маънавий озиқ топишга мушарраф бўлмоқда.

## Тарих сабоқлари

Бизда «тарихий роман», «тарихий драма» истилоҳлари кўп қўлланилади, бироқ «тарихий қисса», хусусан «тарихий ҳикоя» атамалари кам ишлатилади. Бунинг асосий боиси шуки, кўз-кўз қилгудек тарихий роман; драмаларимиз нисбатан кўп, тилга олишга арзигулик тарихий ҳикоялар эса жуда оз. Эҳтимол, тарихий ўтмиш кўламли нигоҳ, мушоҳадаларни талаб этиши сабабли адиблар бу борада ўз истеъдодларини йирикроқ шаклларда тўлароқ намоен этишга эришар. Кейинги айрим тажрибалар кичик жанрларда ҳам муҳим тарихий ҳақиқатларни, кўламли фикр-мушоҳадаларни ифодалаш мумкин эканлигини тасдиқлайди. Бунда мен Маҳкам Маҳмуднинг «Орифи маъоний», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози», «Тўхтабойнинг бойликлари» тарихий ҳикояларини назарда тутаётirman.

«Орифи маъоний» ҳикоясини ўқиганда туғиладиган илк таассурот шуки, шу мўъжаз асарни ёзиш учун муаллиф жуда катта меҳнат қилган; айтиш мумкинки, бутун бошли тадқиқот олиб борган, ўзи айтмоқчи, Ҳазрат Навоий асарлари уммонига шўнғиб топганларини ўқувчи эътиборига ҳавола этган. Ҳоқони саъид Шохруҳ, ўғиллари Улуғбек, Мирзо Бойсунғур давридаги воқеалар, сиёсий-маънавий муҳит, қатор тарихий шахслар, улар орасидаги нозик ва чигал муносабатлар — қўйингчи, бир ҳикоя имкониятлари доирасида ғоят бой ва ишончли маълумот оласиз. Бу маълумотлар қанчалар муҳим, қимматли бўлмасин, улардан ҳали бадний асар чиқмаслиги маълум. Ёзувчи эътиборимизни ўша тарихий муҳит учун характерли бўлган ғаройиб бир ҳодисага тортади — дарвишлар, риндлар, ёқавайрон ошиқлар базми, уларнинг суҳбати, баҳс-мунозаралари билан таништиради. Жумладан, Бойсунғурнинг бир куни май базмида хурсандчилик қилиб шоҳлик тахтини шоир Бобо Савдойга эртадан кечгача бўшатиб бергани, ўша куни шоир фармонлар чиқариб золим ҳокимларни мансабдан олиб, улар ўрнига олиму фозилларни қўйгани, оқшом тушиб Бойсунғур Мирзо яна тахтга қайтгач, Бобо Савдой чиқарган фармонлар тўғри эканини тан олгани ҳақидаги ривоят тусини олган реал воқеа келтирилади...

Ҳикоядаги энг асосий ўрин Сайид Ҳасан Ардашер хонадонидаги риндлар базми, у ердаги риндона кайфият

ва хатти-ҳаракатлар моҳияти хусусидаги баҳс-мунозаралардир. Исломда май ичиш гуноҳ. Ўзларини чин мусулмон сановчи риндлар буни билгани ҳолда базмларда май ила кўнгилхушлик қиладилар; уларнинг бу хатти-ҳаракатини оқлайдиган асослари ҳам бор: «Тўғри, май ичиш гуноҳ, бу айбимиз равшандир. Аммо, қани айтингни, адлу инсоф юзасидан, бир тўда май ичмайдиган, ҳушёр амир ва навкарлар қишлоқларга бостириб кириб одамларга жабр-зулм қилиб, молу жонларига қасд қилиб, бола-чақаларини етим қолдириши яхшими ёхуд биздек, хушманзара, соя, салқин боғда ўтириб, май ичиб, шеърхонлик қилгани яхшими?.. Бизнинг мастлигимиз тонггача тарқаб кетур. Аммо иззу жоҳ (амал, мансаб) ила маст бўлгонларнинг кайфи фақат мансабдан тушгандан кейин тарқалур. Ва ўшал узоқ мастлик пайтида не ишларни қилмаслар..» Ҳикоянавис бу баҳсга яқун ясаб «Чиндан ҳам подшоҳлар мастлиги олдида бу риндларнинг мастлиги бегуноҳ гўдаклар ишидек эди», деб ёзади; лутфу эҳсон, илму ирфон, меҳру шафқат, шукр ва қаноат, ёшу улуғларга сучук сўз, Ҳақ таоло ишқида завқ-шавқ — уларнинг сифати эканини таъкидлайди. Риндлар базмини кузатиш учун келган Ҳирот мухтасиби уларнинг фазлу ҳимматига тан беради, шу билан баробар майпарастлигини оқлолмайди...

Ёзувчи Ардашер хонадонидаги риндлар базмига ёш Алишер ва Ҳусайн Бойқарони олиб киради; ота Ғиёсиддин уларни ана шу улуғ издиҳомга бошлаб боради. Ёзувчининг бундан кузатган мақсади аён: Алишер болалигиданоқ риндлар дунёси билан ошно бўлганлигини таъкидламоқчи, Сайид Ҳасан Ардашерга нисбатан бир умрлик чуқур ҳурмат, эҳтироми сабабини, шоир ижодидаги риндона кайфиятлар илдизини очиб бермоқчи...

Қаранг, реалистик ҳикоянинг кичик майдони қанчалар катта имкониятга эга, бу борада у кўламли жанрлар — роман ва драма билан мусобақа қила олиши мумкин. Гап шу имкониятлардан фойдалана билишда.

«Миркомилбойнинг қазо бўлган намози» муаллифи янги тарихимизнинг ёрқин ва мураккаб бир сиймоси қисмати орқали тарихимизнинг аччиқ, аламли бир ҳақиқатини ўқинч, афсус-надомат, чуқур изтироб билан ифода этади. Ҳикоя қаҳрамони — андижонлик машҳур Миркомилбой. Бу донишманд, тадбиркор одам эл-юрт фаровонлиги йўлида бетиним заҳмат чекиб ҳаётлигида рўшнолик кўрмади, қатл этилгандан кейин эса етмиш йил давомида фақат золим бой, иккиюзламачи мунофиқ



одам сифатида ҳақорат билан тилга олиниб келди. Ҳатто Ҳамза, Чўлпондек замондошлари ҳам уни хушламадилар. У ҳақдаги асл ҳақиқат истиқлол даврига келиб юзага чиқа бошлади. Х. Дўстмуҳаммаднинг Миркомилбой ҳаётидан ҳикоя қилувчи асари бу одам тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар билан деярли бир пайтда дунё юзини кўрди. Бу тараққийпарвар сиймо ҳаёти, фожиаси моҳиятини ёзувчи ҳужжатлардагига қараганда тарафдор, таъсирчанроқ, ифодалашга эришган. Миркомилбой мустаҳкам эътиқоди, ростгўйлиги, эл-юрт ғами, равнақи йўлидаги дадил фикрлари, жонбозликлари туфайли, бир томондан, қинғирқўл батрак — ишчи, иккинчи томондан ношуд бойлар, тамагир мансабдорлар билан келиша олмайди. Миллат ғамида юрган бу тадбиркор бойни чор ҳукумати одамлари ҳам ёқтирмайди, мудом таъқибда, сиқувда кун кўради; шўро ҳукумати одамлари эса ҳибсга олиб уни ўз қўли билан чоҳ қазитиб, сўнг отиб ўлдирадилар. Энг ачинарлиси, Миркомилбойнинг ўз халқи, ўз миллати орасидан чиққан сотқинлар, хуфиялар оёғига болта уради, сўнгги илтижосини ўз миллати одами эмас, мовий кўз соқчи адо этади — таҳорат олишига бегона одам рухсат беради; Миркомилбойнинг сўнгги ибодатини охирига етказишга имкон бермаган, намозини қазо қилган, суннатни, фарзни адо этишга улгурмай туриб елкасига қарата кетма-кет ўқ узган кимса ҳам ўша — ўзидан чиққан сотқин!

«Тўхтабойнинг бойликлари» ҳикояси «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози»га оҳангдош. Ҳикоя қаҳрамони Тўхтабой Миркомилбойга замондош, маслакдош; ёзувчи бу ҳикояда қаҳрамон қисмати моҳиятини бошқа томондан очади; асарда қаҳрамоннинг сўнгги кунлари қаламга олинади; шўро ҳокимияти туфайли Тўхтабой жами бойликлари, битмас-туғамас орзу-ниятлари, бир-биридан арзанда уч аёли, бири биридан шакар ўн бир ўғил-қизларидан жудо бўлди; ўз хонадони, ўз хотину фарзандлари ҳузурига, ҳатто ўзи қурдирган масжидга келишдан маҳрум... Тўхтабойнинг ўша кезлардаги аламли ўйлари, руҳий қийноқлари, бехос ҳалокати таъсирчан ифода этилган; Миркомилбой қисматидан фарқли ўлароқ, бу ҳикоя хотимасида ўқувчи кўнглига таскин берадиган аллақандай нурли руҳ бор. Тўхтабой учун қазилган лаҳад шифтида осилиб, тебраниб турган қилдай ингичка илдиз, илдизнинг уч-учида симобдай йилтираб турган «бу қадар суюқ, бу қадар тиниқ, бу қадар тотли» томчи сув, ўша илдиз ширасининг майитнинг қоқ лаби устига

томиши, пахтадай оқ кафанликдан шимилиб ўтиб гўё марҳум танидаги ташналикни қондиришида — мана шу ғаройиб тасодифда қандайдир сеҳр бор... Гап шундаки, Тўхтабой умрининг охиригиз изтиробли кунларида қаттиқ ташналикка учраган, ўзини дарёга отиб ташналигини қондирмоқ пайида юрган эди. Адолатсизликни қарангки, бу фоний дунёда шунча бойликлардан жудо бўлган бу табаррук зот учун сўнгги дақиқаларида оғзига сув томизиш имкони ҳам бўлмади! Лаҳад ичига киргандагина чанқоғини қондириш имкони туғилди. Ҳаётда бўлган шу ғаройиб воқеа асар қаҳрамони жоғеий қисмати, умуман асар учун ажойиб, балким илоҳий бир ечим вазифасини ўтаган.

Кўриниб турибдики, юқоридаги уч ҳикояда муҳим тарихий ҳақиқатлар, тарихий шахслар қисмати билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар шунчаки акс этган эмас, балки бадиият талаблари, жанр имкониятлари асосида қайта идрок этилиб, бадий инкишоф қилingan. Чинакам тарихий ҳикоя яратишнинг энг мушкул жиҳати, тарихий мавзуда ёзилган сон-саноқсиз «асар»ларнинг санъат намунаси даражасига кўтарила олмаслик сири ана шунда. Тарихий ҳақиқат бадий асар тусини олганда, ёзувчи шахси билан тасвир объекти бир-биридан ажралади, тасвир объекти мустақил ҳаёт кечириш имконига эга бўлади, энди у китобхоннинг «кўнгил мулки»га айланади, ҳақиқатнинг моҳиятини очиш, у ҳақда хилма-хил фикр-мушоҳада юритиш, баҳслашиш имкони туғилади.

Эҳтимол тарихий материалнинг бадий модел тусини олиш-олмаслиги қисса ёки романда дарҳол билинмас, аммо ҳикояда дарров билинади; ёзувчи фикри қарашини яланғоч тарзда баён этиш асосига қурилган асар қанчалар муҳим тарихий материал асосида битилган бўлмасин, ҳеч қачон эътибор қозонолмайди. Биргина мисол: Ражаббой Рауповнинг «Иймон минораси» ҳикояси ҳозир қизғин баҳсларга асос бўлаётган Бухоро инқилоби, бу воқеада Файзулла Хўжаевнинг иштироки масаласига бағишланган. Бухоро инқилоби хусусидаги ҳозирги қарашлардан келиб чиқиб муаллиф Файзулла фаолиятини ошқора қоралаш йўлини тутди. Дўсти Қодирхўжа тилидан Файзулла шаънига маломатлар ёғдиради: «Йўқ, хато қиласан, Файзулла, уларга сен эмас, Бухоро керак!.. Сен аллақачон болшевойнинг аравасига мингансан, тушмайсан, тушолмайсан, тўйиб-тўйиб қўшиғингни айтасан, айтмасанг айттиради...» «Отангдан, уйингдан, ҳаммамиздан кечиб, топган тахтингга тупурдим!»

Бугунги кайфиятлар таъсири остида аср бошларидаги ўта мураккаб, чалкаш тарихий ҳодисаларга, улкан тарихий шахсларнинг ўша кезлардаги тутган позицияси, хатти-ҳаракатларига бу қадар енгил, юзаки муносабатда бўлиш, қуруқ сўкиш, «фош этиш» бадиятга алоқаси йўқ йўл бўлиб қолмай, айти пайтда ўтмишга, тарихга, юмшоқроқ қилиб айтганда енгил, юзаки муносабат оқибатидир. Минг афсус, бундай ҳолларга тез-тез дуч келаётирмиз.

### Бугуннинг ҳикоялари

80-йиллар охирларида матбуотда «Маймун етаклаган одам» ҳикояси пайдо бўлган, унда асрга тенгдош, умри асрнинг алғов-далғовлари, бемаъни мақсадлар йўлида ўтган, адашган одамнинг фожей қисмати бетакрор тарзда ифода этилган эди. Ҳикоя қаҳрамони мўйқалами томонидан яратилган ўз ижодий-ижтимоий фаолияти ибтидоси ва интиҳосига дахлдор икки бадий илоотно — қоронғу тўқайзордан «нурафшон маскан» сари маймун етаклаб чиқаётган навқирон шижоаткор йигит ва қари маймун етагида тўқайзор томон қайтаётган мункиллаган чол сурати, айти ўша рамзий-символик тимсоллар ташийдиган маънонинг теран ва кўламдорлиги, қаҳрамон ҳаёт йўлининг чуқур таҳлили — бу асарни жаҳон новеллистикасининг энг яхши намуналари қаторига қўйиш учун изн берган эди. Айти пайтда бу асар бизда замондош-асрдош образини яратиш йўлидаги етмиш йиллик тажрибанинг муайян интиҳоси ва бу борада янги босқичнинг бошланиши бўлди; бинобарин, айтиш мумкинки, шу асар билан ўзбек ҳикоячилигида янги давр бошланди. «Маймун етаклаган одам» муаллифи Назар Эшонқул кейинги олти-етти йил мобайнида ёзган талай ҳикояларида асосан ўша асардаги гоъни турли кўринишда давом эттирди, маънисиз ўтган умр манзаралари таҳлили билан банд бўлди. Н. Эшонқул тажрибаси бошқаларга ҳам юқди, унга гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тақлид қилувчилар кўпайди.

Ниҳоят, 1996 йил ёзида матбуотда ёзувчининг «Шамолни тутиб бўлмади» ҳикояси чиқди. Асар жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Ёзувчилар уюшмасининг махсус мукофоти билан тақдирланди. Ҳозирча ҳикоя батафсил илмий таҳлил этилмаган бўлса-да, у ҳақда матбуотда, радиода илиқ гаплар айтилди, ҳикоя қаҳрамони ташийдиган маънонинг кўламдорлиги, бадий

руҳий таҳлилнинг теранлиги жиҳатидан у «Асрга татигулик кун» романидаги Найман она, «Чол ва денгиз» даги қария образларига тенглаштирилди.

Ёзувчи асар қаҳрамони Байна момонинг узоқ давом этган фожеий, мотамсаро, айни пайтда мардона ҳаёт йўлини ўзига хос йўсин-оҳангда ҳикоя қилади. Аслида бу асар учун «ҳикоя қилади», «кўрсатади» дейиш нисбий; чунки унда момонинг ҳаёт йўлини ровий тилидан бир бошдан тартиб билан ҳикоя қилиб бериш йўқ; шунингдек асарда анъанавий реалистик ҳикояларга хос қаҳрамон ҳаёти лавҳаларини картиналар орқали гавдалантириш, персонажлараро тўқнашувлар, диалоглар айтарли учрамайди; Момо қисмати билан боғлиқ характерли воқеалар, чунончи у билан қишлоқ аҳли, оломон орасидаги зиддият бир-икки деталлар, штрихлар, ихчам лавҳалар орқали эслатилади, ҳатто ҳикоядаги энг жиддий тўқнашув-олишув — момонинг эри ва ўғли қотили Замон отбоқардан қасос олиши, уни чавақлаб, қонли бармоқларидан жудо этиш воқеаси саҳна ортида юз беради; бу мудҳиш воқеани муаллиф имо-ишоралар, деталлар орқали аён этади. Асарни мутолаа қилаётганда ғам-ғуссага тўла ва айни пайтда мардонавор оғир бир куйни тинглаётгандай бўласиз, Момонинг руҳий ҳолати ва ҳаёти гўё шу куй пардалари орқали ифода этилади.

Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган эри Райим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишлари, молмулкани тортиб олишлари, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини янги замоннинг эгалари, бир пайтлар Райим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйгани учун ҳамқишлоқларини асло кечиролмайди. Одамларнинг, аниқроғи оломоннинг ожиз, ҳуркак, бефарқ, муте ҳолга тушиб қолгани уни изтиробга солади: «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат ҳезалак туғади» дея масҳара ва нафрат билан оломондан юз ўгиради. Эллик йил давомида ёлғиз алам-изтироблар ичида умр кечиради; «ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган замонлар даҳлизидан» етаклаб ўтади. Муаллиф мунгли куйлар қанотида момонинг мушкул руҳий ҳаётини изҳор этишда давом этади: «Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган кайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбо-

қарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут бўлган яловидай уйининг олдидаги... баланд толга осиб офтобда қуритарди...» Яна: «Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тиққанича хотирасига исиниб жон сақларди». Яна: «...унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди». Қаҳратонда «хотирага исиниб жон сақлаш», мотамсаро аёлнинг ҳолатини «азоб-уқубатнинг бир тўплам уюми»га ўхшатиш саҳифаларга чўзилган драматик саҳналар, оҳу фарёдлардан кўра қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқроқ ва таъсирчанроқ ифодалайди.

Шу хил изтироб, ғам-аламларга қарамай у ғурурини, шаънини баланд тутади: «Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай ва бу уйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонликяктақларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган уйининг шап-патгайига осиб қўярди». Бироқ бу машғулотнинг давоми, оқибати, барибир, аянчли ва мунгли: «яктақлар ҳам бора-бора нафрат тўла чангалга дош беролмади: Замон қассоб ўлиmidан бир кун олдин яктақлар торда увода-увода бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб қўядиган лахтакка ўхшаб қолганди».

Алам, афсус, надоматлар ичра ўй сурасан киши, бу фоний дунёда яхши ва ёмонликлар, одамларнинг қувончлари, ададсиз ғам-ғуссалари, улардан қолган хотира-ёдгорликлар, барибир, унутилади; не-не қувончу ғам-аламлар маскани бўлмиш, бир вақтлар қишлоқнинг кўрки саналмиш, бугун эса путурдан кетган Байна момо уйи бузилмоқда, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи бу уй билан: бирга тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти одамлар учун тушунуксиз ва мавҳум туюлган Момо ҳақидаги хотиралар ҳам йўқлик қаърига кетмоқда... Яхшиямки инсон ихтиёрида унинг ажиб даҳоси маҳсули санъат, адабиёт деб аталган мўъжиза бор. Қаранг, биргина мўъжаз ҳикояда кўримсиз, эътиборсиз, одамлардан, оломондан четда ғарибона умр кечирган аламдийда мағрур аёлнинг аср фожиалари, замон талотумларидан дарак берувчи чексиз ғам-андуҳлари,

кўнгил фарёдлари, исёни, ёрқин руҳий сиймоси муҳр-ланиб қолган!

«Шамолни тутиб бўлмайд» ҳикоясида ХХ аср жаҳон адабиётидаги янги сюжет тузиш ва руҳий таҳлил йўллари таъсири яққол сезилади. Бу асар «Маймун етаклаган одам» каби янги жаҳон адабиётида кенг тарқалган реал ҳаёт ҳодисаларини мифологик модел асосида гавдалантиришнинг биздаги яхши миллий намуна-сидир.

Ҳозирги ҳикоячилигимизда анъанавий реализм йўлидан бориб инсон табиати, руҳиятини кутилмаган янги томонлардан кашф этишга интилишлар бўляпти. Луқмон Бўрихоннинг «Кутилган кун» ҳикояси кўп марта қаламга олинган оддий оилавий-маиший ҳаёт чигалликлари асосига қурилган. Ҳикоя қаҳрамони Бойхон ҳаётда йўлини тополмаган, тайинли бир иш, касб-ҳунарнинг бошини тутолмаган, бетайин, бузуқ ёшлар тўдасига тушиб қолган йигит; қариндош-уруғлар уни уйлантириб қўйишади, бироқ йигит рўзғор тебратишга, ёш келин кўнглини олиш-овлашга ноқобил... Бундай вазиятда одатда келин бетайин, нотавон, ичкиликбоз эрдан воз кечиб орани очди қилиб қўя қолади... Ҳикояда эса сизу биз, ҳатто ҳикоя қаҳрамони кутган ҳол рўй бермайди.

«Бойхон маст чоғларида, негадир, кўпроқ ийманар, хотинининг айюҳаннос солишини, «кетаман» дея пўписа қилишини, уввос тортиб йиғлашини жуда-жуда истар эди. Хотини эса ҳеч бир жирканмай, ҳайиқмай эрининг ифлос кийимларини ечар, ювинтирарди... «Барибир мени ташлаб кетади», деб ўйларди у хотини ҳақида». Бироқ ҳикоя қаҳрамонида ҳали умид учқуни сўнган эмас: «Баъзан Бойхоннинг ўз-ўзидан завқи жўшар, келин-чакни эркалагиси, меҳрибонликлар кўрсатгиси келар, лекин бунга журъат этолмас, тўғрироғи, бу хил яқинликка ўзини мутлақо ҳақсиз деб ҳисоблар, бутун бор-йўғи, юриш туриши билан хотини олдида ўзини муттаҳамдек ҳис этарди!»

Аёл зоти табиати қизиқ, йигит келинга ўзини ному носиб санаб ундан йироқлашишга қанчалик уринмасин, хотиннинг у томон мойиллиги ортиб бораверади; ойиси гулдай қизининг бир бетайин ялангоёқ қўлида хор бўлаётганидан нолиганида, бу гаплар унга малол келади; келин кўнглида тушуниш, тушунтириш қийин бўлган ажиб ҳолат, фаройиб меҳр-илтифот, нозик ишва йигит ҳаётини бошқа ўзанга сола бошлайди. Мана бу манза-

рага бир кўз ташланг-а: «Сочини чиройли турмаклаб, дуррача билан танғиб олган хотини ўша ўрик дарахтининг шохларига кир ёймоқда эди. Дуррачаси тагидан чиқиб турган, шамол ҳилпиратаётган узун-узун соч толлаларига дарахтнинг нурдек ингичка бир шохи гўё ўпмоқчидай оҳиста-оҳиста силанар, келинчак эса шириншакар хаёллар оғушида завқланиб бетиним илжайрди.

Бойхон бу хушманзарани... то унга хотинининг кўзи тушгунича томоша қилиб тураркан, ногоҳ димоғига гуп этиб ўрик гулларининг ифори урилгандек туюлди. Боши айланиб кетди.

Хотини у томон илкис назар ташлади-ю икковлари баравар илжайдилар. Бу уларнинг бир-бировига биринчи самимий табассуми эди».

Меҳр-мурувватда, нафосатда гап кўп; бояги гўзал манзара-лавҳа нафис тотли ҳолатдан сўнг Бойхон қалбида қатъий ўзгариш рўй беради. «Йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Одамсифат бўлишим керак, одам...» деган қарорга келади.

Ҳикояни шу билан тугатиб қўя қолиш мумкин эди, шундай қилинганида муаллиф енгил, романтик ечим танлаган бўларди. Ҳикоя давом этади. Инсон боласи ҳаёт сабоқлари таъсирида руҳан ўзгариши, бошқача яшашга қарор бериши мумкин, бироқ амалиётда кечаги одат, кўникмалардан қутилиши, бутунлай бошқача одамга айланиши қийин, ниҳоятда қийин! Ҳикоя давомида ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати ифодаси жараёнида бунга яна бир карра иқроор бўламиз. Бойхон хаёли энди ёш келин олдидаги айбини ювиш, унинг кўнглини олиш билан банд. Қаҳрамон кўнглида туғилган эзгулик туйғуси сизни қувонтиради, айти пайтда йигитнинг ўзи тушиб қолган гирдобдан чиқиб кетолмай, эзгу ниятларини рўёбга чиқаролмай ожиз-нотавон ҳолатда довлдирашлари, хору зорликлари сизда ачиниш уйғотади. Ҳаётда эзгулик, инсон бахт-саодати йўлида ички ва ташқи тўғаноқлар нақадар кўп эканидан ўйга толасиз, афсус-надомат чекасиз.

Маълум бўляптики, биз бир вақтлар менсимайроқ тилга оладиган оилавий, маиший турмуш икир-чикирлари деб аталган соҳада ҳам шахснинг бисоти, ҳаёти маъносини очиш, кашф этиш имкониятлари кўп. Биз танқидчилар узоқ йиллар адабиётда «жиддий мавзулар», «катта ижтимоий-сиёсий муаммолар» ифодасига, қаҳрамонни «меҳнатда кўрсатиш» масаласига алоҳида урғу бериб, адибларни кўпроқ шу соҳаларга рағбатлан-

тириб келдик. Кузатишлар шуни кўрсатаётирки, бугунги кунда одамларни жиддий мавзулардаги катта ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтарган асарлардан кўра кундалик турмуш жумбоқлари ҳақидаги фильмлар, ҳикоя, қиссалар кўпроқ мафтун этаётир. Хорижда яратилган шу тур телесериаллар, чунончи «Бойлар ҳам йиғлайди», «Оддий Мария», «Морена Клара» фильмлари, гарчи бадий жиҳатдан у қадар юксак бўлмаса-да одамларнинг кайфияти, маънавий эҳтиёжига мос тушгани учун хийла машҳур бўлиб кетди. Бугун кишилар сиёсатдан, ижтимоий талотумлардан чарчади; уларни дилига яқин кундалик турмуш муаммо жумбоқлари, шахс моҳияти ва табиатининг айна кундалик турмушда, оилавий муносабатларда намоён бўладиган сир-синоатлари астойдил қизиқтирмоқда.

Айни шу маънавий эҳтиёж бугунги насримизда ҳам ўз зуҳрини топмоқда. Энг муҳими, бу борада масалага янги жиҳатлардан ёндошиш тамойили кучайиб бормоқда. Дилбар Саидованинг «Кунларнинг бирида» ҳикояси айни шу тамойилга мансуб асарлардандир.

Эр-хотин орасидаги узоқ йиллик пинҳона сир бирданига ошкор бўлади. Эр хотинига маъшуқаси борлигини, ҳаётининг энг тотли дамлари у билан кечганлиги, болаларини ўйлаб у билан кетолмаслигини дангал айтади... Бундай дақиқаларда аёл қандай ҳолга тушиши маълум — у топталган, дунёю дунда ҳеч кимга кераксиз, гўё эскирган, урфдан қолган, оёқ ости бўлган буюмдек ҳис этади ўзини, бундай хўрликдан эзилади, ўртанади, ҳатто олтинчи қаватдан ўзини отмоқчи ҳам бўлади...

Бундай вазиятда сентиментал кайфиятлар, чучмал лирик чекинишлар, оҳ-воҳлар, бузуқ, мунофиқ эрни қоралаш, фош этиш томон ўтиб кетиш ҳеч гап эмас. Бироқ ҳикоянавис бу ўринда холис, мардона реалистик таҳлил йўлини танлайди. Ҳикоя қаҳрамони ўтилган умр йўлини сарҳисоб этиш, ўзини, ўзлигини тафтиш қилиш, кўнгил дардига чора, мушкул вазиятдан чиқиш учун нажот қидиришга тушади. Шу тариқа аёл кўнглидаги руҳий жараёнларни очиш, ифодалаш учун қулай имкон ҳозирланади. Бундан кейинги воқеалар қаҳрамон хаёлида, лекин қатъий реалистик мантиқ асосида давом этади. Табиийки, мушкул вазиятга тушиб қолган, нажот йўлини ахтараётган одам, айниқса аёл зоти хаёлидан энг яқин одамлар — биринчи галда онаси, опа-сингиллари, сирдош дугонаси ўтади. Майин мулойим, мулоҳа-



закор хаста она қизини мураса-мадорага, гарчи гуноҳкор бўлса-да, ўша гуноҳкор эр ёнида экани учун шукр қилишга чақиради; Мунира айна шундай ҳол рўй беришини билиб қўнғироқ қилиб касал онани безовта қилишни истамайди. Сўнг хаёли бирин-кетин опасига, синглизига, дугонасига кўчади. Қайнанаси билан келишолмай ёш боши билан эридан ажралган опанинг; эндигина турмуш қурган, оиланинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган сингилнинг; пиёниста, дангаса, рўзғорга ярамайдиган эрни одамга айлантираман деб мақсадига эришолмай, ҳафсаласи пир бўлиб, охири эридан ажралиб «озод қуш» бўлиб олган дугонанинг берадиган маслаҳатлари аён: опаси эрга ялинмасликни; синглизини бевафо эрни ташлаб ўзига зеб бериб бошқалар кўнглини овлашни; дугонаси эса фақат ўз дарди нияти, мансабдор ва уддабурро эркакни топиб шартта тегиб олиш ҳақида сўз очади... Уларнинг ҳар бири ўзича ҳақ, бироқ Мунира бу маслаҳатларнинг бирортасини ҳам қабул қила олмайди. Шу тариқа бир ҳодисага тўрт хил қараш, тўрт хил муносабат, бинобарин тўрт хил одам, тўрт хил характер. Ниҳоят, аёл энг нозик маскан — ўз қалбига мурожаат этади. Аёлнинг ҳам узоқ йиллар пинҳон тутган сиру асрори бор: талабалик йиллари Собиржон отлиқ йигитга кўнгили берган, ёшликнинг энг тотли дамлари ўша йигит билан бирга кечган; тақдир уларни қовуштиради, Собиржон бошқа қизга уйланиб бахтли бўлолмади, хотини ўлиб бугун танҳо яшайди, Муниранинг аҳволи эса бу ҳолда... Собиржон ҳозир ҳам Муниранинг васлига зор. Аёл буни яхши билади. Санъат асари учун ажиб вазият: эски ошиқ-маъшукларнинг васли учун қулай фурсат туғилади. Аёл олдида турган телефон гўшагини кўтариб Собиржонга юрагини ёрса бас, уларнинг ҳаёти бутунлай бошқа изга тушиб кетиши мумкин! Бироқ аёл бундай йўл тутолмайди, қалби тубидан ўзга садо келади:

«Менинг бу фурсатдаги қўнғироғим, савол-сўроғим ёлғизгина ўзимгагина дахлдор дарду ғамим ўз ҳолича ўз аравасини судраб келаётган ва шунга кўникиб бўлган бир инсоннинг ҳаловатини, кайфиятини ва балки ҳаётини издан чиқаришга, бузишга арзирмикин?» деган ҳақли саволни беради. Шу дамда кўҳна илоҳий ҳикмат ёдига тушади: «Эҳ, буни тақдир деб қўйибдилар, — дердилар бувим. — Пешонангга нима ёзилган бўлса шуни кўравераркансан. Ундан ортиғини ҳам, камини ҳам кўришга бандаси ожиз экан...» Энди аёлнинг қарори

қатъий: «Йуқ, мен унга қўнғироқ қилмайман, уни қайтадан умримизнинг гул даврларига ҳам қайтармайман. Ҳамма-ҳаммаси — ўшандаги муҳаббат, қувонч, изтироб ўз даврида, ўша ҳолича ўз ўрнида қолгани маъқул. Ҳаётда инкор этиб бўлмайдиган кўпдан-кўп ҳақиқатлар мавжуд, улардан бири шуки, инсоннинг умр фасллари ортга қайтмайди — шафқатсиз тарзда ўтиб бораверади...»

Хўш, бу ёғи қандоқ бўлди? Бу хилдаги тақдирга тан бериш, курашдан ўзини четга олиш, «муҳаббатсиз ҳаёт»га кўникиш, муросасозлик яқин-яқинларда тамомила ўзгача талқин этилар, бундай вазиятда аёл танлаган йўл мутелик оқибати деб қаралар, қораланар эди. Жаҳоннинг не-не тараққийпарвар адиблари айна шундай ҳаётга, хатти-ҳаракатга исён этиб келдилар. Нега энди бугун ҳаётнинг бундай чигал, ўткир жумбоғига муносабат бу хилда ўзгариб қолди. Фақат мазкур ҳикояда эмас, айна шундай талқинга бошқа ўнлаб асарларда ҳам дуч келаётирмиз. Бунинг сабаби аён: илоҳий ҳақиқатга қайтганимиз сари шунга иқрор бўлаётирмизки, инсон боласи ҳар қанча чиранмасин, барибир, ҳикояда айтилганидек, турмушда тўла ҳур бўлолмас, тақдир измидан бутунлай чиқиб кетолмас экан, пешонага ёзилганини кўраркан; инсон боласи нуқул ширин орзу-ҳаваслар қанотида яшолмас экан, тақдир раво кўрган, аммо кўнгли истамаган ишларни қилишга, тақдирда бориға кўнишга мажбур экан; инсон зиммасида ўз хоҳиш-истақларидан юксак мажбуриятлар бор экан, у фақат ўз кўнгил хуши эмас, ўзгалар кўнгли, ороми, бахти деб яшашга бурчдор экан, мана шу нарса унга таскин бераркан...

Ҳикоя охирида ажиб бир лавҳа чизилган. Аёл руҳий изтироб, олишувлар, турли ўй-хаёллар ичида уйқусиз тонг оттиради; тонг саҳарданоқ бизга аён можаролардан беҳабар янги авлод ҳаракатга келади — уч ўғлон уйғониб ота ва она ёнида парвона бўла бошлайди, ўртанча ўғил усти очиқ қолган дадаси устига чойшаб келтириб ёпади, кичик ўғли югурганича бориб дадасининг иссиқ қўйнига кириб ётади, катта ўғил эса «Ҳаёт мазмуни» мавзуида ёзган иншоси хусусида онасидан фикр-маслаҳат сўрайди... Шу манзарадаги ажиб ҳол икки кўнгилсиз, бегоналашган кимсаларни бир-бири билан қайта боғлайди. Мана шу риштани узиб бўладими? Бу риштани узиб эр ёки аёл бундан ортиғига эриша оладими? Шу тариқа «муҳаббатсиз», «тутқун» тур-

мушни тутиб турувчи ғаройиб сеҳрли куч уз ишини қилади. Тақдир инсон боласига раво кўрган ҳаёт ана шундай зиддиятлари, чигалликлари билан, барибир гўзал. Шунинг англаб етган, ундан баҳра ола билган, берганига шуқр қилган одамгина бу дунёда бахтиёр! Шундай дейману, барибир, кўнгилнинг бир чеккасида қандайдир оғриқ, чигаллик қолади. Ҳикоядаги ечим муаммонинг узил-кесил ва барчага бирдек маъқул бирдан-бир тўғри, оқилона ечими эмаслигини кўнгил ҳис этиб туради. Аёл танлаган мураса йўли — ақл-идрок, масъулият ҳисси орқали ўзликни чеклаш, кўнгил майлига зид бориб ўзни овутиши, дардига таскин бериши мумкин, аммо бунинг эвазига эришилган бахт, барибир, тўқис бахт эмас. Демак, ҳикоядаги ечим — янги руҳий драманинг, фожианинг дебочаси. Ҳикояни ўқиб тугатгач мана шундай ўй-хаёлга толасиз.

Мана, ҳодисага ўзига хос, янгича ёндашишнинг самараси!

### Қиссадан ҳиссалар

Бугунги қиссачилигимизга назар ташлаганда биринчи галда ундаги мавзу муаммо, шаклий, услубий жиҳатдан ранг-баранглик эътиборни тортади; улар орасида тарихий, замонавий, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший, ишқий мавзулардаги ҳам анъанавий романтик, реалистик, ҳам модернистик, ҳам жиддий, ҳам юмористик, саргузашт-дедектив йўналишдаги асарларни кўриш мумкин, турли савияда бўлишидан қатъи назар ранг-барангликка не етсин.

Сўнгги йилларда оғизга тушган қиссалардан бири ёш қаламкаш Наби Жалололдиннинг «Ўлимнинг ранги» асаридир. Қисса афғон уруши, бу мудҳиш урушнинг марҳум ва тирик қолган қурбонлари ҳақида. Қиссада уруш одамларининг қатор ҳаққоний образлари, аниқроғи образларига чизгилар бор. Очиғи асарни бошдан-оёқ тутиб турадиган ёрқин концептуал қаҳрамон образи йўқ; бу вазифани уруш ҳақидаги ҳақиқат лавҳалари адо этади, Л. Толстойнинг машҳур «Севастополь ҳикоялари»даги каби бу асарнинг бош қаҳрамони ҳам уруш ҳақидаги шафқатсиз ҳақиқатдир.

Қиссадаги уруш даҳшатлари лавҳалари — танадан чўрт узилиб қонга беланиб ётган бошлар, тупроққа қорилган қонли таналар, култепага айланган қишлоқлар, ақл бовар қилмас шафқатсизликлар, бир томон-

нинг шафқатсизлигига жавобан иккинчи томондан қилинган ваҳшийликлар ифодаси билан танишар экансиз беихтиёр Уткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романидаги айни ўша кўринишдаги лавҳалар ёдга тушади; шунда бу қисса ўша роман таъсирида ёзилган деган хаёлга борасиз. Кейинчалик сўраб-суриштирсак қисса муаллифи афғон урушида қатнашган экан, демак у ўзи кўрган, билганларини, хотирда қолганларини қозғозга туширган. Уткир афғон урушида қатнашган эмас, аммо бу уруш қатнашчилари билан суҳбатлар қурган, уларнинг қисматини синчиклаб ўрганган. Ёзувчи истеъдоди, фантазиясининг сеҳрини қарангки, романда афғон уруши манзаралари, уруш одамининг қисмати, руҳияти, уруш кўрган одамниқидан ҳаққоний, ҳаётий чиққан, уруш ҳақиқати моҳияти эса, очиғи, қиссадагидан кўра теранроқ, кўламдорроқ очилган.

Қиссада фақат уруш кўрган одам кузатган, юракдан ҳис этиб қозғозга туширган лавҳалар, характерли чизгилар бисёр. Муаллиф бир ўринда жангчиларнинг командир келиши олдидаги ҳолатини тасвирлар экан, шундай ёзади: «Уруш пайти учун мантиқсиз ва шунингдек, кулгили бўлган яна бир нарса шуки, — булар душман ҳужумидан эмас, навбатчи зобитнинг ёки баталён командирининг текшириб келиб қолишидан кўпроқ қўрқишади, ҳадиксирашади...»

Асирга тушган шўровий ўзбек йигити Акбар очлик, ташналик азобини чекаётганига қарамай мужоҳидлар егулик инъом этганида қўл ювмай туриб овқатланмайди. Энг даҳшатли дамларда ҳам ота-боболар қонидан ўтган ўзбекона удумга содиқ қолади. Акбар мужоҳидлардан овқат сўрамайди, ювиниш учун сув сўрайди. Ўзини овқат устига ташлашга тайёр турган Слава ҳам ноилож Акбарга эргашади, Акбар сўраб олган обдастандан иккаласи юз-қўлларини ювиб овқатни баҳам кўришади.

Бошқа бир характерли, кўнгилни хижил қиладиган лавҳа: аскар йигитлар жангдан қайтгач, уйда киярмиз деб «жинси» шим қидирадилар. Ватанда ўша «жинси» нинг нархи фалон пул бўлган бу йигитлар учун ҳатто урушдан ҳам «модабоп» матоҳ олиб кетиш ширин орзу эди. Бироқ мана шу «ширин орзу» йўққа чиқади; уларнинг не-не машаққат билан топган матоҳини қуролдош дўстлари ўмариб кетади. Нақадар шармандали ҳол! Шу кичик инсон, миллат шаънини ерга урадиган кўнгилсиз ҳодисада 70-йиллар шўро тузуми ҳақиқатининг, бу тузум

етиштирган кишилар руҳияти, ахлоқи, маданиятининг бир хунук қирраси ярқ этиб кўринади... Айни шу хилдаги ҳаётӣй, маънодор лавҳа, чизгилар қиссага зеб бериб турибди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ҳижроним менингдир, менинг...» қиссаси бир қарашда анъанавий лиро-романтик йўсинда битилган, асар ошиқ ва маъшуқанинг кўнгил розларини изҳор этувчи мактуб-ёзишмалардан иборат. Бу ёзишмалар Лайли ва Мажнуннинг, «Ўткан кунлардаги Отабек билан Қумушнинг мактубларини ёдга туширади. Фарқ шундаки, бу ердаги диллар изҳорида айтарли нолишлар йўқ; аслида севги йўлида ташқи тўғаноқлар, орада «Қоработир»лар, жиддий драмалар учун асоснинг ўзи йўқ. Биз кўп йиллар «конфликтсизлик назарияси»га қарши жанг қилиб келдик, ҳар бир асарда албатта жиддий конфликт», «жанг учун асос» бўлиши зарур деган даъвода юридик. Энди ўйлаб қарасак бу шарт эмас экан; жаҳон адабиётида шундай ноёб бадий обидалар борки, улар тайинли ҳаётӣй зиддиятлардан, ўткир конфликт-интригалардан ҳоли; шунга қарамай уларда инсон табиати, қалби қойилмақом қилиб очилган. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссасидаги ошиқ ва маъшуқалар бир-бирига фақат эзгу туйғуларини изҳор этади, севги мулоқотлари жараёнида улар хаёли, вужуди, борингки бутун ҳаёти бамисоли нурли, мусаффо туйғулар қанотида сайр этади; бу нафис, мусаффо туйғулар уларни инсоний камолот сари етаклайди. Улар ошиқона мулоқотлар асносида ўзгача одамга айланиб бораётганлигини, ҳаёти бошқача маъно касб этаётганини ҳис этиб турадилар. Икки ошиқ орасидаги нур, нафосат билан йўғрилган бахтиёр дамларини кузатар экансиз кўнглингизнинг бир чеккасида қандайдир хавфхатар, бирор кориҳол юз бермасмикан деган хавотир кезиб юради; улар гўё висол эмас ҳижронга маҳкумдек, мабодо улар висолга эришса ҳаммаси барбод бўладигандек туюлади кишига. Сизу биздаги мана шу хавотир туйғуси ошиқ ва маъшуқанинг кўнглида ҳам пинҳона, онг остида кечади. Аслида ҳаётнинг ўзида шундай. «Дамлар шудир, ўзга дами дам дема» деган ҳикмат бежиз айтилмаган; инсонга берилган ширин, бахтли дамлар ўткинчи, ҳамиша таъқиб остида, кичик бир тасодиф билан ҳаммаси бир дамда тугаши мумкин. Асарда ҳали бундай тасодиф, хатарнинг ўзи йўқ, бироқ сезилар-сезилмас хавотир, шарпаси бор. Ёзувчи қиссасида

шу сеҳрли ҳолат-вазиятни, гаройиб ҳақиқатни бадийи кашф этган.

Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаси мутолаасини тугатиб ёш қаламкаш Саид Анварнинг «Уч кун хўроз бўлганим» асарини қўлга олсангиз хавотир аралаш нурли кайфиятлар оғушидан чиқиб тамомила ўзгача қувноқ бир дарага кириб қолгандай бўласиз. Машҳур Юсуф Қизиқдан сўнг сўна бошлаган халқ қизиқчилиги санъатини қайтадан тирилтирган фарғоналик буюк кулги устаси Муҳиддин Дарвеш хотирасига бағишланган, унинг болалиги ҳақидаги бу қисса адабиётимиздаги машҳур юмористик персонажлар — Қалвак махзум болалиги, Шум бола, Ҳошимжон, Аламазон саргузаштларини ёдга туширади. Қиссанинг талай ўринлари юмористик вазиятлар ифодаси бобида, Анвар Обиджон ёзганидай, ҳозирги энг номдор ҳажвчиларнинг асарлари билан бемалол беллаша олади. Чунончи, Муҳиддиннинг шумлиги орқасида бемаҳал қичқирган хўроз товуши туфайли қишлоқда юз берган қизиқ ҳангамалар, соддадил қишлоқ одамларининг бемаҳал уйғониб, кундалик машғулотларини бемаҳал бошлаб юбориб ноқулай-кулгили аҳволга тушиб қолишлари, Муҳиддиннинг икки бева қария Раззок бува билан Лоҳила хола орасида «почтачи»лик қилиб, чол ҳадя этган ёнғоқни кампирга, кампир инъом этган сузмани чолга ташиб, қариялар орасидаги «нозик интим муносабатлар» туғилиши, уларнинг висолга эришувида воситачилик қилиши — шу каби қувноқ юмористик лавҳалар чиндан зўр маҳорат, завқ-шавқ билан битилган.

Юмор, сатира энг демократик адабий тур; ҳажв олдида шоҳу гадо баробар, ҳажвчи адиб гап келганда ҳатто отасини, қолаверса ўзини ҳам аямайди. Бу нарса бизнинг қизиқчилик санъатимизга ҳам хос. Воқеа саргузаштлар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинган бу қиссада Муҳиддин ичак узди кулгилар орқали фақат ўзгаларни эмас, ўзини ҳам «фош этиш»дан тап тортмайди, ўз ожизликлари, шумликлари, гоҳо қалтис «гуноҳ»лари қанчалар қимматга тушганлигини тортинмай айтади, ифодалайди. Бу нарса асарга янада ўзгача файз, илиқлик, самимият бахш этади... Биргина истак шуки, санъатда, адабиётда ноёб соҳа — ҳажвчилик бошида турган, кулги тили билан сўзлаш истеъдодини илк асаридаёқ кўз-кўз қила олган бу укамиз бундан буён ҳажвий характерларнинг кўламдорлиги, мазмуннинг теранлиги, илмий ибора билан айтадиган бўлсак қаҳрамон-

ларнинг концептуаллиги устида бош қотирса. Шунда у ҳажвий насримизни янги босқичга кўтара оладиган асарлар ярата олишига шубҳа, ҳажвчилар тили билан айтганда гап йўқ.

Сўнгги йилларда бизда ҳам замонавий жаҳон адабиётида кенг тарқалган детектив-саргузашт тур анча жонланди, бу адабий турнинг Тоҳир Маликдай истеъдодли профессионал соҳиби қаламлари ва унинг истеъдодли издошлари етишиб чиқди. Тоҳир Маликнинг жаҳон детектив-саргузашт адабиёти яхши намуналари билан бўйлаша оладиган қиссалари, «Шайтанат», шунингдек муаллифнинг «Сўнгги ўқ» асари асосида суратга олинган телесериал эл орасида катта шухрат топди. Энг муҳими, Тоҳир Малик ўзбек адабиётида бу турга юксак маданият олиб кирди, бу тур асарларни менсимай қараш, таъна-маломатлардан халос этди, бу турни ростакам санъат даражасига кўтара олди. Бу ҳақда кўп ва хўб гаплар айтилди ва айтилмоқда. Минг афсус, ҳамон бу соҳага тасодифий, шунчаки ҳаваскор кимсалар бош суқишда давом этмоқдалар. Шу билан баробар, гарчи бу турда ҳали махсус малака, тажриба етишмаса-да истеъдодли ёшларнинг қалам тебратаётганлиги таҳсинга сазовор. Шулардан бири Абдуқаюм Йўлдош ва унинг «Катта ўйин» қиссаси ҳақида икки оғиз сўз. Қисса тижорат соҳасидаги мафия гирдобига тушиб, уюшган жиноятчиларнинг катта ўйинига араллашиб қолган ёш, ҳаваскор тижоратчи, аслида соддадил журналист йигит саргузашти ҳақида баҳс этади. Асар енгил ва қизиқиш билан ўқилади. Қисса қаҳрамони ҳаваскор тижоратчи йигит журналист бўлганидан детектив асар учун зарур изқувар вазифасини ҳам ўтайди. Айни пайтда ёзувчи олдида савдодаги жиноят механизми, журналист нигоҳи орқали публицистик таҳлил этиш имконияти очилади. Бунинг муайян самаралари ҳам кўринади. Афсуски ёзувчи мана шундай қулай имкониятдан старли фойдалана олмайди. Биринчидан, муаллиф мураккаб, чигал ҳодисаларни жиддий таҳлил этиш ўрнига енгил, осон қизиқтирувчанлик йўлидан бориб касалхонада бадбашара барзанги аёлнинг қаҳрамонга ҳирсий ҳамласи, қаҳрамоннинг унга берган зарбаси сингари олди-қочди воқеалар билан банд бўлади. Иккинчидан, изқувар қаҳрамон чин фаолият, энг қалтис курашлар, олишувлар гирдобига кирмай туриб сафдан чиқади, ҳалок бўлади, унинг ўрнига курашга тушган милиция ходими фаолияти эса қуруқ шарҳдан иборат бўлиб қол-

ган. Шу тариқа детектив-саргузашт тур асар учун муҳим шарт — маккор жиноятчи ва моҳир изқувар имкониятлари орасидаги нисбат бузилгани, жиноятчининг ҳаддан ташқари маккорлиги, изқуварнинг содда, гўл, фаолиятсизлиги туфайли асардаги яхши ният тўла рўёбга чиқмай, ҳодисанинг моҳияти етарли очилмай қолган.

Гуноҳу қабоҳатларга тўлиб тошган бир қишлоқда юз берган ҳам реал, ҳам фавқулодда хаёлий-фантастик, ваҳм, қўрқинчли, мудҳиш воқеалар тизими ифодасидан иборат «Қора кун» қиссаси теварагида жиддий тортишувлар бўлаётир, эътирозлар билдирилаётир. Эътирозлар чоғи жаҳонда анча кенг ёйилган, руслар «ужас» (даҳшат) деб атайдиган йўлда битилган Шодиқул Ҳамраевнинг бу қиссаси ўзбек адабиётида бу йўлдаги дастлабки тажрибалардан эканини, қолаверса бу турнинг ўзига хос хусусиятларини унутмайлик.

### Романчилигимизнинг янги уфқлари

Бугунги насримиздаги янги жараёнлар, маънавий, шаклий-услубий изланишлар ҳаммадан кўпроқ роман жанрида ёрқинроқ намоён бўлаётир. Айниқса сўз санъатининг ўзак масаласи — инсонни англаш, инсон табиатининг, қалбининг тушунтириш қийин бўлган сир-синоатларини тафтиш этиш, инсон жумбоғи устида астойдил бош қотириш, энг муҳими бу борада одатдаги андалардан қочиб янги йўллар ахтариш романчилигимиз ривожига етакчи тамойилга айланиб бораётир. Инсонни англаш, инсон шахсини таҳлил ва талқин этишда бизда узоқ йиллар устувор бўлган ижтимоий-ахлоқий ёндашиш анъанаси давом этаётгани ҳолда XX аср жаҳон адабиётида кенг тарқалган эстетик-фалсафий оқимлар тажрибаларига астойдил қизиқиш, қолаверса, Шарқ адабиётининг буюк мероси — диний-исломий ақидалар, тасаввуф фалсафаси ва эстетикасига қайтиш ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини бермоқда, романларимиз тобора ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгача қиёфа касб этмоқда. Жанр қиёфаси чин маънода хилма-хил тус олмақда, роман уфқи кенгаймоқда.

Яна бир қувончли ҳол. «Ўткан кунлар» китоб ҳолиди чиққан 1926 йилдан то 1996 йилга қадар ўтган етмиш йил давомида, чамаси ўн йилни мустасно этганда, деярли ҳар йили бир эмас, бир неча янги романлар чиқиб турган, гоҳо ўндан ортиқ роман эълон этилган йиллар



бўлган. Аммо уларнинг савия даражаси турлича бўлган; «Сароб», «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Уфқ», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Сўнгги бекат», «Икки эшик ораси», «Лолазор» каби етук романлар чиққан йиллари улар ёнида ўта бўш, «танқиддан тубан» турувчи асарлар ҳам эълон этилаверган. Ёмон кўздан асрасин, 1996 йили журналларда ёки тўла китоб ҳолида чиққан 6—7 роман орасида бирорта ҳам ўртача ёки «танқиддан тубан» турадигани йўқ! Шукур Холмирозанинг «Динозавр», Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё», Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой», Омон Мухторнинг «Ффу», «Аёллар мамлакати ва салтанати», Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» асарлари — буларнинг ҳар бири жиддий баҳс-мунозаралар, теран илмий мушоҳада, таҳлиллар учун бой озуқа бера олади.

«Динозавр» романи мавзу-материали, мазмун-мундарижаси жиҳатидан ўта замонавий асар; унда шу куннинг нафаси уфуриб турибди, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иқтисодига ўтиш жараёнида одамлар ҳаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз бераётган ўзгариш, эврилишлар қаламга олинади, одамларнинг шу кунги кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ҳозирги туб бурилиш асносидаги одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг кайфияти ўзбек адабиётида илк бор «Динозавр» орқали роман кўзгусида ўз аксини топди.

Йўқ, ҳозир асарни ҳозиржавоблигига қараб баҳолаш, «долзарб мавзу»да ёзилгани учун тасаннолар айтиш удуми эскирган. Айни вақтда бу тур асарларни эскича «мавсумий машғулот»нинг давоми деб камситиш ҳам ўринсиз. Бадиий асарнинг қиммати мавзунинг долзарблиги, мавсумийлиги ёки абадийлиги билан белгиланмайди. «Динозавр» муаллифи долзарб мавзунини қаламга олган экан, бу билан ўтмишда бўлганидек ҳозирги ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш, улуғлаш ёки ниманидир рад этиш, қоралашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас; балки сўз санъатининг асл табиати, мақсади, вазифасидан келиб чиққан ҳолда, бошда айтилганидек, мана шу туб бурилиш палласида юзага чиқаётган инсон жумбоғи, аниқроғи инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги қирралари, турли нағмалари, сиринноати билан қизиқади.

Бугун асарда «жамият қитиғи»га тегадиган ўткир

гапларни айтиш, жиддий ижтимоий-ахлоқий муаммоларни кўтариш билан эътибор қозониш қийин; инсон қалби, табиати ҳақидаги ҳақиқатнинг янги жиҳатларини кашф этиш йўли билангина ҳозирги маърифатли, дидли китобхон кўнглига йўл топиш мумкин. «Динозавр» романи айна шу жиҳати билан сизу бизнинг эътиборимизни тортади, бизни асар воқеаларининг, персонажлар даврасининг иштирокчисига, суҳбатдошига айлантиради. Роман қаҳрамонлари — кеча моҳир актёр саналган Шаҳлонинг хорижий мамлакатларга қатнайдиган тижоратчига, кеча таниқли совет болалар шоири бўлган Абзал аканинг бугун мутаассиб тақводорга айланиши, кунни кеча СССР тарихи ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида даҳрий ишларга қўл урган Тойировнинг бугун катта фирма очиб «бозор иқтисоди» одами, савдогар бўлиб олиши, Жамолiddиннинг оз фурсат ичида авваллари ҳатто тасаввур этиш ҳам мумкин бўлмаган кўламли мулкдор, бизнесмен бўлиб етишиши — бу тур одамлар табиати, руҳиятидаги бу қадар кескин ўзгариш ғалати жумбоқ; кеча қандоқ бўлса бугун ҳам шундай — жайдари, қувноқ, танти, асл меҳнаткашлигича қолган, фақат пешона тери эвазига кун кўришга одатланган Қуюн ака ҳам ўзига хос жумбоқ. Бироқ асардаги энг катта жумбоқ — бош қаҳрамон Маҳкам образидир.

Маҳкам ҳам пок, соддадил самимий инсон сифатида, ҳам истеъдодли адиб, моҳир тараққийпарвар кинорежиссёр сифатида туб бурилиш, ўзгаришлар жараёнида янги шароитга мослашолмай, янги «шароит мевалари» ни ҳазм қилолмай қийналади. Йўқ, у истиқлол, янгича ижтимоий муносабатлар рақиби эмас, айна пайтда унда эски тузумни қўмсаш кайфияти ҳам йўқ; моҳият эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийдалари тоифасига мансуб: отаси, тоғаси, яқин одамлари эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси қатағонга учраган, Сталин ўлимидан олдин қамоқда ўзини осиб қўйган; ўзи эса ижодкор сифатида оғир шароитларда адолат учун курашчилар сафида турган... Истиқлол туфайли ажодлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлар ушала бошлади. Шундай бўла туриб нега энди бу одам янги шароитга дарҳол мослаша олмайди, туб ўзгаришларни ҳазм қилолмайди: санъаткор сифатида янгиликлар шаънига мадҳиялар айтмайди, айтолмайди. Бутун гап ҳаётнинг мураккаблиги, асарни асар, образни образ қиладиган бадий жумбоқ ана шунда!

Романда Маҳкамнинг хотини, ўғли билан икки кунлик ота юрти, тоғ қишлоғига сафари, таниш-билишлар, қариндош-уруғлар билан дийдорлашув — мулоқотлари чоғидаги изтиробли ўйлари, қалб драмаси Шукур услубига хос бутун икир-чикирлари, тафсилотлари билан ифодаланади. Янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши осонликча кечмайди, «бозор иқтисодига ўтиш» даврида юзага чиқаётган мураккаб муносабатларни, даврнинг ўзига хос шафқатсизликларини Маҳкам хилидаги ижодкор одам дарҳол ҳазм қилиши қийин; айниқса, одамлараро муносабатларда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига қуриш тамойили қарор топиб бориши, бу нарса ҳатто Маҳкам оиласига кириб келиши уни қийноққа солади. Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадий ижод, санъат мезонлари ҳам тубдан ўзгарди. Бугун ижодкор кечаги мезонлар билан иш кўриши мумкин эмас. Маҳкам сиймосида биз мана шуларни ҳис этаётган, ўзида янгилашиш машаққатини бошдан кечираётган ижодкор шахси драмаси, балким фожиасини кўрамиз. Шу тариқа Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини ҳам содда, самимий, чин инсон, ҳам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намоён этганлиги билан жозибадор. Қизиқ, янги замон ўзгаришларини қийинчилик билан қабул қилаётган Маҳкам, романда қаламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб олган кимсаларга қараганда истиқлолга яқин, мустақил Ватаннинг чин ўғлони сифатида таассурот қолдиради.

«Динозавр» тажрибаси шундан далолат берадики, қуруқ мадҳиялардан кўра янги давр одамлари руҳиятидаги жараёнларни ҳаққоний кўрсатувчи бу тур асарлар истиқлол учун кўпроқ наф келтиради.

Изчил реализм йўлидан бориб қаҳрамонлар руҳиятини, турмуш икир-чикирларини тафсилотлари билан кўрсатиш жиҳатидан Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё» романи, бир чеккаси, «Динозавр»га ўхшаб кетади. Айни пайтда бу асарда ҳозирги замон жаҳон янги романчилиги тажрибалари унсурлари ҳам кўзга ташланади. Романда Шарлотта Бронте, Сэлинджер, Фолкнер, Булгаков, Маркес номлари, асарлари, қаҳрамонлари кўп марта эҳтиром билан тилга олинади; асар бош қаҳрамони ёш ёзувчи, журналист Анвар айни ўша асарлар руҳида тарбияланган янгича бадий тафаккурга мойил шахс. Қаҳрамон руҳияти ва хатти-ҳаракатлари ифодасида муаллиф ғарб адабиётида урф бўлган бир

усулни қўллайди: Анвар ҳар бир вазиятда ичида ўзгача ўйлайди, мушоҳада юритади, аммо вазиятга қараб гоҳо ўзгача сўзлайди, ўзгача хатти-ҳаракат қилади; нега шундай қилаётганини ўзи ҳам сезмайди; кўнгил розига, виждонига зид бориб ўзгача гапиргани, виждонига хилоф ишлар қилиб қўйгани учун руҳан эзилади, ўзини кечирмайди. Шу билан баробар бу йигит қалби тубидан келган «айтма», «қилма» деган нидога қулоқ солмай мурасасизлик йўлини тутгани, тўғриси айтгани учун бошига балолар орттиради. Ҳақиқатга тик қараш, тўғри сўзлик туфайли у иш муҳитида, оиласида, таниш ва нотаниш одамлар билан мулоқотда кўп кўнгилсизликларга дуч келади: ишдан четлаштирилади, ота-оналари, дўсту душманларнинг маломатларига қолади. Шу тариқа қаҳрамонни биз уч хил муҳитда — ишда, оилада, кўча-кўйда — таниш ва нотаниш одамлар билан муносабатда, ички ва ташқи зиддиятлар оғушида учратамиз. Табиатидаги мураккаблик туфайли у иш муҳитига сиғмайди. Ёзувчи асарни ҳақиқатгўй Анвар билан қаллоб бошлиғи, унинг ювиндихўрлари орасидаги зиддиятлар интиҳосидан, қаҳрамонни ишдан кетишидан бошлайди, қаламга олинавериб сийқаси чиққан, кўпчиликни қизиқтирмайдиган «ишдаги зиддиятлар»нинг батафсил тасвиридан воз кечиб, бутун эътиборни кўча-кўйдаги тасодифий учрашувлар, мулоқотлар ва оиладаги муаммо-можароларга қаратади. Шуниси қизиқки, Анвар ишда тўқнаш келган қаллоб муҳаррир Шариф Юсупов ҳам, унинг Пирриев сингари гумашталари ҳам характер-образ сифатида бизни ўзига унча тортмайди, аниқроғи жиддий янгилик бермайди. Қаҳрамон кўча-кўйда дуч келган Ҳаким Мансур, Маҳмуд Пўлат, Акбар муаллим, Альфия, Тўлқин Турсунзода, Осие, Маҳмуд Дарё, Фариди опа — буларнинг ҳар бири ажиб характери, мураккаб, чалкаш қисмати билан ўзига хос бадий жумбоқ сифатида сизу бизда катта қизиқиш уйғотади. Булар билан танишув, мулоқот қаҳрамон учун ҳаёт мактаби, ибрат, сабоқ, савоб ва гуноҳ дарси, ҳам қувонч, ҳам аянч, ҳам ўй-мушоҳадалар манбаига айланади. Унинг аломат маърифатли талаба қиз Осие билан учрашувлари ҳаётидаги энг тотли онлардир; йигитлик умри давомида энг тубан кетиши Альфия билан ўтказган кечасидир; Акбар муаллимнинг чигал севги саргузашти, Тўлқин Турсунзода билан Маҳмуд Дарёнинг терс табиати, мушкул қисмати, девонаваш, фақиру ҳақир ва айни пайтда мард, танги, олижаноб ҳаваскор ёзувчи

Маҳмуд Мансур билан боғлиқ воқеалар — буларнинг ҳар бири ўзича мустақил қисса.

Романда кенг ўрин тутган, бир қарашда «арзимас» икир-чикирлардек туюлган оилавий, маиший ҳаёт тарзи икки жиҳатдан эътиборга молик. XX аср Тошкент аҳлининг маиший ҳаёти, этнографик манзараси Мирмуҳсин, У. Ҳошимов, У. Умарбеков асарларида, П. Қодировнинг «Олмос камар» романида акс этган; Аббос Саид шу анъанани давом эттириб «Беш кунлик дунё»да «соф» тошкентликларнинг анъанавий турмуш тарзини, аниқроғи 70—80-йиллардаги кўринишини, бор ҳолича катта маҳорат билан гавдалантиради, бу турмушнинг зиддиятларини, мусбат ва манфий жиҳатларини ичдан ёритади. Бу китобхон учун гоят қизиқарли. Бироқ ёзувчининг бош мақсади шунчаки этник манзараларни чиқишдан иборат эмас. Асосий муддао — бобо, фарзанд, набиралар, яқин ва узоқ қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалла аҳли орасидаги муносабатлар, хилма-хил удумлар, жиддий ва ножиддий гаплар, ўзаро ҳиммат ва катта-кичик низолар, оддий кундалик тирикчилик ташвишлари, фарзандлар ғами — буларнинг ҳар бири алоҳида шахс, биринчи галда бош қаҳрамон табиати, руҳияти, қисматига кўрсатган таъсирини бадиий таҳлил этишдан иборатдир. Ота-оналарнинг ўз ғами, бошга тушган савдолари ўзлари учун етарли, лекин улар фарзандлари, набиралари ғамида тиним билмайдилар, ўзларини ўтга-чўққа урадилар; Оллоҳ инъом этган ақл-заковат, куч-қувват, кўз нурларининг кўп қисми айни шу фарзандлар, оилавий-маиший ҳаёт, турмуш ташвиши муаммолари йўлига фидо этилади. Дунёда ҳеч бир халқ бу борада биз болажон ўзбеклар билан тенглаша олмаса керак. Эҳтимол, биз ўзбекларнинг улуғлиги ҳам, ожизлиги ҳам шундадир. Романнинг айни шу соҳага бағишланган саҳифаларини ўқиётиб хаёлга толасан киши: унда қаламга олинган турмуш гирдобадаги персонажлар-ку оддий одамлар; ҳаётда кўпинча тарих ғилдирагини бошқа ўзанларга солиб юборган улуғ зотлар, катта ақл-заковат эгалари ҳам кундалик оилавий маиший ҳаёт чигалликлари, турмуш ташвишлари жумбоқларига нажот тополмай улар олдида ожизу нотавон қолганлар.

Ана шундай фазилатларга эга романни ўқиб тугатгач, негадир қалбингизда кутилган катта ўзгариш, балким ғалаён, инқилоб рўй бермайди. «Ўткан кунлар»ни, «Кеча ва кундуз»ни, «Оқ кема»ни, «Қиёмат»ни ўқиб

тугатганда қалбингизда бўрон қўзғолади-ку, қарашларингиз ўзгариб кетади-ку ахир! «Беш кунлик дунё»да ҳам бунинг учун имконият бор эди. Афсуски, романда турли шохобчалар — ишдаги кўнгилсизлик, кўча-кўйдаги таниш ва нотаниш кимсалар билан мулоқот ва, ниҳоят, оилавий-маиший ҳаёт жумбоқлари билан боғлиқ йўналишлар қаҳрамон қисмати, онгида бир нуқтага йиғилиб қудратли бир маънавий-бадий омилга айланмай қолгандай туюлади. Қаранг, қисқа муддат ичида шунча савдоларни бошдан кечирган, неча ғаройиб, чалкаш тақдир эгалари бошига тушган ишлар билан яқиндан танишган, жожеий воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган ижодкор йигит ҳаётида, онги-қарашида кутилган жиддийроқ ўзгариш рўй бермайди.

Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романи ифода кўлами жиҳатидан «Беш кунлик дунё»га кўра торроқ, камтаронароқ. Аммо «Беш кунлик дунё»дан фарқли ўлароқ муҳит, шароит, ҳаётий тажриба таъсирида, қолаверса, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган сирли, сеҳрли ички омиллар оқибатида қаҳрамон онги-қараши, характери ва қисматида юз берган туб бурилиш, ўзгариш ва бунинг оқибатлари таъсирчан ифода этилади.

Шойим Бўтаев тоғ қишлоғи одамлари ҳаётидан олиб ёзган ҳикоялари билан танилган. Унинг ҳикоялари ҳаётдан айнан кўчириб олингандай, реал турмуш ҳодисалари шундайлигича асарга киритилгандай туюлади. Унда китобийлик, ҳаёт материаллини «бадийят қолипи»га зўрлаб солишга уриниш аломатлари сезилмайди. Тоғ ҳаёти стихияси бор ҳолича гавдалантирилади. Аслида-ку ҳар қандай «ўта ҳаётий» асар ҳам ҳаётнинг айни нухаси эмас, ёзувчининг кўнгил чигиригидан ўтган бадийят маҳсули. Бадийят маҳсулини ўқувчига айни ҳаётдагидек қилиб етказиш — бу ҳам санъат. Романда Шойим қаламига хос мана шу хусусият янада ёрқинроқ намоён бўлган. Бизда тоғ қишлоқлари, тоғликлар ҳақида ёзилган асарлар кўп, Шойим ҳикояларини, романини ўқиганда ҳали ўзбек халқи аниқроғи тоғлик ўзбеклар ҳаётининг, турмуш тарзининг адабиёт оламига кирмаган, очилмаган қирралари беҳисоб эканига амин бўласиз. Энг муҳими, Шойим асарларида бу ҳаёт ҳам нафосати, ҳам дағалликлари, шафқатсизликлари, ҳам улувворлиги, ҳам тубанликлари билан бор ҳолича гавдалантирилади. Айниқса муаллиф мустабид тузум сиёсатининг тоғ одамлари табиати, маънавияти, руҳиятидаги нохуш асоратларига эътиборни тортади.

Асар бош қаҳрамони Муртазо бир пок мусулмон оиласи муҳтида халқимизнинг, тоғликларнинг энг муътабар ахлоқий анъаналари руҳида тарбияланган; у ўта ҳалол, раҳмдил, ҳатто товуқ қони тўкилишига ҳам тоқат қилолмайдиган беозор, майин-мулойим йигит бўлиб етишади. Оила муҳтидан чиқиб катта ҳаёт қучоғига кириши билан бирин-кетин дағаллик, шафқатсизлик, адолатсизликларга дуч кела бошлайди. Оилада олган тарбия туфайли у шафқатсиз муҳитда хор бўлади, инсонлик, йигитлик шаъни топталади, унда энди ҳам шафқатсиз муҳитга, ҳам ўз табиатига нисбатан исён туйғуси жўш уради; бора-бора у шафқатсиз, дағал, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсага айланади; у оилада севиб олган турмуш ўртоғига, ота-оналарига, қариндош-уруғларига муносабатда ўта дағал; унинг дастидан жондорларга ҳам кун йўқ... Ҳаётнинг қоқ ўзидан, қайноқ гирдобидан олинган бу романда ҳам қаҳрамон қисмати ифодасида мифологик модел қўлланган: аслидан узоқлашган, қайтган одам охир-оқибат тақдир жазосига учрайди, ўзи алдов билан тузоққа илинтирган, қанотлари қайрилиб қўлга ўргатилган, бешафқат овчи қилиб тарбияланган бургут охирида эгаси Муртазонинг кўзига чанг солади! Бу жараёнларнинг барчаси руҳий жиҳатдан яхши таҳлил этилади.

Омон Мухтор романлари шакл-шамойили, сюжет тузилиши, ифода тарзи жиҳатидан янгича; уларда замонавий жаҳон романчилиги тажрибаларини ёдга туширувчи хусусиятлар талайгина: анъанавий реализмга хос аниқ замон ва макон тушунчаси йўқ, ҳодиса-воқеаларни айна ҳаётдагидек гавдалантириш, изчил баён этиш, қаҳрамонлар руҳиятини урф бўлган реализм мантиғи асосида очиш, ифодалаш ҳам йўқ; реаллик билан хаёлот, ўнг билан туш айқаш-уйқаш ҳолда келади; аниқроғи, воқеа-ҳодисалар реал ҳаётда, объектив борлиқда эмас, хаёлпараст қаҳрамонларнинг хаёлида, онгида кечади; қаҳрамон онгида реаллик билан хаёлотнинг қўшилиб-тутанувидан иборат ғаройиб дунё, ҳаётнинг ўзига хос бадий модели яратилади; реаллик билан хаёл, у дунё билан бу дунё орасидаги чегара йўқолади, реаллик хаёл, афсона либосида, афсона эса реаллик тарзида намоён бўлади, тириклар ўликка айланади, руҳ тандан ажралиб бир-бирини тафтиш этишга киришади, ўликлар тирилиб тириклар билан мулоқотга киришади, турли аср одамлари бир-бирларига рўбарў келади... Бир қарашда тартибсиз, мантиқсиз, айқаш-уйқаш туюлган

ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташласангиз, масалага асарнинг ўз ички қонуниятлари асосида ёндошсангиз уларда теран маъно, ботиний тартиб, мантиқ, ҳаёт ҳақиқати борлигига амин бўласиз.

Омон Мухтор романларида гарчи жаҳон замонавий адабиёти тажрибаларига эш жиҳатлар кўп бўлса-да, уларга кўр-кўрона, юзаки тақлидлар йўқ. Бу асарлар шарқона миллий рух, фалсафа билан йўғрилган. Кутилмаган фавқулодда бир шаклда битилган асарлардан бири «Ффу» ривоят—романи сўз бошисида муаллиф «Бу ёзганим барчаси — эски гап. Биронта янги гап йўқ! Тополмайсиз»,— дейди. Бунинг маънисини изоҳлаб «Менинг отам (эски одам эдилар!) бир кун барибир орқага қайтасан, дердилар. Мен олдинга қараб югурар эдим... Бу кун қайта бошладим... Бу кун янги бўлиб кўринган дунё — эртага эскира бошлайди»,—деб ёзади.

Ёзувчи қадим адабий анъана асосида бош қаҳрамон Тоштемирнинг афсона-ривоят либосида намоён бўлган реал қисмати, саргузашти воситасида айни ўша панд-фалсафани тасдиқлашга ҳаракат қилади: Болажон ота уқувсиз, омадсиз ўғлига бахт, омад тилаб не-не кўйларга тушади, ниҳоят, йўли топилади, ақл касод бўлган замонда ўғли учун «ақл» сотиб олади; афсоналардагидек бир мўъжиза рўй беради, ўғил бошига бахт қуши қўнади, ўғил ота касби қурувчиликни танлаб даста тузиб катта бойлик, шуҳрат қозонади; ғойибдан келган осон бахт, шуҳрат уни чалғитади, қаллоблик, бузуқликларга, жинойи ишларга бошлайди, ҳаёти жар ёқасига келиб қолади... Болажон ота энди янги ташвишлар гирдобидида қолади, авваллари ўғил уқувсизлиги фақат отани ташвишга солган эди, энди унинг қилмишларидан эл-юрт ташвишга тушмоқда, зарар кўрмоқда... Отанинг югуриб елишлари оқибатида ўғил ижарага олинган «ақл»дан халос бўлади, аслига қайтади, имон-эътиқод, камтарона ҳалол меҳнатга, ҳаётга қайтади. Бундан ўғил ҳам мамнун, отанинг ҳам кўнгли тинч, эл-юрт ҳам манфаатдор...

Шу тариқа янгича ифода шакли билан қадимий, анъанавий, шарқона эски ҳикмат қўшилиб ўзига хос роман-ривоят майдонга келган.

Қадимий анъаналар оқибати бўлса керак, роман қаҳрамони ҳаётининг турли босқичлардаги ҳолатлари ифодасида бир оз тарафкашлик, якранглик аломатлари бор. Бу ҳол инсон шахси, қалби ҳақидаги ҳақиқатни бир оз жўнлаштиради. «Аёллар мамлакати ва салтана-



ти» романида эса ҳар хил вазиятларда, реаллик ва хаёлот маҳсули бўлган сахналарда, ондаги жараёнлар ифодасида персонажлар ҳаёти ва шахсиятига хилма-хил томондан ёндашиш устувор. Мунаққид Аҳмад Отабойнинг «Романга сўз»ида асарнинг моҳияти яхши очиб берилган. Мунаққид фикрларига қўшилган ҳолда мен яна шуларни илова қилишни истардим: «Аёллар мамлакати ва салтанати» матни муаллифнинг бошқа романларга қараганда пухтароқ ишланган; аввало роман муайян доира бўйлаб айланувчи, бетиним такрорланиб турувчи ўзига хос сирли-сеҳрли мусиқий оҳанг билан йўғрилган, насрий ифода ва шеърий сатрлар омукталиги, насрдан шеърга, шеърдан насрга эркин кўчиш, ўзга шоирлар шеърий сатрларидан эркин фойдаланиш, тарихий ҳужжатларга мурожаат, халқ оғзаки ижоди намуналари — ривоят ва эртақлар сюжетининг қайта ҳикояси, хусусан «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртаги баёни — булар асар матнига ажиб файз ва жило бахш этган.

Романда кўнглимиз ҳис этиб турган, аммо биз ҳали тўла англаб улгурмаган ёки тагига етолмаган бадий сир-синоатлар, фазилатлар анчагина. Гарчи хийла мураккаб, биз кўникмаган шаклда битилганига қарамай кўпчилик китобхонлар бу асарга қизиқиш билан қараётганлиги сабаби шунда.

Ҳозирги романчилигимиз ҳақидаги баҳсимизни айти шу кунлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Динозавр» романидан бошлаган эдик. Энди уни қадим Хоразм тарихидан баҳс этувчи «Тангри қудуғи»га доир мулоҳаза билан якунласак. Шуниси муҳимки, замондош образларнинг кўнгил дардлари, армонлари бизни қанчалар ҳаяжонга солса, уч ярим аср бурун яшаган аждодларимиз бошига тушган савдолар ҳам ўшандай изтиробга солади, ўйга толдиради.

Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» романи билан танишганда туғиладиган илк таассурот шуки, ўзбек адабиётида Қодирий асос солган, Чўлпон, Ойбек, О. Ёқубов, П. Қодиров, Мирмуҳсин каби адиблар кўп янги хусусиятлар билан бойитган тарихий романчилигимиз анъанаси бугун ҳам давом этмоқда.

Роман муаллифи Хоразм тарихининг энг мураккаб, чигал палласи — Абулғози Баҳодирхон даври, аниқроғи Абулғози султоннинг тахтга келиш олдидаги ўта таҳликали, драмалар, фожеий воқеалар, мусибатларга тўла тарихий вазият қаламга олинади. Арабмуҳаммад-

хоннинг тахтдан четлаштирилиши, оға-инилар орасидаги тож-тахт учун кетган мурасисиз курашлар, бундай шармандали олишувлар туфайли эл-юрт, юртнинг чин ўғлонлари бошига тушган кулфатлар бутун драмасы—даҳшатлари билан кўрсатилади.

П. Қодировнинг тарихий романлар устидаги иш, ижодий тажрибасидан келиб чиқиб айтган бир сўзи бор. «Асрлар китобини ўқиганингиз сари, — деб ёзади адиб, — тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз». «Тангри қудуғи»да ёзувчи фантазияси—бадий тўқима маҳсули бўлган ўринлар, сюжет йўналишлари кўп: Ануша—Нигина ва Давлатёр саргузаштлари, башоратчи Шамсиддин хожа, Бўриодит билан боғлиқ воқеалар, Хева шаҳри, Тангри қудуғи билан алоқадор ва бошқа кўплаб ривоятлар қизиқиш билан ўқилади. Бироқ асардаги энг ҳаяжонли, мафтункор ўринлар «тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетлар»дир; Арабмуҳаммадхон ва унинг ноқобил фарзандлари — Ҳабаш ва Элбарс султонлар орасида оналари Гулсумбону қасди баҳонасида бошланган ўзаро низо, фитна, ошкора кураш ва қонли интиқом, Арабмуҳаммаднинг тахтдан четлатилиши, таъқиб остига олиниши ва, ниҳоят, кўзига мил тортилиши; икки нобакор ўғлоннинг фожеий қисмати — Элбарснинг тириклайин ерга кўмилиши, Ҳабашнинг қутириб чеккан азоблари, у тушган панжарали арава билан бирга ўтга ёқилиши; шунингдек мустабид шоҳ Аббоснинг пойгада адолатсизлик қилган ўғли Сафо Мирзони ўлимга маҳкум этиши — романда қаламга олинган бу каби ҳаяжонли, драматик тарихий воқеаларни ҳақиқатан ҳам «ёзувчининг фантазияси» яратиши қийин, жудаям қийин. Хуллас ёзувчи тарихий шахслар ҳаётини, тарих драмаларини бутун даҳшатлари билан бор ҳолича гавдалантирган. Бу асар тарихий роман жанри катта маърифий қимматга эга эканини, «Халқнинг чинакам тарихини тарихчилар эмас, адиблар яратади» деган нақлнинг тўғрилиги яна бир карра тасдиқлайди.

### Анъанавийлик ва янгиланиш муаммоси

Ҳозирги насримиз ривожини билан боғлиқ мунозарали масалалар кўп. Айниқса насрдаги анъанавийлик ва модернизм муаммоси қизғин тортишувларга асос бўлмоқда. Сўнгги йилларда прозага бағишланган бирорта му-

ҳокама, давра суҳбатларида бу мавзу четлаб ўтилганини билмайман. Танқидчиларни қўя турайлик, носирларимиз ҳам бу борада хийла фаол, насримиздаги жараёнлар устида сўз очилгудек бўлса анъанавийликка мойил адибларимиз модернистик йўналишдаги асарларни, муаллифларни, модернизмга мойил носирлар эса анъанавий йўлдан бораётган ёзувчиларни албатта чимдиб ўтадилар.

Бир чеккаси бунга адабий ҳаётдаги табиий ҳол деб қарамоқ керак. Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига деганларидек, ҳар бир адиб ўзи танлаган йўлни бошқасидан афзал билади-да! Шуниси қувонарлики, бу борадаги баҳс-мунозаралар чоғида, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда мустабид тузум даврида бўлгани каби масалага ғоявий-сиёсий тус бериш ҳоллари, ҳудога шукр, йўқ энди! Эслаб кўринг, яқин-яқинларда бирор янгича йўлдан борган қаламкашга албатта «модернист» ёки эски шаклларга мойил ижодкорга «консерватор» деган ёрлиқлар тақалар, шунинг ўзиёқ ижодкорни қора курсига ўтқизиш билан баробар эди. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошликдаги рамзий-модернистик изланишлар теварагида кўтарилган машмашалар ҳамон ёдимизда. Ушанда қанчадан-қанча ёрқин истеъдодлар шаъни жоҳилларча топталган эди. Бугун «модернизм»да айбланган ўша ижодкорлар, асарлар миллий санъатнинг фахри сифатида тилга олинади; ҳозир аср бадий тафаккур тарзи ҳосиласи бўлмиш модернизм тажрибаларидан қандайдир даражада баҳраманд бўлмаган рассом ёки ҳайкалтарошни топиш мумкин эмас. Ҳатто анъанавий миниатюра санъатини қайта тирилтираётган рассомлар ишларида ҳам асримиз санъатига хос чизгилар кўплаб учрайди. Ҳар бир ижодкор ўзи танлаган йўлни афзал санаши табиий ҳол дедик, аммо айтилган пайтда бошқаларнинг ҳам ўзлари танлаган йўлдан боришга ҳақли эканларини тан олиш маданияти, бу борада бағри кенглик гоҳо етишмай қолаётир. Айниқса, якка ҳоким мафкура, ягона соцреализм талаблари аллақачон рад этилган бир шароитда бу нарса хунук кўринар экан. Бадий асар қиммати қайси йўналиш — анъанавий ёки модернизм шаклида яратилганида эмас, балки у чинакам санъат намунаси даражасига кўтарилган ёки кўтарилмаганлиги билан белгиланади-ку. Асарнинг қайси йўналишга мансублиги ҳали уни ҳимоя қилиш ёки рад этиш учун асос бўлолмайди. Ф. Қафқанинг бир ибратли гапи бор. Унингча, адабиётдаги синовлардан

Ўтган эски нарсалар энг бебаҳо фазилати — мангулик-ка дахлдорлиги билан ажралиб туради. «Шунчаки янгилик — ўз-ўзидан ўткинчи нарса, — дейди у.— Бугун у гўзал бўлиб кўриниши мумкин. Эртага эса бор тутруқ-сизлиги ошкор бўлади. Адабиёт йўли ана шундай».

Қаранг, XX аср тонгида сўз санъатида янги йўл очган буюк адиблардан бири, «Эврилиш», «Жараён» каби новаторона асарлар муаллифи ана шундай деган! Умуман Ф. Қафқанинг мумтоз адабиёт, жумладан Гётега, ўзгача йўналишга мансуб замондош адибларга ҳурмат-эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган. Ана ижодда бағри кенгликнинг ажойиб намунаси.

Бундан икки йил бурун Берлин университетидан бир адабиётшунос ТошДУга меҳмон бўлиб келди. У Ленинград университети шарқшунослик факультетини тугатган, рус ва форс тилларини яхши билар экан, талаба ва аспирантлар унинг «модернизм»га муносабатини сўраганларида елка қисиб, ҳазил аралаш «санъатда, адабиётда бунақа муаммо йўқ, мен уни тан олмайман» деди ва фикрини давом эттириб: «Тўғри, ҳовлиқиб олдинга югуришлар ёки имиллаб орқада судралишлар бор, аммо хоҳлаймизми йўқми, санъат, адабиёт бетиним янгиланиб, ўзгариб боради, тарихнинг, инсон маънавияти, тафаккурининг бурилиш паллаларида бу жараён хийла тезлашиши мумкин. XX аср — фан-техника асри, аср суръати адабиёт ва санъат ривожидида модернизм кўринишида зуҳр этилган бўлса, бундан ажабланмаслик керак» деган мулоҳазани ўртага ташлади. «Биламан, сизлар бир вақтлар «модернизм» деган сўзни хайрихоҳлик билан тилга олишдан ҳам чўчир эдингиз, энди эса унга ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб қолаётирсиз. Менинг кузатишимча, сизлар ҳодисанинг ташқи, шаклий томони билан кўпроқ қизиқаётирсизлар. Аслида адабий жараёндаги асосий нарса ички моҳиятда», дея илова қилди.

Мен ҳамкасбимнинг «ички моҳият» ҳақидаги сўзларини санъат ва адабиёт ривожидидаги асосий нарса ҳаёт ва шахсни янги томонлардан кашф этиш деб тушундим. Охир-оқибат ҳар бир ижодкорнинг адабиёт ривожидидаги ўрни, хизмати ҳаёт ва инсон ҳақида қандай янги сўз айтгани, бу борадаги янги концепцияси билан белгиланади. Ҳаётга, инсон шахсига янгича муносабат барибир ифода тарзида, шаклида муайян ўзгаришлар ясайди. Сўнгги йилларда ҳаётга, инсон шахсига муносабатнинг кескин ўзгариши туфайли анъанавий реа-

лизмга мансуб асарлар ифода тарзида, шаклида ҳам қатор янгиликларнинг, модернизм аломатларининг содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Биргина мисол. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи, халқона услубда, халқ дostonлари оҳангида битилган. Шу билан баробар сюжет тузилиши, воқеалар баёни, ифодасидаги бебошлик, кутилмаган қайрилишлар, узукликлар ва мана шу «бебошлик»дан таркиб топган ўзига хос гармония, персонажлар руҳияти, хатти-ҳаракатлари ифодасида имо-ишоралар, штрихларнинг муҳим рамзий маъно ташиши, бош қаҳрамондан тортиб асарда бир-икки бор кўриниш берадиган персонажларга қадар — барчаси индивидуал шахс бўлишдан ташқари рамзий-символик моҳият касб этиши, уларнинг аниқ исми шарифи туриб, Оқпошшо, Қизил, Идеология, Физика, Жўгрофия, Адабиёт, Директор деган номлар билан аташдан мурод — уларнинг асл моҳиятига ишора экани, булар XX аср жаҳон янги адабиёти услубига хос муҳим белгилардир.

Шунга яқин хусусиятларни Шукур Холмирза, Мурод Муҳаммад Дўст роман, қисса ва ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин: уларнинг асарларини ўқиганда, бир томондан, кўз олдингизга ҳаётнинг изчил, осойишта, холис анъанавий реализм услубида гавдалантирилган аниқ-тиниқ манзаралари келади. Иккинчи томондан, қаҳрамонлар қисмати, шахсияти, руҳияти тасвири, таҳлилида кўпдан-кўп рамзий-символик ишоралар, штрихлар, киноя-кесатиклар, яна қандайдир сирли жиҳатларга дуч келиб хаёлга толасиз, уларнинг маъзини чақишга уринасиз.

«Соф анъанавий» реализм йўлида битилган П. Қодиров, У. Ҳошимов каби адибларимиз романларидаги бадий кашфиётлар «энг янги услуб»да битилган етук асарлардаги янгиликлар билан бемалол бўйлаша олади. Биз узоқ вақт ҳаёт, тараққиёт зиддиятлар, муҳолиф кучлар курашидан иборат деб келдик. Ҳолбуки, ҳаёт, тараққиёт айни пайтда бир-бирига зид турган кучларнинг ўзаро тотувлиги, бир-бирига ён бериши, мурасага келишувидан ҳам иборат экан. Бу айниқса XX асрда инсоният ихтиёридаги фан-техника мислсиз қудратга молик қурооллар кашф этган бир даврда жиддий аҳамият касб этмоқда. Инсоният муҳолифликнинг давом эттирадиган, қудратли қурооллар ишга тушадиган бўлса бу энди айни қиёмат экани ҳаммага аён! Мана шу хавф-хатар инсониятни, аниқроғи ақл-заковатли одам-

ларни ҳушёр торттирди, XX аср охирларига келиб муроса фалсафаси шакллана бошлади. Буни қарангки, айни шу қараш шаклланаётган бир паллада 60—80-йиллар давомида ўзбек адабиётида муроса, барқарорлик ғоясини ташувчи асарлар, образлар яратила бошланди. Бу жиҳатдан, айниқса, П. Қодировнинг ҳам замонавий, ҳам тарихий мавзудаги асарлари, хусусан «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» романлари ибратли. Ёзувчи талқинида Бобур ва унинг авлодлари, хусусан Акбар ижтимоий-сиёсий, диний, ирқий, бошқа турли мафкуравий зиддиятларга тўлиб-тошган мамлакатда янги қудратли империя барпо этиб, катта шон-шавкатга эришган эканлар, бунинг бирламчи асоси уларнинг ақлзаковат билан муроса йўлини тутганликларида, «сулҳи кулл»—ҳар тарафлама тинчлик сиёсати ижодкори сифатида майдонга чиққанликларидадир. Буюк тарихий шахслар қисмати таҳлилидан чиқарилган бу хулосалар XX аср, бугунги инсоният олдида турган ҳаёт-мамوت масалаларига нақадар мос-оҳангдош.

«Тушда кечган умрлар»да уруш ва уруш одами образи ўзбек адабиётида илк бор бутунлай ўзгача талқин этилди. Шу пайтга қадар бизда уруш мавзуида битилган асарлардан фарқли ўлароқ бу романда қаҳрамонларни «оқлар» ва «қизиллар»га, «душманлар» ва «ўзимизникилар»га, «ғолиблар» ва «мағлублар»га ажратиш йўқ. Уруш давлатлараро можароларни ҳал этишнинг ваҳшиёна усули, инсон табиати, шаънига хилоф шармандали бир машғулот. Уруш ҳар икки томон учун ҳам бирдек кулфат, вайронагарчилик, йўқотиш, фожиа. Бу фикр—ғоя фақат «шўровий»лар ва «муҳоҳид»лар орасидаги тўқнашувлар, жанглар тасвири эмас, иккинчи жаҳон урушига оид лавҳаларда—совет ва немис солдатлари орасидаги муносабатлар ифодаси орқали ҳам ўтказилган.

Бундай мисоллар шундан далолат берадики, анъанавий реализм имкониятлари ҳали тугаган эмас, бу йўлда улкан кашфиётлар яратавериш мумкин. Қолаверса реализм ҳудудлари чексиз, унинг бағри жамики янгиликларга, дадил изланишларга кенг очиқ. Ўта ибтидоний, жўн, ҳаётнинг шунчаки нусхасидан, қаҳрамон ҳаёт йўли, саргузаштларининг икир-чикирларигача баёнидан иборат «асар»ларга қараб «реализмнинг эскирганлиги» ҳақида хулоса чиқариш ўринсиз. Чинакам санъат намунаси даражасига кўтарила олган асарлар ҳар доим кам бўлган, ҳозир ҳам шундай. Бу фикр фақат

анъанавий реализм эмас, янгича йўналишга ҳам дахлдор. Кейинги ўн йил давомида бу йўналишда яратилган, ўз вақтида кўп шов-шувларга сабаб бўлган асарларни эсланг. Қани улар? Хотирингизда, бинобарин адабиётда қолганлари бармоқ билан санарли. «Жажман», «Маймун етаклаган одам» сингари ёрқин рамзий образлари билан адабиётимизда жиддий кашфиёт бўлган асарлар оз, жуда оз!

Санъат ва адабиётдаги янгича изланишлар ардоққа, ҳимояга муҳтож дейдилар. Тўғри, ижод, изланиш ҳаминша ҳимояга муҳтож, бироқ охир-оқибат бу соҳада бош ҳимоячи — изланиш самараси бўлмиш янги асарнинг ўзи. У чин бадий кашфиёт, юксак санъат намунаси бўлса, унга ҳеч қандай куч панд беролмайди.

### Мухтасар сўз

Юқоридаги кузатишлардан маълум бўлаётирки, бугунги ўзбек насри кечаги кун асорати остида бир жойда депсиниб тургани йўқ. У жамики кам-кўстларига қарамай ҳаракатда, ҳам мазмун, ҳам шакл томондан изланиш, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ҳозирнинг ўзида бу ҳаракатнинг хайрли самараларини кўриб турибмиз. Бу ҳол насримизнинг эртасига умид уйғотади.

## ГЎЗАЛ ИНСОН МАДҲИ

«Жаҳон адабиёти» журнали япон адиби Уно Коитиронинг «Китлар худоси» ҳикоясини ўзбек ўқувчиларига етказди. Жаҳонга машҳур бу асарни она тилимизда ўқиш нақадар мароқли. Айниқса ҳикоя хотимаси, қаҳрамонлар қисмати ўқувчини ҳам ларзага солади, ҳам чуқур ўйга толдиради.

Ҳикоя бош қаҳрамони жасур овчи йигит китлар худоси билан ҳаёт-мамот жангида бу қудратли жонзот устидан тантана қилади, айти пайтда шу жангда ўз ҳаётини таҳлика остида қолдиради. Тани жони дабдала бўлиб кетган бу йигит ўз илтимосига кўра денгиз соҳилида тобут ичида мағлуб китлар худосининг баҳайбат бош суяги ёнида сўнгги кунларини кечирмоқда; бир томондан, тоқат қилиш мумкин бўлмаган оғриқ-азоб, иккинчи томондан, инсон ҳаёти, табиатининг ажиб гўзал, сирли мўъжизалари сеҳри оғушида ўй-хаёллар гирдобидида сузмоқда. Эрта-индин жони узилиши аниқ. Буни ўзи ҳам, ўзгалар ҳам яхши билади. Билгани ҳолда хўжайини аҳдида туради, эртага тўй кунини белгилаб китлар худосини енгиб чиққан бу мажруҳ йигитга гўзалликда тенги йўқ яккаю ягона қизини никоҳлаб бермоқчи, бутун мол-мулкни, самурай номини мерос қилиб қолдирмоқчи. Самурайлар таомилига кўра, агар ажал аёлни никоҳдаги эридан жудо этса, у иккинчи бор турмуш қуриши мумкин эмас; йигит бу ҳур қизни бахтсиз қилишни истамайди; қизга бу гапни дангал айтади. Бироқ қиз отаси каби аҳдида қатъий. Ғурур, самурай қизининг юксак ғурури уни шундай қилишга ундайди. Ана шу ҳаёт-мамот дамларида хотини турмушидаги мудҳиш сирни ошкор этади, ўзини зўрлаган, никоҳсиз туғилган ўғли отасининг номини дангал айтади; йигит бундан титроққа тушади, бироқ барибир ана шу шахсий рақибининг кит билан олишув пайтидаги жасоратига тан беради, бевақт ўлими учун ачинади. Китлар худоси билан мардона олишган ва ҳалок бўлган ўнлаб фидоий жасур гарпунчи дўстлари жасорати бирма-бир унинг кўз олдидан ўтади. Ва ниҳоят, шунча қуролланган ақлли ва қув инсонлар зоти билан басма-бас олишган сод



да ва мағрур китлар худосига тан бериб «сен ҳақиқатдан ҳам жуда гўзалсан!» дея қичқиради. Бу унинг сўнги нидоси эди. Бу нидога жавобан йигит назарида кит гўё тирилиб қулоқни кар қилар даражада шундай жавоб қилади: «Аслида, сен гўзалсан, инсон!»

Дидли, кўп китоб кўрган ўқувчи яхши билади: бу воқеалар ҳаётнинг айна нусхаси, кўчирмаси эмас, балким адиб даҳоси кашф этган ҳаётнинг бадиий модели. Асар қаҳрамонларининг олижаноблиги, қатъияти баъзи бировларга «ўзлик»дан кечиш, мутаассиблик бўлиб туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Япон халқига хос мақсад йўлидаги бирдамлик, юксак эътиқод, қатъият, матонат, ғурур, фидойилик, лабзи ҳалоллик ғоят бетакрор, таъсирчан ифодаланган бу ҳикояни ўқиб туриб иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган, уруш вайроналари орасидан қад ростлаган халқнинг қисқа бир фурсат ичида табиий бойликлардан деярли маҳрум юртини жаҳоннинг энг юксак, бадавлат мамлакатларидан бири даражасига кўтариш сабабларини, аниқроғи бунинг маънавий илдизларини топгандай бўласиз. Тўғри, ҳикояда бевосита бунга даҳлдор гаплар, ҳатто имошиоралар йўқ. Бироқ мутолаа жараёнида шундай қатъиятли, матонатли, ғурури баланд, лабзи ҳалол бошлиқлари, ўғил-қизлари бор халқгина юртини ана шундай юксакликларга кўтара олишини юракдан баралла ҳис этиб турасиз...

Беихтиёр жаҳоннинг яна бир буюк мамлакати санъаткорлари яратган, дунё бўйлаб довруғ қозонган кино асари — «Титаник» ёдга тушади. Улкан кема ҳалокати пайтидаги даҳшат, саросима, юзлаб одамларнинг омон қолиш умидида ўзини ҳар ёққа уришлари; одамлар табиатининг минг бир жилоси—шевалари, денгиз қаърига чўкиб кетаётган, сув юзида қалқиб юрган юзлаб одамлар жасади... Мана шу даҳшатли манзаралар силсиласида секин-аста маънавий юксак, матонатли гўзал инсонлар, аввало икки севишган ёш сиймоси биринчи планга чиқади. Ғоят кескин, тигиз, таҳликали дамларда бу икки ёшнинг бир-бирига чексиз садоқати, бир-бирини асраш йўлидаги жонбозликлари, шу тигиз дақиқалардаги севги, садоқат сурури, айна пайтда ўзгалар ғами деб чеккан заҳматлари, ниҳоят севгилиси жонини асраб қолган йигитнинг қиз қўлларига чирмашган ҳолда беозоргина жон таслим этиши, денгиз қаъри томон юзланиши... Булар, бир томондан, афсонавий севги дostonларини эслатса, иккинчи томондан, реал ҳаётда бор

одамларнинг реал кечмишлари, кечинмалари тарзида ўта ҳаётий, самимий берилади. «Китлар худоси»да бўлгани каби бу асарнинг шу хил персонажлари сиймосида ҳам буюк мамлакат одамларига хос тенгсиз гўзал хислатлар тажассумини кўрасиз.

Биз кейинги йилларда XX аср жаҳон адабиёти ва санъатидаги кўплаб янги йўналиш, оқимларга, жумладан М. Пруст, Ж. Жойс, Ф. Кафка, А. Камю, Г. Маркес сингари буюк сўз усталари бадий йўлларига, онг оқими, экзистенциализм, абсурд адабиёт, магик реализм тажрибаларига, улар кашф этган шахснинг ўта чигал, сирли-сеҳрли мураккаб руҳий оламига, инсон табиати ва қалбининг янгича таҳлил ва бадий тадқиқига зўр ҳайрат ва ҳавас билан қараётимиз. Айни пайтда жаҳон адабиёти ва санъатидаги бошқа бир жозибадор йўналиш — ҳаётдаги нузли жиҳатларни, кучли характерларни, зўр ақл-заковат эгаларини, фидойи гўзал инсонларни тараннум этишдан иборат бебаҳо тажрибаларга эътиборсиз қараётимиз. Хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда, хилма-хил ижодий тур, жанрларда, ҳатто илмий-фантастика, саргузашт-детектив, комик турларда яратилган сон-саноқсиз қисса, романлар, драма, фильмларни эсланг, улардаги аксар қаҳрамонлар одамларда ҳавас уйғотадиган, кўнгилга далда берадиган, кучига куч қўшадиган, ифтихор, ғурур туйғусини қўзғотадиган кучли, гўзал инсонлар мадҳидан иборат. Бу тамойил айниқса, япон ва америка адабиёти, санъатида жуда кучли. Буни кўриб туриб шундай гўзал, қудратли инсонлар образини берган адиб-санъаткорлари бор халқларгина ижтимоий тараққиётда ҳам буюк мўъжизалар яратишга қодир эканига иқрор бўласиз.

Бу гапларимни ҳамкасб дўстларим тўғри тушунишларини истар эдим. Мен асло бир вақтлар чайналавериб кўпчиликнинг меъдасига тегиб кетган «ижобий қаҳрамон», «курашчан қаҳрамон», «ишбилармон қаҳрамон» масаласини қайта кун тартибига қўйиб, «дунёни ўзгартирувчи», «нузли истиқбол»пафоси билан йўғрилган сохта ижобий қаҳрамонлар яратишга даъват этмоқчи эмасман. Шу билан баробар, XX аср жаҳон адабиётининг ҳаёт тўзонлари, чигалликлари гирдобида мураккаб ҳолатга тушиб қолган, ўзлигини йўқотган, бегоналашган шахс руҳиятини фавқулодда бир маҳорат билан кашф этган санъат дурдоналари аҳамиятини асло-асло камситмоқчи эмасман; бизда ҳам бу борада айрим изланишлар бўла-

ётганидан қувонаман, келгусида бу борада жиддий кашфиётлар яратилишига инонаман. Лекин ҳар қанча буюк кашфиётлар яратган бўлмасин, бир хил йўналишдаги миллий адабиёт, барибир, камбағал адабиёт. Хилма-хил бадий оқимлар, йўналишлар, мактаблари мўл миллий адабиёт бой ва истиқболи порлоқ адабиётдир. Гўзал, кучли инсонлар образи масаласига эътиборни тортишдан мурод — жаҳон адабиёти, қолаверса ўз миллий адабиётимиз яхши анъаналарини ёдга тушириш, кучли, гўзал инсон образини яратиш буюк миллий адабиётларнинг боқий тамойилларидан, муҳим қонуниятларидан бири эканини эслатиш, бугунги адабиётимизда бу масала қай аҳволда эканига бир қур назар ташлашдан иборат, холос.

Эслаб кўринг, тарихимизнинг «энг кирлик, қора кунлари» қаламга олинган илк етук миллий романимиз «Ўткан кунлар» муаллифининг ижодий жасорати «қора кунлар» даҳшатини бор бўйича кўрсатганлигидагина эмас, балки биринчи галда миллат, эл-юрт ғамида куйиб ёнган Юсуфбек ҳожини, Отабек каби миллатнинг асл фарзандлари образини яратганлигида, улар ва яна бир қатор персонажлар сиймосида миллатимизга хос бебаҳо фазилятларни бадий кашф этиб берганлигидадир. «Ўткан кунлар»дан бошланган бу қутлуғ анъана тоталитар адабий сиёсат зуғумларига қарамай турли кўринишларда, хусусан тарихий мавзудаги етук асарларда давом этди. «Навоий», «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» — ўзбекнинг ўзига ўзлигини кўрсатувчи, ўзбекнинг даҳоси, қадди-бастини жаҳонга кўз-кўз қилувчи маёқ вазифасини ўтади. Буларнинг қаторига 60—80-йилларда ўзбекнинг ғайри расмий миллий мадҳияларига айланган «Ўзбегим», «Ўзбекистон — ватаниманим» каби шеърларни, «Чинор», «Уфқ», «Келинлар қўзғолони», «Дунёнинг ишлари», «Ойдинда юрган одамлар» каби миллат ғурури, қалби, руҳи уфуриб турган замонавий мавзудаги қатор қисса, романлар, комедияларни қўшадиган бўлсак, булар яхлит ҳолда ғоят қудратли маънавий кучдир. Тоталитар режим етмиш йил давомида миллат қалбидаги асл туйғуларни маҳв этиш йўлида муттасил кураш олиб борганига қарамай ўзбек ўзлигини, тилини, дилини сақлаб қолган экан, бунда XX аср адибларининг хизмати беқиёсдир. Биз бунинг қадрига ҳали етарли баҳо бера олганимиз йўқ.

Кучли, гўзал инсон образи яратилган асарларга

Бўлган эҳтиёж айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришган, миллат ўз қаддини ростлаш, ўзлигини тўла-роқ намоён этиш имконига эришган ҳозирги кунларда ниҳоятда катта. Адабиётимиздаги айни шу тамойил авваллари бўлганидек бугун ҳам тарихий мавзудаги асарларда ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бу жиҳатдан П. Қодировнинг «Она лочин видоси» асари, ундаги муътабар зот — она образи ибратли. Адибнинг Бобур ва Бобур авлодлари ҳақидаги тарихий романлари кўпчиликка яхши таниш. «Она лочин видоси» деб аталган янги романда муаллиф бошқа бир темурийзодалар — Шоҳруҳ мирзо умрининг сўнгги дамлари, Мирзо Улуғбек ҳаётининг таҳликали кунларини кўз олдимизда гавдалантиради. Йўқ, бу асар бевосита Шоҳруҳ мирзо ёки Мирзо Улуғбек ҳақида эмас, балки бу янги роман марказида она лочин — Гавҳаршод бегим сиймоси туради. Ёзувчининг аввалги тарихий романларида ҳам қатор темурийлар сулоласига мансуб аломат аёллар, темурий маликалар образи катта эҳтиром, меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган эди. Айниқса, Хонзода бегим, Ҳамида бону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик бўлди. Хонзода бегимнинг иниси Бобурга чексиз меҳри, садоқати, ўз шахсий ҳаётини қурбон қилиб, кўнгли тиламаган одам Шайбонийхон шартига кўниб, унинг никоҳига ўтиб, иниси ҳаётини қутқариб қолиши, бинобарин ўз шахсий ҳаётини, бахтини ўртага қўйиб салтанатни асраб қолишдек улкан вазифани адо этиши — эртақ ва дostonлардаги аёл қаҳрамонлар шижоати ва жасоратини эслатади. Аслида бу чиндан содир бўлган ҳодиса!

Янги романдаги Гавҳаршод бегимнинг шижоати, донишмандлиги, изтиробларга тўла дил розлари билан танишганда тарихда шундай табаррук онахонларимиз ўтганидан кўнглингиз кўтарилади. Кези келганда айтиб ўтай: 60—70-йилларда яратилган айрим асарларда, ҳатто улкан аллома Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида муайян сабабларга кўра бу буюк сиймо образи бир оз бирёқлама — ўта мутаассиб аёл тарзида талқин этилган, уни оқпадар Абдулатифга мойил, буюк, олим Улуғбекка эса зид қўйилган эди. Романда эса бу тарихий сиймонинг асл қиёфаси очилади; у кўпни кўрган донишманд, тадбиркор, шижоаткор кайвони онахон сифатида гавдаланади. Ёши бир жойга бориб қолган бу онахон таҳликали дамларда, қаҳратон қиш чилласида ўз тинчини қўйиб, эл-юрт, темурийлар

салтанати, ўгли Улуғбек тақдирини ўйлаб олиш йўл юриб, хатарли дарёни кечиб ўтиб Самарқандга келади, салтанат ичида ўзаро низоларни, набиралар орасидаги жанжалларни бартараф этиш йўлларини ахтаради, беҳуда қонлар тўкилишининг олдини олади. Айниқса, она — Гавҳаршод бегим ва ўғил — Улуғбек орасидаги ажиб меҳр-мурувват, чексиз садоқат туйғулари самимият билан кўрсатилади. Бу меҳри дарё онахоннинг салтанатни сақлаб қолиш йўлидаги жонбозликлари, фидойиликларини кўриб тасаннолар айтасиз. Айни пайтда нобоп набираларнинг, муқаддас даргоҳдан чиққан илонбаччаларнинг шафқатсизлиги, оқибатсизлиги, ўзи ювиб-тараб катта қилган нобакорлар томонидан зиндонбанд этилган она лочин қалбидаги изтироблар дилларни вайрон этади. Ҳали роман интиҳосига етган эмас. «Жаҳон адабиёти»да унинг биринчи қисми босилди. Асар устидаги иш, ижодий изланишлар давом этмоқда, бу табаррук сиймо, мардона ва фожеий шахс қисматининг энг ҳаяжонли онлари ҳали олдинда; бу мислсиз зотни миллий адабиётимизда катта воқеа бўладиган бадий образ даражасига кўтариш, умумбашарий миқёсларга олиб чиқиш учун ҳамма асослар бор. Бутун гап бу ерда сўз санъатининг сеҳрли қудратини ишга сола билишда. Бу йўлда адибга омад тилаб қоламиз.

Назар Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайти» ҳикояси ҳам айни шу фазилати билан эътиборни тортади. Қизиқ, бу ҳикоя қаҳрамони — ундаги гўзал ва кучли шахс образи ҳам аёл, кўпни кўрган онахон. Миллий адабиётимиз ҳозирги ривожига хос бу қутлуғ тамойил табаррук аёл зоти, онахонлар мадҳидан бошланаётганлигида қандайдир сир-сеҳр, қонуният бўлса ажаб эмас. Ахир, оналар умидбахш эзгуликнинг доясидирлар.

Тоталитар режим зўравонликлари, қатағонлари тўғрисида кўп ёзилди, ёзилмоқда. Бундай зўравонликлар олдида бўйин эгмаган, кишан киймаган мардона шахслар образи озми-кўпми яратилди, яратилмоқда. Лекин, афсус, улар орасида эсда қоладиган, адабиётда воқеа бўладиган, бадий кашфиёт дейишга лойиқлари оз, жуда оз. Бизда хоҳ реал шахс, хоҳ бадий фантазия маҳсули бўлсин, мардона, курашчи қаҳрамонлар образи талқинида стеротиплар асоратидан чиқиб кетолмаслик, китобийлик қусурлари ижодкорларга жиддий панд бермоқда. «Шамолни тутиб бўлмайти» ҳикоя-

си шу тўсиқни енгиб ўтиш, бу борада янгича ифода йўлларини излаб топишда дадил қадам бўлди.

Аввало муаллифнинг ҳикоя тарзи, сўзлаш оҳанги ўзгача, бетакрор; ғам-ғуссага тўла залворли муסיқий садо жўрлигида сиз бош қаҳрамон Байна момонинг аччиқ фожеий қисмати, мардона ҳаёт йўли билан ошно бўласиз. Энг аянчли жиҳати шундаки, тоталитар сиёсат мағрур тоғ аҳлини оломонга айлантириб улгурган — эл ожиз, ҳуркак, бефарқ, муте ҳолга тушиб қолган. Бу қишлоқ аёллари энди Алпомишлар эмас, ҳикоя қаҳрамони сўзлари билан айтганда, ҳезалаклар туғади. Бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган паҳлавон шаъни топталса, итдай хор қилиб отиб ташланса, унинг зурриёти — паҳлавон ўғлон ҳалок этилса, юртнинг асл ўғлонлари маҳв этилиб, мол-мулки талон-торож қилиниб, кечаги ювиндихўр малайлар юрт бошига келса — одам боласи чидаш мумкин бўлмаган адолатсизликлар юз берса-ю, буларни кўра била туриб оломон сукут сақласа, ҳеч гап бўлмагандай индамай юраверса! Инсон деган ном, унинг шаъни, ғурури, имон-эътиқоди қаёқда қолди, Хайриятки, қишлоқда асл инсоний туйғуларни сақлаб қололган биргина зот топилади! Бу марҳум полвоннинг жуфти ҳалоли, паҳлавон ўғлоннинг муҳтарама волидаси Байна момо. Ҳикояда оломон — бир томон, ёлғиз момо — бир томон. Момо ярим аср давомида оломондан юз ўгириб, оломон билан ўзича олишиб, оила шаъни, ғурурини баланд тутиб мардона яшайди. Бугина эмас, инсоф, диёнат, адолат, курашчанлик майллари сўниб битган бу юртда кўнглида интиқом туйғусини сақлаб қололган ягона зот ҳам — шу момо бўлиб чиқади. Эри ва ўғли қотили, мустабидлар малайи Замон отбоқарни чавақлаб, не-не гуноҳ ишларни адо этган, табаррук зотлар қони билан беланган манфур бармоқларидан жудо этади. Бу кўримсиз, эътиборсиз, одамлардан, оломондан четда кўплар учун тушуниксиз ва мавҳум умр кечирган бир аёл зоти кўнглида, танида шу қадар алам, армон, изтироб, юксак ғурур, катта куч, қатъият, интиқом туйғулари тажассумини кўриб ҳайратга тушасиз. Ҳаётнинг ўзидан, энг қуйи қатламидан олинган бу оддий онахон ҳикоя давомида афсонавий улуг бир сиймо даражасига кўтарилади. Муаллиф бунга ҳеч қанақа зўрма-зўракиликсиз, табиий бир йўсинда эришади.

Ниҳоят, сўнги йиллар ўзбек шеърлятида жиддий

ҳодиса сифатида тан олинган Шавкат Раҳмон «Сайланма»си ва унинг лирик қаҳрамони ҳақида икки оғиз сўз. Шоир ҳаётлик чоғида, саломатлик йилларида, очиги, унга, ижодига кўпам эътибор бермадик. Тўғри, унинг тўпламларига тақризлар чиқарди, айрим шеърлари те-варагида қизгин баҳслар бўлганди. Бироқ шоирнинг 70—80-йиллар ўзбек шеърлятидаги салмоқдор ўрни, ўзига хос овози, ижодий шижоати, жасорати етарли баҳосини олмади. Бугина эмас, сиртдан осойишта, му-лойим, ботинан муросасиз курашчи, эл-юрт, миллағ ғамида ёнган, бироқ қайноқ туйғуларини ошкора бай-роқ қилишни ор деб билган ғаройиб табнат шоир шахси ҳам кўплар учун жумбоқлиғича қолди. Фақат шоир умрининг сўнгги ойларида, оғир хасталик чоғларида бирдан кўзимиз очилгандай бўлди; давосиз дард би-лан ўжарларча мардона олиша-олиша озиб-тўзиб кет-ган, «осмон тўла ҳаволар фақат менга етмайди», «танам қимир этмайди» деб зорланса-да, сўнгги дақиқаларга қадар муъжиза юз беришига, соғайиб кетишига, кўн-гилдаги кўп эзгу туйғуларини рўёбга чиқаришига умид билан қараган, ҳаётга, курашга ташна бу соддадил ва жасур зот ҳатто уни яқиндан билганларни ҳам лол қолдирди. 1996 йил кузида касалхонада ётганида бир неча бор унинг ҳузурида бўлган эдим. Фахрий унвон билан тақдирланган куни биринчилардан бўлиб уни табрикладим. У бундан миннатдорлигини билдирди, айна пайтда қандайдир афсус ила «Шу иш ўн йил ол-дин бўлганда эди...» деди. «Ўн йил бурун бўлганда, эҳтимол бугунги Шавкат Раҳмон деган шоир бўлмас-ди» дедим ҳазил аралаш. «Ҳа, бу ёғи ҳам бор» дедию, шу заҳоти «Бунақа унвону мукофотлар, барибир мени ўзгартира олмасди» дея илова қилди...

Шоирнинг оғир хаста чоғларидаги ҳолатини эсла-сам, негадир «Китлар худоси»даги жасур йигитнинг сўнгги дамлари кўз олдимга келаверади: таажжуб, реал ҳаёт одами билан олис бир юрт адиби ҳикояси қаҳрамони орасида бу қадар муштараклик...

Ўша оғир дамларда шоир шахсини, табиатини яқин-дан англаганимиз ҳолда унинг шеърлятини ҳам ўзимиз-ча янғидан кашф эта бошладик. Шоир шахси қандай бўлса шеърляти ҳам ўшандай бўлади, деган нақл бор. Бу гап барча шоирларга бирдек тўғри келавермайди. Бироқ бу нақл Шавкат Раҳмонга тўлаллиғича дахлдор-дир. Шавкат Раҳмон шахси қандай бўлса, шеърляти-даги лирик қаҳрамони ҳам ўшандай. «Сайланма»ни ва-

рақлаб кўринг, илк шеърларидан тортиб сўнгги мисраларигача шоирнинг қалби, табиати, бутун борлиги — вазиятга қараб товланавермайдиган мустаҳкам эътиқоди, содда ва мағрур, курашчан ва жасур бир сиймоси мана мен деб турибди. Бир шеърда у «Мен жангчи эмасдим, мен шоир эдим, ниҳоят шоирдан кўра зобитман» деб ёзган эди. Дарвоқе у «рубобий шеър»лар ёзишни, «ҳамиша мусаффо чаманни кўриш»ни орзу қилар эди. Бироқ қисмат, «маслакфурушлар» қилмиши, улар билан бўлган «бесамар жанглар» шоирни шеъриятда жангчига, зобитга айлантирди. «Сайланма»даги шеърлар мисолида аср бошида Чўлпон шеъриятида намоён бўлган курашчан исёнкорона миллий руҳ аср сўнггида ҳам сўнмагани, қайта куч олгани, қадр-қимматини асло йўқотмаганига иқрор бўласиз. Бугунги ўзбек шеъриятининг сероҳанг, сержило симфониясида Шавкат Раҳмон отли шоирнинг бетакрор кучли ва мағрур садоси ҳам борлиги миллий адабиётимизнинг, миллатимизнинг катта бойлиги ва ифтихоридир.

Миллатнинг асл курашчан руҳини, гўзал хислатларини, қудратини намоён этишдан иборат бу бебаҳо тамайил ҳар қанча ардоққа лойиқдир.



## БАҚО БУСАҒАСИДАГИ НИДО

Ҳазрат Навоийнинг шундай сатрлари бор:

Қўп ўқудум Вомику Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

Улуғ шоир ўз ҳаётини, ижодий тажрибасидан келиб чиқиб айтган бу сўзларда сўз санъатининг ғоят муҳим қонуниятини, сир-симоати очилган. Биламизки, бадиий адабиётда ёзувчи-шоир ижодий фантазиясининг, малака-санъаткорлигининг аҳамияти, роли катта; бетиним изланиш, ўқиш-ўрганиш, ўй-мушоҳада, малака, машаққатли меҳнат орқали ҳам яхши асарлар яратавериш мумкин. Адабиёт тарихида ўзлигини, шахсиятини тийиб, замона зуғумларидан, дунё ташвишларидан ўзни четга олиб, бошга тушган кулфатларни ичга ютиб, нуқул адабий анъаналар изидан бориб «соф санъат» асарлари яратиш билан машғул бўлган ижодкорлар кўп ўтган. Шу билан баробар, бевосита «ўз иши», ўз шахсий ҳаёти, бошдан кечирган «бул ажаб» саргузаштлар, мушкул савдолар, ҳаётида, кўнглида чуқур из қолдирган, ҳаётини ост-уст қилиб юборган ҳодисалар таъсирида майдонга келган асарларнинг файзи-шукуҳи ўзгача бўлади. Навоий, Бобур, Машраб, Нодири, шунингдек асримизнинг аллома адиблари — Қодирий, Чўлпон, Фитрат бисотидан бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Буни қарангки, сўз санъати ўта ижтимоийлашган, ижодкор шахсиятини, ўзлигини намоён этиш имконияти чекланган шўролар даврида ҳам, барибир, бадииятнинг бу сирли қонуниятини амал қилишда давом этган. Ойбекнинг ўнлаб рубобий шеърлари, Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» ва «Соғиниш»и, Миртемирнинг «Сурат» лирик қиссаси «Онагинам» марсияси, М. Шайхзоданинг «Хиёбон» китоби, С. Зуннувананинг мунгли ва мардона ҳасби ҳоллари — яна бир талай шу каби асарлар XX аср ўзбек шеъриятининг дурдоналари саналади.

Бу хил асарлар сўз санъатининг яна бир ғаройиб шеvasи устида ўйлашга ундайди: Бошқа соҳаларда бошга тушган шахсий кулфат киши қисматининг заводи

булиши, бадий ижодда эса ижодкорнинг шахсий бахт-сизлиги, қайғуси гоҳо адабиётнинг бахтига айланиши мумкин. Мана шу ғаройбот ижодкорларнинг ўзларини ҳам ҳайратга солган. Чунончи улуғ олмон шоири Ҳенрих Ҳейне шундай ёзган:

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,  
Қайғумни гапириб берган вақтимда.  
Мени алқамаган киши қолмади,  
Қайғумни назмга терган вақтимда...

Чўлпон мана шу ҳолатдан ҳайратга тушиб улуғ шоирнинг шу сатрларини 1927 йили ўзбекчага ағдарган эди.

Азиз ўқувчи! Шу мухтасар «дебоча»дан сўнг асосий мақсадга кўчсак бўлар. Мақсад эса XX аср ўзбек, балки жаҳон шеъриятининг таниқли намояндаси Зулфия ва унинг сўнгги қалб нидоси, ҳасби ҳоли «Хотирам синиқлари» достони ҳақида сўз айтишдир. Менинг назаримда, Зулфиянинг умр бўйи яратган асарлари бир дунё бўлса, бу мўъжаз достоннинг ўзи яна бир дунё!

Биламизки, Ҳамид Олимжон ҳалокати Зулфиянинг шахсий ҳаётида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирди; Миртемир айтганидай, Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оловда баробар ёнди; Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранглаган шеърлар кишини лол қолдиргудек, айрилиқнинг куйдирувчи аламлари, «ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди». Гапнинг очиги, айни ўша «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Гуллар очилганда», «Висол», «Не балога этдинг мубтало», «Кўрганмидинг кўзларимда ёш», «Сенсиз» каби ҳижрон туркумини ташкил этган шеърлар Зулфияни ўзига хос шоира сифатида элга танитди, асримиз шеъриятининг кўркам намуналари қаторидан ўрин олди. Шахсий мусибат оловида туғилган бу ёниқ шеърлар яна узоқ йиллар қалбларга ҳаяжон солажак, теран баҳс-мулоҳазаларга озиқ беражак.

«Хотирам синиқлари» шоира шахсий ҳаётига дахлдор яна бир фожеий ҳодиса, 37 йилги Сталин қатағони, бу мудҳиш фалокатнинг шоира туғилиб ўсган хонадонга келтирган мусибати ҳақида баҳс этади. Йўқ, бу асар бир оила бошига тушган мусибат ҳақидаги шунчаки ахборот, мусибат тафсилотларининг шеърий баёни эмас, балки чексиз мусибатнинг поэтик сурати, бадий таҳлили, олтмиш йил юзага чиқмай бўғизда тош бўлиб ётган

йўқлов, қалб тубидаги оҳлари, мусибатдан ўртанган қалбнинг фиғони, алам-армонларга тўла ўй-мушоҳадалари изҳоридир.

Адабий давраларда шундай нақл юради: улкан адиблар аввало Оллоҳ, қолаверса, тарих зиммага юклаган вазифани адо этмагунча тарих саҳнасида, бу фоний дунёдан кетмайдилар. Қодирий гўё бу дунёга «Ўткан кунлар»ни, Чўлпон эрк лирикасини, «Кеча ва Кундуз»ни, Фитрат «Абулфайзхон»ни яратиш учун келгани каби Зулфия опа ҳижрон туркумини ва «Хотирам синиқлари»ни яратиш учун келгандай туюлади. «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри билан «Хотирам синиқлари» ёзилган муддат орасида роппа-роса ярим аср вақт ўтибди. 81 ёшлик узоқ умри Оллоҳ шоирага шу дostonни яратиб қолдириш учун бергандек туюлади.

Бу дostonни А. Ахматованинг «Марсия» шеърий туркумига, А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» поэмасига ўхшатувчилар бўлди. Дарҳақиқат, «Хотирам синиқлари»да ўша машҳур асарлар билан муштарак жиҳатлар мавжуд. Бироқ бу дoston адабий таъсир, анъаналар қолипига сиғмайдиган, фақатгина шоира Зулфия айтиши, ёзиши мумкин бўлган, ёзмаса бўлмайдиган асардир. Яна бир муҳим жиҳат — бу асар шоиранинг бутун ижоди давомида деярли кўринмаган, балким авваллари изҳор этиш мумкин бўлмаган нозик ва ўта самимий илоҳий-исломий руҳ билан йўғрилган. Олтмиш йил қалб тубида қўрғошиндай ётган алам-армон баҳонасида шоира ўзи босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўл, ўзининг «бул ажаб ишлари» ҳақида яратганининг олдида ҳисоб бераётгандай бўлади; ўзи ишонган, амал қилган эътиқод, ёлғон, таги пуч ақидалар йўлида зое кетган умид ва меҳнатлар, билиб-билмай қилган гуноҳлар хусусида афсус-надоматлар чекади, мардона туриб ўз ҳаётини тафтишдан ўтказди; шу пайтга қадар «айтилмаган алам, ёзилмаган шеър, олинмаган қасос — юрак титроқлари»ни, қалб исёнини изҳор этади, сўнгги энг азиз дил сўзларини тўкиб солади. Бир сўз билан айтганда, бу дoston шоиранинг умри ниҳоясидаги, бақо бўсағасидаги қалб нидоси, муножати дир.

Дostonда биринчи галда шоира қалбига яқин энг азиз одамлар — қатагон қурбони Ака, аламдийда Она, Ота, улар табиатига хос энг муҳим хусусиятлар устида гап боради. Шоира Акадан сўз очар экан, унинг кўзидаги оташ, жонидаги қуёш, султонликка лойиқ келбат, маёқат, сардорники янглиғ бардошига урғу беради; 30-

йилларнинг «қора тун»ларида миллатнинг бундай алли ўғлонларига «ёруғ кун» йўқ эди.

Сизни-ла қора тун олдилармикин,  
Қўлингизга кишан солдилармикин,  
Юкиниш, ялинчмас — ғурурни кўриб,  
Ваҳший ғазабларда ёндилармикин?!

Бу мусибат туфайли Она, Ота не ҳолларга тушгани маълум, бирсқ сингилнинг мотами уларникидан-да кам эмас, чунки сингилнинг акага меҳри ўзгача бўлади, сингилни «меҳрдан бино» бўлган дейдилар:

Ака, жоним акам — жондошим акам,  
Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайин,  
Бўғзимда тош бўлган йўқловларимни  
«Оҳ»ларим эритар — айтиб йиғлайин.

На илож, ўша кезларда сингил кўнглидаги меҳрнинг кучи «кўз ёшга» етади холос, дилдаги нафрат, ўчини «гуноҳсиз жон»нинг қотилларига ўқ қилиб отишдан нарига ўтмайди, ўтолмайди.

«Қароғида меҳр шамлари ёниқ» Она ҳақида шоира авваллари ҳам эҳтиром билан ёзган; бироқ онасининг «гуллаган ўрикдай ораста отин» экани, «Сўфи Оллоёр, девона Машраб баёзларин ўпиб қўлга олиши» шу сўфий шоирларнинг шеърлари ўқилганда гўё бутун кoinот шуълага тўлгани, айна ўша сеҳр оғушида мурғак қизалоқ кўнглида қўшиқ айтиш ҳаваси уйғонгани тўғрисида биринчи бор сўзлайди. Рўй берган кулфат туфайли энг кўп озор чеккан шахс — Она экани аён; бироқ шоира асарда Онанинг дил фарёдлари, тўккан кўз ёшлари ҳақида ошкора гапириб ўтирмайди; унинг ўша кезлардаги ҳолати, хатти-ҳаракатини ўта ихчам тарзда шундай чизади:

Онам қўлларида муштдай тугунчак,  
Тош шаҳарни кезар авахта излаб...

Бу ҳолат, хатти-ҳаракат ошкора изҳор этилган узундан-узоқ дод-фарёдлардан, кўз ёшлардан кўра кучлироқ таъсирчанлик касб этади. Кейинги сатрлар Онанинг аянчли ҳолати, фожиаси миқёсини янада кенгайтиради:

Авахта нечадир, зор она неча,  
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.

Сўз Ота устига кўчганда, ундаги чидам, бардош алоҳида таъкидланади; шоира «пўлат, оловдан, метиндан

яралган жон» — Ота иродаси ҳақида ҳар қанча ҳайрат билан сўзламасин, бу одамнинг «кекса кўзлари»да «қотган кўз ёшлар», «бу сокин жуссани» ичдан кемираётган дардни кўнгилда туйиб туради. Мана бу ҳолат, манзарага жо бўлган «дард-аламлар» ҳам ошкора оҳ-воҳлар; кўз ёшларга кўра юз чандон таъсирчанроқ:

Қуни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,  
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.  
Биз ночор бир-бирга эзилиб боқиб,  
Сукут денгизига оғир ботардик.

Отанинг ўша мудҳиш ва мушкул дамлардаги ҳолати, бир томондан, шоирани ҳайратга солса, иккинчи томондан, аламли ўйларга, балким баҳсларга ундайди:

Қолганда азоблар исканжасида,  
Ота, бир кўрмадик кўзингизда ёш.  
Яшаб умидларнинг пок саждасида,  
Ҳатто ёвингизга отмадингиз тош.  
Ва фақат дедингиз: «Солдим худога»...

Отага ҳурмат, эҳтиром қанчалар чексиз бўлмасин, Отанинг сўнгги сўзидан кейин шоиранинг исёнкор қалби жим туриши мумкин эмас; «Бу қирғин дояси худосизлар-ку» дея ҳайқиради! Қирғин дояси қўли билан «Муҳташам бинода сирли, яширин Алп йигитларга» гўр қазилаётган, «Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида» «миллатнинг норғул ўғлонлари» қушдай қирилаётган бир пайтда «сабр, қаноатдан яралган эл» ва унинг Ота каби фарзандлари бу худосизлар ишини «худога солиб» ўтираверса чидаш мумкинми! Шоира ёниб айтмоқчи, ахир ҳаётда «Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ излар-ку!» Шоира энди Ота қолиб ғофил эл билан баҳслашишга ўтади:

Сен эса яшардинг мисоли тушда,  
Туртиниб ғофиллик туманларида...

Достон муаллифи шу тариқа бир оила ва бутун бошли юрт бошига тушган мусибатли йиллар, ўша кезлардаги эл-юрт ва айрим шахслар руҳияти, кайфияти манзараларини чизар экан, улар фонида ўзининг мухтасар ҳаёт йўли ва руҳий биографиясини ҳикоя қилади; «ҳикоя қилади» дейиш достондаги ўша образлар қудратила чизилган бетакрор ва нафис манзараларни жўнлаштириш бўлар эди.

Шоира ҳаёти, қарашларидаги бурилиш паллалари ифодасида ҳам, одатдагидек, мухтасар ва ўта кўркем

образли иборалар қалашиб келаверади; «Жангдан сўнг хорғин саркарда Тирик аскарларин тизгандай қатор — Мен тирик ҳисларим бир жойга йиғдим Ва кучли яшашга айладим қарор» — шоиранинг ўша кезлардаги ҳолати, ҳаётидаги бурилиш палласи, яшаш ақидаси ҳақида бундан ошириб, муҳими, аниқ қилиб айтиш мумкинми?!

Шоиранинг бундан кейинги «кучли яшаш» шиори остида кечган ҳаёти, интилиш, курашлари манзараси янада мухтасар, шу билан баробар армон-ўкинчларга мўл:

Юртни бўрон бўлиб кездим бош-оёқ,  
Қабристонлар аро қуюндай юрдим.  
Энг кичик гиёҳ ҳам наздимда уйғоқ,  
Фақат эл-юртни сукутда кўрдим.

Шу тариқа шоира боя бошланган «Ғофиллик туманларида туртиниб» яшаётган эл устидаги баҳсга яна қайтади; ғафлатда, сукутда қолган шу эл-юртнинг бир фарзанди бўлмиш шоиранинг ўзи ҳам тафтиш нишонига айланади, ғоят аёвсиз, шафқатсиз мисралар биринкетин қуйилиб келаверади; шоира ҳукмича, кўзинг кўр бўлса ёмон алам, «Лекин сўқир диллик — ундан-да даҳшат». Бунинг исботи шуки, «Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат». Аламлар устига аламлар уланаверади: «Янги ҳаёт» дебмиз ўша кунларни, Беталаб, бенолиш яшабмиз кўп йил»; «Ватанпарвар» дебмиз ўз-ўзимизни, Денгизлар қурибди, чирибди балиқ; «Бир ўйлаб кўрмабмиз бу юрт ҳокимин, Лаби кулиб, нечун ранг-рўйи заҳил?! Тожи йўқ подшодай сездими ўзин» — дoston мутолааси жараёнида аминманки, ўша йилларга шоҳид ҳар бир эслихушли, виждонли ўқувчи дилидан ҳам шундай аламли саволлар ўтажак... Мана бу сатрлар ўша аламли саволларга ўзига хос якун тарзида янграйди:

... Эй гумбазигардун, қолдимми ғофил,  
Ишонч, эътиқодлар чиқди пучларга?!  
Суяниб нажотлар кутгандик, наҳот,  
Бизга чоҳ қазиган қора кучларга?!

Айни ана шу аламли саволлар асносида шоира энг улуғ ҳакам — Оллоҳга муножатиини бошлайди, бундай кўргуликларнинг боиси эл-юртнинг Оллоҳ назаридан қолишида эмасмикин, деган тахмин-гумонларга боради:

«Инсонсан, бошингни кўтар», демабди,  
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, холиқ?

Жаҳон адабиёти тарихидан яхши биламиз, кўп улўғ сўз усталари ўзларини Оллоҳга яқин олиб, Оллоҳ олдида бир оз эркалик қилиб баъзан у билан баҳслашишга аҳд қиладилар. Зулфия опа ҳам аини шу анъанага амал қилиб асар давомида ўзи танқидий тафтишдан ўтказган гуноҳкор эл-юрт ва шахсан ўзининг ҳимояси йўлида сўзлар айтишга, бунинг учун мантиқий далиллар келтиришга журъат этади:

Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,  
Иймону ишончлар — бутун, беиллат.  
Қилолмас эди-ку шайтон даллоллик,  
Илму ҳикматларга ёр эди миллат.

Бевосита ўзи ҳақида ҳисоб бераркан: «Қай бири вазминроқ: савобми — гуноҳ, Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари... Бу дунёда кўрган азоб, кўз ёшлар Савоб посонгисин хиёл босарми? Гумроҳлик палласин тўлдирса тошлар, Энг баланд дорига мени осарми?!» деган саволлар кўнглидан ўтади ва дoston муаллифи ўз ҳимояси учун энг асосий далил-исботини айтади:

Куйганман. Бош-оёқ куюк жисмимнинг —  
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...

Бу энди жаҳон шеъриятида сийрак учрайдиган исён-корона сатрлар сирасидан. Бу сатрлардаги исёнкорона руҳ ҳар қанча кескин бўлмасин, улар ўта самимийлиги туфайли шахсан менга шаккокликдан ҳоли туюлади. Шоиранинг ўзи ҳам одамларга мурожаат этиб «Билмайман, савобми ё кони гуноҳ, Зинҳор шаккокликка йўйманг тилагим» дея илтижо қилади. Шоиранинг одамларга қарата айтган сўнгги сўзи, тилаги, васияти ҳам исёнкорона ва ўта самимий:

Жасадим дарёга ташланг, руҳим пок,  
Оби раҳматларда совусин таним...

Фақат виждони, дили пок суюкли бандагина бундай сўзларни айтишга журъат эта олади.

Одамга алам қиладиган жиҳати шундаки, XX асрга деярли тенгдош улўғ адибамизнинг жаҳоний миқёсларда туриб асримиз фожиалари ҳақида айтган бу дил сўзлари, умр сарҳисоби, бақо остонасидаги бу нидовидоси, мана уч йилдирки танқидчилар эътиборидан деярли четда қолиб келмоқда. Дoston «Халқ сўзи»нинг 1995 йил 1 март сонидан эълон этилган эди. Уша йили май ойида Аграр университетидан Зулфия опанинг 80

йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий анжуманда мен ҳам иштирок этиб, «Хотирам синиқлари» достони ҳақида бир оз ҳаяжонланиб сўзлаган, Республика Таълим маркази ўзбек адабиёти кенгаши раҳбари сифатида шоирадан шу дostonни мактаб адабиёт дарслигига киритиш учун рухсат-изн беришларини сўраган эдим. Зулфия опа ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб бу таклифга розилик билдирган эдилар. Бу ноёб асар ҳозир такомиллаштирилаётган янги мактаб адабиёт дастури, дарсликларидан ўрин олишига, мустақил мамлакат миллат фарзандлари қалб мулкига айланажагига шубҳа йўқ.



## ХОТИРАЛАР ЖОЗИБАСИ

Атоқли адибимиз Саид Аҳмад «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ғоят кўркам, замонавий услубда чоп этган «Иўқотганларим ва топганларим» китобидан бирини менга шундай дастхат билан тақдим этдилар: «Ҳурматли Умарали! Ушбу китобга кирган ёзувчиларнинг ҳаммаси билан таниш бўлгансиз. Китобдаги гапларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилиги сизга аён».

Бошда бу сўзлар менга нисбатан ошириброқ айтилгандай туюлди. Мен ҳамон ўзимни Саид Аҳмаддай оқсоқол адиблар қаршисида ёш боладай ҳис этарканман. Дўппини бошдан олиб мундоқ ўйлаб қарасам, мен ҳам етмишни қоралаб қўйибман, салкам ярим асрлик умрим Тошкентда, адабий ҳаёт ичида, адиблар, адабиётшунос олимлар даврасида ўтибди. Дарҳақиқат 30—40-йиллар воқеаларини, 50-йилларгача яшаб ўтган қаламкашларни мустасно этганда китобда тилга олинган барча адиблар, улар ҳаёти, ижоди билан боғлиқ гап-сўзлар менга таниш экан. Гарчи адабий ҳаётда 50-йилларгача бўлиб ўтган воқеалар, яшаб ўтган қаламкашлар билан боғлиқ ҳодисаларнинг бевосита шоҳиди бўлмасам-да, шу воқеа, ҳодисалар шоҳиди бўлган табаррук зотларнинг хотира, ҳикояларини кўп бор эшитганман. Бинобарин, адибимиз мени китобдаги гапларнинг тўғри-нотўғрилигини тасдиқлаш учун гувоҳликка ундаётган экан, бунда муайян асос бор.

Дадил айта оламанки, аср охирида пайдо бўлган бу китоб маънавий-маданий, адабий ҳаётимизда жиддий ҳодисадир; сал бурунроқ майдонга келган Кибриё Қаҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас», Ҳабибулло Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари», Зарифа Саидносиорованинг «Ойбегим менинг» асарлари билан биргаликда бу китоб XX аср ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин, ўзига хос жонли лавҳаларидир. Уларни бемалол жаҳон адабиётининг буюк намояндалари ҳақида битилган шу хилдаги энг яхши эссе-хотира китоблари қаторига қўйиш мумкин. Бу китобларсиз бугунги кунда миллий адабиётимиз тарихини тўла тасаввур этиш қийин. Қани энди «Ёшлик»да эълон этилган «Қодирийнинг сўнгги

кунлари» ҳам китоб ҳолида чиқса-ю, бу ноёб асарлар ҳар доим адабиёт муаллимларининг иш столи устида турса, XX аср ўзбек адабиёти дарсликларига илова тарзида олий ўқув юртлари талабаларига, мактаб ўқувчиларига тавсия этилса, ҳар бир мактаб кутубхонасидан уларни топиб ўқиш имкони бўлса.

Бу асарларнинг ҳам муштарак, ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Энг асосий муштарак жиҳат шундаки, улар ошкоралик ва истиқлол даври маҳсули, неъмат сифатида авваллари яратилган хотира, эсселардан фарқли ўлароқ бошдан-оёқ мардона ҳақиқат руҳи билан йўғрилган. Фарқли жиҳатлари шундаки, К. Қаҳҳорова, Ҳ. Қодирий ва З. Саидносирова асарлари марказида асосан бир шахс — «Қодирийнинг сўнги кунлари»да Қодирий, «Чорак аср ҳамнафас»да Қаҳҳор, «Ойбегим менинг»да Ойбек сиймоси турса, Саид Аҳмад китоби муаллифнинг ўнлаб устоз адиблар, тенгдошлари, ўз умр йўлдоши — аломат шоира Саида Зуннуова ҳақидаги хотиралари, шогирдлари ижоди хусусидаги кузатиш ўйларида, шунингдек, ўзининг ҳаёт ва ижод йўли, тажрибаларига доир мулоҳазаларидан ташкил тоиган. Китобда Ойбекнинг муаллифга айтган шундай маслаҳатлари келтирилади: «Сиз Гафур билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз ҳаммасини ёзинг. Шеърларини маъносини чақаман, деб уринманг. Бу гапларни адабиётшуносликка қўйиб беринг. Гафурнинг ўзи қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг...» Саид Аҳмад фақат Ғ. Ғулум эмас, бошқа устоз адиблар, тенгдошлари, Саида Зуннуова тўғрисидаги хотираларида ҳам айни шу Ойбек маслаҳатига амал қилади. «Устозларимизнинг умри фақат минбарларда, олқишу гулдурос қарсақлар остида ўтган эмас, оддий бир инсон сифатида, ғам-андух чеккан пайтлари ҳам, дилига озор берган дўстларидан ранжиган дамлари ҳам кўп бўлган», — деб ёзади адиб. Қисқаси, устозлари ҳақида нимаики билса ҳаммасини қоғозга тушириш, устозларнинг ўзи ҳаётда қандай бўлса шундайича ёзиш, уларни оддий инсон сифатида бор ҳолича кўрсатиш, улар яшаган йиллардаги мудҳиш вазият, жоҳилона адабий сиёсатни, ижодкорлар орасидаги қутқу, зиддият ва чигал муносабатларни бутун кескинлиги, шафқатсизликлари билан гавдалантириш муаллифнинг бош мақсадига айланади.

Ёзувчи-ижодкор шахсини ўрганиш, тадқиқ этиш — бизнинг адабиётшунослигимиздаги энг оқсоқ соҳалардан

бири. Адабиёт дарсликларидаги машҳур адиблар ҳаёти талқинини бир эслаб кўринг. Гарчи уларда ёзувчи ҳаёт йўли — биографиясига оид факт-ҳодисалар анча кенг баён этилса-да, улар шахсияти хусусида деярли ҳеч нарса айтилмайди; чунончи, бир авлодга мансуб тенгдош адиблар, масалан, Қодирий, Чўлпон, Фитрат ёки Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор деярли бир хил одамлар сифатида гавдалантирилади. Бу адибларнинг шахс-инсон сифатидаги фарқи уларнинг дунёқараши, ижодининг мафкуравий асосига қараб белгиланади, айтайлик, Қодирий, Чўлпон, Фитрат жадида экани, марксизмни қабул қилмагани ёки унга тўла етиб келолмагани, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳорлар эса чин шўро ёзувчилари бўлгани, аксар ҳолларда асарларида коммунистик мафкурага таяниб «синфийлик» принципи асосида иш кўрганликлари таъкидланади. Шу билан гап тамом, вассалом. Шу тариқа адабиётшунослар талқинида бизга асрдош адиблар ҳаддан ташқари ижтимоийлаштирилган, ўта сипо тарзида гавдаланади. Биз Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, қолаверса, Саид Аҳмад, О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Р. Парфи аслида қанақа одамлар эканини билганимиз ҳолда улар ҳақида ёзганда ўзимизни билмасликка олиб, кўпинча одат тусини олган расмий андазалар доирасида иш кўраверар эдик. Фақат 80-йилларга келиб шу андазадан чиқишга уринишлар бўлди, дастлаб бу ҳол баъзи бировларни саросимага солиб қўйди. Ёдимда, Кибриё опа Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотиралар китоби қўлёзмасини адибнинг бир қатор тенгдошларига фикр-маслаҳат учун ўқишга берганида қизиқ ҳол юз берган эди. Опанинг айтишича, хотиралар уларга мутлақо маъқул тушмаган. Уларнинг даъвосига кўра, хотираларда шахсий, оилавий муносабатлар ифодасига кўп ўрин берилган, энг ёмони, гўё Қаҳҳор оилада, аёлларга муносабатда феодал, рашкчи одам сифатида кўрсатилган; бу ҳол жаҳонга машҳур совет ёзувчисининг шаънига доғ туширар эмиш...

Шу хил эътирозларга қарамай «Чорак аср ҳамнафас» китоб ҳолида чиқди, рус тилига таржима этилди, кенг жамоатчилик уни яхши қабул қилди; Қаҳҳорнинг шахсияти, аёлларга муносабатдаги «феодал»лиги ҳеч кимга малол келгани йўқ, бу нарса адиб шаънига заррача доғ солгани ҳам йўқ. Аксинча, адиб шахсиятига хос асарда қаламга олинган бу хил хусусиятлар, қолаверса асарга кирмай қолган Опа оғзаки ҳикоя қилиб юрадиган яна кўп шахсий-интим характердаги воқеалар

адиб ижодидаги бир қатор жумбоқли ҳолатларни, масалан, «Синчалак», «Муҳаббат», «Зилзила» каби асарларидаги аёллар образи моҳиятини англаш учун муҳим очқич — калит вазифасини ўтайди. Шахсан мен Қибриё опа келтирган маълумотлардан сўнг «Синчалак»ни қайта ўқиганимда Саида образининг бир қатор янги қирраларини ўзимча кашф эта бошладим, чунончи, Саида тимсолида муаллифнинг унга нисбатан замон таъсирида шаклланган расмий муносабат-қарашларидан ташқари адиб қалби тубидаги, З. Фрейд ибораси билан айтганда, онг-идрокдан ташқаридаги ўта нозик шахсий, интим майллари ҳам ҳайратда қолар даражада ёрқин ифодасини топганлигини пайқай бошладим.

Саид Аҳмад китобидаги хотиралар, хусусан, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Зуннунова шахсиятига оид кўпдан кўп нозик кузатиш, маълумотлар айна шу жиҳатдан адабиёт фани учун бебаҳо ҳужжатлардир. Энг муҳими, китобда келтирилган маълумот, кузатишлар гарчи адиблар фазилатини таъкидлашга қаратилган бўлса-да, улар ижодининг фақат ёрқин, кучли томонларинигина эмас, ожиз, зиддиятли жиҳатларини ҳам англаб етишга, шунингдек, умуман бадиий ижоднинг ички, сирли-сеҳрли қонуниятларини теранроқ идрок этишга имкон беради. Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода сингари улкан сўз усталари машъум тоталитар режим шароитида ижод этдилар, даврнинг ҳукмрон мафкурасини беихтиёр қабул қилдилар, қатор асарларида билиб-билмай, ихтиёрий-ихтиёрсиз шўро сиёсатини ўтказдилар. Очиғини айтиш керак, ўзаро мулоқатларда шу нарсани аниқ сезар эдикки, улар қалбининг туб-тубида замон сиёсати, ижтимоий тузум билан ички бир зиддият аниқ сезилиб турарди, айниқса, бу нарса Қаҳҳорда жуда ёрқин кўринар, ҳар бир гапи албатта киноя-кесатиқ, пичинг билан йўғрилган бўларди. Бу туйғу-кайфият асарларига ҳам кўчиб ўтарди. Инсоф билан айтганда ҳатто Қаҳҳорнинг айрим танқидчилар таъна қилаётганларидек, «синфий позиция»да туриб ёзилган, «миллатчиларни фош этиш»га қаратилган асарларида ҳам тоталитар тизимнинг ички зиддиятларини кўрсатиш, очиб бериш шу тизимга ошкора қарши турган адиблар асарларидагидан асло кам эмас. Ғ. Ғуломнинг ўзини афандиларча гўлликка солиб сиёсатдан йироқроқ туриши, хазил-мутойибалар билан ўзини овутишида, қатор шеърларини ички дард билан эмас, оёқ устида турли таҳририятлар буюртмаси билан ёзганлигида ҳам қандайдир

мавжуд режимга ўзига хос муносабат мавжуд. Саид Аҳмад хотираларида бу ҳолни баралла кўриб, ҳис этиб гурасиз.

Адабиёт тарихида хотира ёзган, эссе жанрида қалам тебратганлар кўпу, бироқ бу йўлда шуҳрат топган адиблар ниҳоятда кам. Назаримда ёзувчининг табиати, истеъдод йўналиши ўзи танлаган жанр-шаклга мос тушсагина бисотини тўлароқ намоён этолса керак. Биламизки, хотира, эссе субъектив ва эркин жанр. Саид Аҳмад табиатан қолипларга тушмайдиган, Саида Зуннунова таърифи билан айтганда, талабларни суймайдиган, ўғитларни хушламайдиган ўйинқароқ, бевош бир одам. Шу жиҳатдан эссе, хотира унинг табиатига ниҳоятда мос тушган. Китобда муаллиф ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади, яйраб-ёзилиб, эркаланиб қалам тебратди. Бу ҳол — мазкур китобни ўта ҳаётий, жозибадор этган омиллардан бири. Дарҳақиқат XX аср ўзбек адабиётида Ойбек, Айний, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳордек устозлар ёнида, ўз тенгдошлари даврасида бу қадар эркин, эркатой бўлиш бахти Саид Аҳмадгагина насиб этди. Бинобарин шу хилда эркин ва эркаланиб ёзиш учун Саид Аҳмад ҳар жиҳатдан ҳақли.

Саид Аҳмад табиатига, истеъдод йўналишига хос яна бир жиҳат — у ҳам лирик, ҳам юморист, кулги, ҳазил-мутойибага ниҳоятда ўч афанди табиат қалам соҳиби эканлигидадир. Бу жиҳатдан Ғафур Ғуломдан кейин унга тенг келадиган адиб бу асрда бошқа чиқмади. Мана шу хусусият унинг хотира ва эсселарига яна бир ажиб жозоба бахш этган. У адиблар шахсий фазилати, ҳаёти, қисматига оид драматик, фожеий лавҳаларни бамисоли шоир бўлиб эҳтирос билан қаламга олади; айна пайтда жиддий ҳодисалар, одамлараро кескин зиддият, тўқнашувлар асносида ҳам қандайдир кулгили ҳолатларни топиб тасвирлайди. Ойбек умрининг сўнгги кунлари... Улуғ адибнинг ўз ҳовлисида, дарахт соясида тилсиз-забонсиз, оғир хаста, афтодаҳол, тушкун ва тажанг бир кайфиятда шифокорлар маслаҳатига кўра чирманда чертиб ўтирганини кўриб юрак бағрингиз эзилиб кетади. Саид Аҳмад Зарифахонининг илтимоси билан бу хонадонга Ойбекнинг кўнглини ёзиш учун кирган. У ўз табиати, одатига кўра қизиқ-қизиқ ҳангамаларни бошлайди; Мирзакалон Исмоилийнинг 60 йиллик юбилейида саҳнада шимининг тугмаси узилиб кетганини бир оз муболағадор қилиб сўзлайди, сўнг Ғ. Ғуломнинг бир раис ошнасиникига Ҳабибийни

Навой деб олиб боргани, раис «Навой»га тўн кийдиргани воқеасини айтади... Шунда Ойбек ҳолат-кайфияти бирдан ўзгаради, Саид Аҳмад айтган ҳангамаларни тинглаб қотиб-қотиб, силкиниб-силкиниб кула бошлайди; бу вазиятдан фойдаланган ёзувчи энди эркаланиб Ғ. Ғуломнинг Ойбек тўғрисида тўқиган латифаларига кўчади; аниқроғи, бу ўринда Саид Аҳмад жиндай қувлик-шумлик қилади, Ойбек салобати босиб ўзининг буюк адиб ҳақида тўқиган латифаларини Ғ. Ғуломга нисбат бериб, унинг панасида туриб беозор бир тарзда ҳикоя қилади... Бу хил қувноқ саҳифалар китобда кўп. Ораларидан «қора мушук» ўтиб аразлашиб юрган Ғ. Ғулом билан А. Қаҳҳорнинг Саид Аҳмад воситачилигида «ярашув» воқеаси, самолётда учишдан, ер босиб қолади; деб метрога тушишдан қўрқадиган Қуддус Муҳаммадийнинг Москвадаги қизиқ саргузаштлари, шунингдек, «Сароб», «Олтин водийдан шабадалар» муҳокамаси пайтида чаласавод кимсаларнинг бу асарларга ўринсиз ҳамласи, «Қудратли тўлқин» муҳокамасида мунофиқ, тамагир қаламкашларнинг ўзларини тутишлари тасвири—булар етук комик асарлардаги энг ёрқин юмористик лавҳалар тарзида ёдда қолади, улар билан танишганда китобхон дил-дилдан яйраб кулади.

М. Шайхзода, Миртемир, Шуҳрат ҳақидаги мухтасар хотираларда адибнинг мустабид адабий сийёсат тазйиқи туфайли етарли қадрини топмай, ҳаётда рўшнолик кўрмай ўтган замондош-тенгдошлари ҳақидаги афсус-надоматлари, армонлари таъсирчан ифодаланган. Бир қарашда хотира китобига мис эмасдай туюлган «От билан суҳбат» айни истибдод даври қурбонларининг фожиасини мажозий тарзда тажассум этади, китобга ўзига хос хотима вазифасини ўтайди.

Китобдаги Саида Зуннунова тўғрисидаги хотиралар алоҳида ички бир дард, самимият билан битилган. Булар — ҳам нурли, ҳам ҳазин, ҳам енгил ҳазил-мутойиба, ҳам жожеий оҳанглар билан йўғрилган ўзига хос насрий тарона. Уларни шунчаки хотира деб аташ камлик қилади. Уларда етук санъат асарларига хос энг муҳим фазилатларни — ёрқин характер, бетакрор шахс жумбоғи, ўзига хос ифода, оҳанг, туйғулар, ранглар товланиши, ниҳоят ҳикоячи-муаллиф сиймоси — барча-барчасини кўриш, топиш мумкин. Мазкур хотиралар адиб қаламига хос мана бундай лирик чекиниш-тароналар билан бошланади:

«Баъзан хаёл олиб кетади. Утган йўлларингга, бос-

ган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг, ҳамма-ҳамма-сини кўрасан...

Ёрқин умидлар билан йўлга отланган ҳамроҳларинг қани, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Уларнинг кўпи энди йўқ. Манзилга етолмай, жуда тиниқ, жуда шаффоф умидларини ўзлари билан олиб йўқлик деб аталмиш мангуликка кетдилар.

Сенга раҳномолик қилган устозларинг қани? Қўлингдан етаклаб ижоднинг сўнгсиз йўлларига олиб чиққан, табаррук номлари дил қатида умрбод қолиб кетган устозлар қани?»

Шу саволни қўяр экан муаллиф уч буюк сиймо номларини бирма-бир тилга олади:

«Юрган йўлларида кулги тўкилган, кирган хонадонига бир уй қувонч ташлаб кетадиган Ғафур Ғулом қани? Чақнаб турган кўзларига олам фалсафаси жо бўлган, хаёллари сўнгсиз уфқлардан ошиб ўтган доно Ойбек қани? Қаҳри метиндан қаттиқ, меҳри каптар кўксидек майин, қалами учигаги чақмоқ қоғозни куйдирадиган Абдулла Қаҳҳор қани?»

Бу гаплар адибнинг шунчаки дил розлари, йўқловлари, улуғ устозларга эҳтироми бўлиб қолмай, уларда улуғ алломалар шахсияти ва ижодига хос энг муҳим жиҳатлар мухтасар бир ҳикмат тарзида берилган. Бу алломалар ҳақида хотиралар ёзиш нисбатан осон кечган. Бироқ ҳаётдаги энг яқин кишиси, садоқатли умр йўлдоши ҳақидаги хотираларини қоғозга тушиши ўзгачароқ кечган.

«Саидахонни эслаб кетаман, — дея дил розини бошлайди адиб. — Йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўлларида бирга ҳамроҳ бўлган, биргина қизини келинлик либосида кўролмай, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда йиқилган қадрдон кимса тушларимга киради. Жавонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг отиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биламан. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан якунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен унинг хотира бўлиб қолишини асло истамайман. У менинг снгимда, хаёлимда ҳамиша тирик қолишини истайман. Начора! Ёзмоқ керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин».

Таниқли арман шоираси Силва Қапутикян мақола-ларидан бирида аёллардан даҳо шоир чиқмайди, чунки даҳо шоир даражасига кўтарилиш учун инсон бор бисотини адабиётга, шеърятга фидо этиши даркор. Чин аёл шоира эса ҳеч қачон бор бисотини шеърятга тўла фидо этолмайди, чунончи ўз вужудидан яралган фарзанди кўз ёши олдида ҳар қандай нарса, ҳатто унинг кўнгил мулки — шеърят ҳам орқа ўринга ўтиб қолади, деган фикрни айтган эди. Саид Аҳмаднинг Саида опа ҳақидаги хотираларини ўқиганда бу фикрнинг ҳақлигига яна бир карра амин бўласиз.

Саид Аҳмаднинг гувоҳлик беришича, Саида опа уйим-жойим, оилам-фарзандим деган аёллардан бўлган. Қай юртга бормасин, бир кундаёқ уйини соғиниб, кетаманга тушиб қоларкан. Қизидан айри дам олиш, роҳат-фароғат унга асло татимас экан. Унинг 1963 йили хасталаниб Трускавец курортига даволаниш учун отланиши, ҳиди келиб турсин деб қизининг битта ювилмаган қўйлагини олиб кетиши, манзилга етмай ярим йўлда уйини, боласини соғиниб ортга қайтиши, шунингдек, Иссиққўл, Болтиқбўйи сафарлари ҳам шу тарзда ўтгани ҳақидаги бир қадар кулгили воқеалар шоиранинг қанақа аёл эканини шундоққина кўрсатиб турибди. «Саиданинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эслолмайман, — дейди адиб. — Ошхонада қозон кавлаб туриб, бир қўлида шеър ёзарди. Боласининг беланчагини тебратиб ўтириб тиззасига дафтар қўйиб ёзган пайтлари кўп бўлган... Уйда сақланаётган қўлёмаларнинг кўпчилигида ёғ сачраганда, сут томганда қолган доғлар бор».

Адибнинг Саида опа табиати, руҳиятига оид яна бир кузатишлари билан танишиш фоят мароқли. Хотирада келтирилишича Саид Аҳмад ака гунафша рангни яхши кўраркан, шу рангга кўзи тушиши билан яйраб кетаркан, бутун умри кўз олдидан ўтаркан. Сабаби болалигида гунафшаранг қоғоздан варрак учираркан; кўм-кўк баҳор осмонини тўлдирган болалар учирган варраклар орасида унинг гунафшаранг варраги алоҳида ажралиб тураркан... Саида опа эса феруза рангни яхши кўраркан; такси чироғини кўрганда кўзлари яшнаб кетаркан; меҳмонга борганида феруза кўзли зирак таққан хотиннинг ёнига бориб ўтираркан... Сабабини сўраганида шоира шундай жавоб берган экан:

— Э, сиз билмайсиз. Болалигимни эсимга туширади.



Сомонли сувоқ қилинган томимизда баҳор кезлари кўрпадек бўлиб лолақизгалдоқлар очиларди. Атайин томга чиқиб чалқанча ётардим-да, осмонга тикилардим. Осмон сўнгсиз, кўм-кўк. Худди ферузага ўхшарди. Хаёлимга эҳ-ҳе, нималар келмасди ўшанда. Учиб чиқиб кетгим келарди. Негадир, ҳозирги осмонда ўшанақа тиниқ феруза ранг йўққа ўхшайди.

Бир қарашда арзимас икир-чикирлардек туюлган бу хил кузатишлар шоира табиатини, ижод психологиясини, бинобарин асарларига хос хусусиятлар илдизини англашда ниҳоятда қўл келади. Табиатга, гўзалликка, беғубор феруза осмонга шайдолик билан шоира табиатидаги поклик, беғуборлик орасида қанчалик муштараклик бор, ахир! Уша поклик рамзи бўлган феруза ранг тиниқ осмон бир умр ёдида қолган, кўнглига илҳом солган, ўнлаб асарларини бармоғидаги Шоҳимардон сафарида бир аёл ҳадя этган феруза тош қадалган узукка қараб туриб ёзган экан.

Хотираларда Саида опанинг машаққатли ҳаёт йўли мухтасар тарзда бўлса-да, хийла батафсил гавдалантирилган. Болаликдаги фақирона турмуш, отадан етим қолган бир этак укаларини боқиш ташвиши, онаси ёнига кириб чорси, дўппи тикиб кун кўришлар, институтни тугатгач, шаҳардан олис қишлоқ мактабига қатнаб ишлаш, сўнг Тошкентга келиб ўқишни давом эттириш, Саид Аҳмаддек одамга турмушга чиқиш қувончи ва ташвишлари, Саид Аҳмад қамоққа олингандан кейинги таъқиблар, тазйиқлар, хўрликлар; адиб озодликка чиққандан кейинги қувончли ва серташвиш кунлар, асарлари теварагидаги машмашалар, оилавий мусибат, кўргуликлар — барчаси бирма-бир китобхон кўз олдидан ўтади... Бир аёл, бир шоиранинг ярим асрлик ҳаёт йўлида шунчалар оғир савдолар! Саида опа баъзан эзилиб кетган пайтларида «бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман» дея ўкиниб қўяркан.

Шу тариқа тақдир бу кичик жуссали, метин иродали аёлни сийламади, оғир синовларга ташлади, қисқагина умри курашларда ўтди; турмуш машаққатлари, таъқиблар, ҳужумлар, туҳматлар, таҳқирлар, маҳрумликлар уни буколмади. Шоира ғазалларидан бирида «қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай» деган сатр бор. Шоира ҳақида бундан ошириб гапириш қийин. Саида опани яқиндан билганлар виждонни ўртага қўйиб гувоҳлик беришлари мумкин: Саид Аҳмад хотираларида шоира билан боғлиқ айтилган ҳамма гаплар рост! Балким,

одоб юзасидан муаллиф Саида опа фазилатларини кўз-кўз қилишдан ийманиб камайтириброқ кўрсатган.

Адиб Саида опа ижодига хос хусусиятлар устида тўхталпб: «Саидахон ўзи дуч келмаган, ўзи шоҳид бўлмаган, ўз бошидан кечирмаган воқеаларни қаламга олмасди. Нимаики ёзган бўлса ўз бошидан кечирган ёки ўзи шоҳид бўлган воқеалардир. Шеърларида ҳам, ҳикоя ва киссаларида ҳам ўзи кўриниб туради», — деб ёзади. Хотираларни ўқиб бунга тўла амин бўласиз. Шафқатсиз бир замонда яшаб ўтган, бошга тушган шунча кўргуликларга дош бериб, Чўлпон ибораси билан айтганда кишан киймай, бўйин эгмай, кўнгил ҳурлиги, поклигини сақлаб қололган, инсонлик, аёллик, оналик шаънини юксакликка кўтарган, айни пайтда кўнгил розларини асарлари қатига жойлашга эришган аломат инсон, шоирага замондош, асрдош, ҳатто ҳамсуҳбат бўлганинг билан фахрланасан киши. Эҳтимол, аёл зоти ижод бобида, шоира айтмоқчи даҳо бўлолмас, бироқ инсонийлик бобида шу даражага кўтарилиш даҳоликдан кам эмас.

XX аср ўзбек адабиёти, унинг намояндалари ҳақида кўп ёзилди, ёзиляпти, ёзилажак. Бироқ «Йўқотганларим ва топганларим» туридаги китобни фақат Саид Аҳмадгина ёзиши мумкин эди. Шу жиҳатдан у маънавий ҳаётимизда ноёб ҳодиса сифатида ғоят қадрли, аминманки келгусида унинг қадри янада ошади. Бу ўринда мен китобнинг ҳозирги кун учун аҳамиятли бир жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Кейинги йилларда ўзларини «замонавий танқидий қараш» соҳиблари деб санаётган, аср миллий адабиётини, унинг машҳур намояндалари ижодини «янгича» талқин этишга интиляётган айрим адабиётшунослар аллақачон бақога рихлат қилган алломалар шаънини ҳар хил йўллар билан оёқ ости қилмоқдалар. Бу билан улар аввало ўзларининг фаросатсиз ва ўта маданиятсиз эканликларини намойиш этмоқдалар. Аслида-ку уларнинг адабиёт тўғрисидаги билими ўша алломаларнинг тўпифига ҳам етмаслиги, олиб бораётган машғулотлари қиммати эса сариқ чақага ҳам арзимаслиги аён.. Ана шундай жаҳолат, фаросатсизлик анқиб турган чиқишлар қаршисида Саид Аҳмад китоби бор кўрки, самимияти, жозибаси билан дилларни ром этади. Адабиётимизнинг машъум замонларда босиб ўтган машаққатли йўли, адилларимиз қандай оғир шароит, вазиятларда яшаб ижод этгани, ўшандай замонларда ҳам ноёб бадий

дурдоналар яратишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради. Китоб муаллифи улкан алломаларни қуруқ ҳимоя қилиш, улар шаънига ҳамду санолар ёғдириш йўлидан бормайди, улар ҳаётда қандай бўлса, шундайича кўрсатади, шахсиятидаги, ижодидаги ожиз, зиддиятли ўринларни, инжиқликларни ҳам рўйи-рост айтади, ҳатто кези келганда бу борада ўзини ҳам аямайди. Бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, аксинча ўша улкан сиймоларга ҳурмат-эҳтиромимизни оширади, уларни тўғри тушуниш, асарларидаги ожиз, зиддиятли жиҳатлар боисини англашга ундайди бизни. Аслида адабиёт илмининг бош мақсади ҳам шу. Айни шу фазилати билан илмийликка асло даъво қилмайдиган бу китоб баъзи саёз «соф» илмий, адабиётшунослик тадқиқотларидан кўра илмийликка кўпроқ дахлдордир.

## СУЗГА, СУЗ САНЪАТИГА ШАЙДОЛИК

(Раҳмон Қўчқоров билан суҳбатдан)

— Умарали ака, ҳозирга қадар ўтган умрингизнинг катта қисмини адабиётга, уни ўрганиш ва ўргатиш ишига бахш этдингиз. Айтинг-чи, шу тинимсиз фаолиятдан нима топдингиз — нималарни билдингизу не муаммоларнинг охирига етолмай қийналдингиз?

— Ёш ҳам етмишни қоралаб қолибди. Шундан элик йили адабиёт, уни англаш, ўрганиш, ўргатиш йўлида ўтибди. Аслида адабиётга шайдолик ундан олдинроқ бошланган. Эсимни танибманки, мен учун дунёдаги энг муқаддас мўъжиза санъат, адабиёт бўлган. Дадамни «Нормат қори» ёки қисқа қилиб «Қори ака» дейишарди. Қўқон мадрасаларида таълим олган, араб, форс тилларини пухта эгаллаган, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб асарларининг шайдоси эдилар. Қуръони Карим оятлари, пайғамбаримиз ҳадислари, Саъдий ҳикматлари, Бедил рубоийлари мағзини чақиб соатлаб гапирар эдилар. Уйимиз токчаларида «Туркистон вилоятининг газети», «Турон», «Янги Фаргона» тахламлари 50-йилларга қадар ҳам сақланар эди. Турдали бойнинг эркатоӣ кенжаси, китоб жинниси Нормат қори Саъдийнинг «Гулистон»ига ўзи миниб Қўқонга қатнайдиған баҳоси йўқ Қорабайирни алмаштириб юборгани ҳақида қариндошлар кулиб ҳикоя қилишар эди. Бир саҳифанинг ўзида ҳам форсча, ҳам туркий-ўзбекча матни жойлаштирилган чарм муқовали бу ёстиқдай китоб таниш-билишлар орасида яқин-яқинларда ҳам қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Онам Сорабиби Яссавий, Сўфи Оллаёр, Фузулий китобларини шундай бир нурли ва ҳазин оҳангда ўқир эдиларки, уларни ички бир шавқ, кўнгилда ажиб бир мунг билан тинглардим. Аҳмад қозининг ўғли, 10-йилларда жадид усулидаги мактаб муаллими сифатида шуҳрат топган тоғам Мулла Маҳмуд (Фарғонанинг Рапқон қишлоғидаги тарих музейида бу одамнинг фото сурати бор) менга бир ҳафтанинг ичида араб ёзувини ўргатган эдилар. Тез орада мустақил равишда уйимиздаги эски китобларни бемалол ўқийдиган бўлдим, аиниқса, Иброҳим Адҳам, Машраб қиссаларини берилиб мутолаа қила бошладим. Ўзим ҳам Машрабга тақлидан

Умар тахаллуси билан ғазаллар бита бошладим. Уша ишқий ғазаллар битилган дафтарни гоҳо фарзандларим, набираларим қўлида кўриб қоламан. Улар ҳазил қилиб «Ўзлари ҳам Машраб бўлган эканлар-ку» деб қўйишади.

Уруш ва урушдан кейинги оғир йиллар. Дарслик, китоб, дафтар-қалам етишмайди. Муаллимларимиз 45 минутлик дарсни ўз билганларини гапириб ўтказишади... Қушларнинг бирида адабиёт муаллимимиз қўлида бир китобча билан синфга кирдилар. Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясини ўқий бошладилар. Ҳикояни тинглаб мен лол бўлиб қолдим. Бу асар мен шу пайтгача танишган, ўқиган китобларга мутлақо ўхшамас эди, у мени тамомилла бошқа бир оламга олиб киргандай бўлди. Бир неча кун ўзимга келолмай юрдим, нуқул ҳикоя қаҳрамонлари Жилин, Костилин, Дина билан ўша тоғ овули одамлари орасида юргандай бўламан... Мен бу ҳикояни ҳозирга қадар қўлга олишдан чўчийман, қайта ўқишга ботинолмайман, ўша болаликда ҳикоя билан илк бор танишувдаги мислсиз таассурот бузилиб қолмаса деб қўрқаман. Кейинроқ М. Осимнинг «Ўтрор»и, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»и, уруш йиллари ватан қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров билан уйимизда меҳмон бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, боринги 40-йилларда ўзбекчада чиққан жамики бадиий асарлар билан танишдим. Адабиётга шайдолик 1948 йили мени қишлоғимизга яқин қўшни Тожикистоннинг Конибодом шаҳридаги педбилим юртига бошлади. Бу билим юрти гарчи бошланғич мактаб муаллимлари тайёрлашга қаратилган бўлса-да, ўзига хос «адабиёт лицейи» эди. У ерда Тошкентда таълим олган забардаст филологлар дарс берарди. Билим юртини тугатгач, Тошкент университетининг филология факультетида, сўнг аспирантурасидаги таълим, орада икки йил мактабда, 1962 йилдан эса университетда адабиётдан муаллимлик, чорак асрдан бери кафедра мудирлиги... Қаранг, шу йўлга кирганимга ҳам ярим аср бўлибди... Орада имтиёзли дипломлар, номзодлик, докторлик илмий даражалари, доцентлик, профессорлик унвонлари, Республика Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқ таълими аълочиси гувоҳномалари...

Дипломлар, гувоҳномалар, унвону даражалар ўз йўлига. Хўш, Сиз қўйган асосий савол — ярим асрлик филология йўлидаги тинимсиз фаолиятдан мен нима топдим? Топганим шу бўлдики, сўз санъати инсоният

Яратган, аниқроғи Аллоҳ одамларга ҳады этган ноёб неъмат, сеҳрли мўъжиза эканига такрор-такрор иқрор бўлдим. Чинакам санъат асарини ўқиганимда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглимда шу соҳага майл-меҳр уйғотгани, ризқимни шу соҳадан бергани учун яратганга шукроналар айтаман. Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчалик сир-сеҳрга бой эмас. Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақиқатини кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди.

Бир вақтлар, университетни тугатган, аспирантурада таълим олган кезларим ўзимни гўё адабиёт илмини миридан сиригача эгаллаган билимдон санардим. Жаҳон адабиёти, адабиёт илми қаърига кириб борган сари, бу соҳада билганларимдан билмаганларим кўплигига, билганларим эса ўта юзаки, жўн нарсалар эканига иқрор бўла бошладим. Биздаги мавжуд адабиёт назариясига оид дарслик ёки илмий китоблардаги сўз санъатининг спецификаси, вазифалари, адабий тур, жанрлар таърифи, поэтикаси, умуман бадий ижод табиати хусусидаги фикрларни эслаб кўринг; гарчи бу борада айрим фарқлар, баҳсли ўринлар бўлса-да, бадий ижод олами гўё «икки карра икки — тўрт» деганларидай аниқ нарса сифатида талқин қилинади, шулар сўз санъати ҳақидаги узил-кесил ҳақиқат деб тақдим этилади. Синчиклаб разм солсангиз буларнинг деярли барчаси ўта нисбий ва бирёқлама, юзаки эканига амин бўласиз. Инсон фаолиятига оид соҳалар ичида сўз санъатидек тутқич бермайдиган, қолипга, қоидага тушмайдигани топилмаса керак. Жаҳондаги ҳар бир улкан ижодкор, буюк асар ўзича бир дунё; янги асари билан ижодкор ҳар гал янгича йўл, усул, қоидалар кашф этади. Бунинг устига ижодкор шахсиятидек сирли, ажабтовур одам боласи бошқа соҳада топилмайди. Аллоҳ инсон зотига хос жамики кучли ва заиф, зиддиятли, сирли-сеҳрли, мўъжизакор сифатларни мужассам этиш учун ёзувчилик истеъдодини, шоиру ёзувчиларни яратган бўлса ажаб эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳ ўзининг мислсиз қудратини намоён этиш учун бу ёруғ оламини, коинот жавҳари саналмиш инсонни яратган. Қарангки, ёзувчи-санъаткор ҳам унга тақлидан, балким унга шаккоклик қилиб сўз орқали инсонни, тўғрироғи инсон тимсолини яратишга журъат этади.

«Абдулла Қодирий» аталмиш биргина мислсиз истеъдод соҳиби яратган мўъжизаларни эслайлик. Юсуфбек

Ҳожи, Ўзбек ойм, Отабек, Қумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум сингари тирик жонларни — Ўзбекнинг ранг-баранг табиатли фарзандлари сиймосини айна тирик одамлар каби гавдалантириш чиндан-да мўъжиза ахир! Адабиёт илми бадиий истеъдод табиати, ижодкор шахси, ижод психологияси бобида ҳали дурустроқ иш қилгани йўқ. Инсоният ҳали улкан истеъдодлар хизматини муносиб қадрлаш даражасига кўтарилгани йўқ. Биз ҳали чинакам истеъдод соҳиблари билан бу соҳага даъвогар тамагир, ҳаваскор, ҳунармандларнинг фарқи-га етолганимиз йўқ. Тақдир мени XX асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто яқиндан дўст-улфат тутиниш бахтига муяссар этди.

Мен ҳаётда дуч келган, яқиндан билган, ҳамсуҳбат бўлган адиблар ичида шубҳасиз, энг ёрқин сиймо, тенгсиз истеъдод соҳиби бу — Абдулла Қаҳҳор. 1960 йилдан то 1968 йили Москвага даволаниш учун кетгунига қадар бу улуг сиймо хонадонида, гоҳ шаҳар ҳовлисида, гоҳ Дўрмондаги боғида кўп бор унинг суҳбатини олганман. Эл-юрт, миллат, миллий адабиёт манфаати, шаъни учун бу қадар ёниб яшаган бошқа бирор ижодкорни кўрган эмасман. Энг муҳими, у, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда «шахси бутун» зот эдилар. Уйда тор давраларда ҳам, катта анжуман, минбарларда ҳам фақат дилидагиларни, ҳақ гапни айтар эди. XX аср иккинчи ярмида бизда ижодкорлар орасида Чўлпоннинг «Қишан кийма, бўйин эгма, Қи, сен ҳам ҳур туғулғонсан!» деган даъватига тўла амал қилган ягона жасур сиймо Қаҳҳорнинг ўзи бўлган десам муболаға бўлмас. Буни тасдиқлайдиган ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Тилларда дoston бўлиб кетган икки воқеа, 60 ёшлик юбилей тантанасида Республиканинг энг юксак раҳбарияти олдида ўз маслаги хусусида айтган оташин сўзи ёки Милчаков деган кимса ҳақидаги мардона гапи бутун мамлакатни ларзага солган эди. 50-йиллар шаройтида рус кишиси, раҳбар ходим, ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти котиби Милчаковни «Ўзбек халқининг жаллоди» деб аташга журъат этиш бу — аждаҳо комига ўзини тутиб бериш билан баробар эди. Абдулла Қаҳҳор бунга журъат эта олди. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлдики, бу қабиҳ кимса 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида ўнлаб ҳалол истеъдод соҳиблари-

нинг қатағон этилишида бевосита иштирок қилган экан...

Бундай шижоат, журъат Республикадаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар таъсир кўрсатгани, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан ёш истеъдодлар кўнглига ўт солгани, мустабид ҳукмдорларни эса ҳушёр торттиргани ҳеч кимга сир эмас. Қаҳҳор ўшандай шижоати, ҳақ сўзи билан худди оҳанграбодек виждонли, чин истеъдод соҳибларини ўзига тортарди. Уша кезлари «Қаҳҳорнинг одами» деган гап юрарди. Хўш, «Қаҳҳорнинг одами», яъни Қаҳҳор даврасига дахлдорлар кимлар эди? 1967 йили Учқун Назаров Абдулла Қаҳҳор ҳақида ҳужжатли фильм яратишга чоғланганида фильмда суратга тушиш учун адибнинг шахсан ўзи дилига яқин бир гуруҳ ёзувчи, шоир, адабиётшуносларни таклиф этган эдилар. Булар — О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Г. Нуруллаева, адабиётшунос-танқидчилардан М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов... Айни шу «Қаҳҳор одамлари» XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти, танқидчилигининг қиёфасини белгилайдиган ижодкорлардир. Қарангки, фильмга таклиф қилинганлар орасида мен ҳам бор эдим. Ҳар ҳолда мен танқидчиликдаги ўз ўрнимни биламан, Матёқуб ака ёки Озод акалар даражасида эмаслигим ўзимга аён. Шунга қарамай, Қаҳҳордек аллома назарига тушганимни эсласам юрагим ҳаприқиб кетади.

Шўро тузуми инқирозидан сўнг кўплаб машҳур совет ёзувчилари қатори Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳам элакдан ўтказилди; қатор асарлари теварагида қизғин баҳслар бўлди, улар шаънига баъзан асосли, кўпроқ асоссиз таъналар айтилди. Ҳар қанча жасур, ҳақиқатгўй бўлмасин, ўз даврининг фарзанди сифатида Қаҳҳор асарларида ҳам ҳукмрон мафкура асоратлари у ёки бу кўринишда ўз муҳрини қолдирган. Бироқ адибнинг шундай ҳикоялари борки, асрнинг талай машҳур танқидчилари эътироф этганидай улар замонавий жаҳон новеллистикасининг энг яхши намуналари билан бир қаторда туради. «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Минг бир жон» каби ўнлаб ҳикоялари персонажлари, шунингдек «Сароб»даги Мунисхон, Сорахон, «Синчалак»даги Қаландаров ва Саида, комедияларидаги талай комик характерлар, адибнинг ўз ибораси билан айтганда бутун бошли «адабий аҳоли»ни ташкил этади. Улар-



га жон бағишлаш чинакам ижодий жасоратдир. Бунинг устига XX аср ўзбек адабий тилининг шаклланишида, унинг дўстлари, ҳатто рақиблари томонидан бирдек «сўз устаси» деб тан олинган Қаҳҳорнинг ўрни, хизмати беқиёсдир. Давраларда оғиздан чиққан ҳар бир образли гапи, ҳазил-мутойибалари ўзига хос ёмби эди. Афсуски, бефарқлигимиз туфайли улар ёзиб қолдирилмаган. Қибриё опа хотираларида уларнинг айримларигина келтирилади, холос.

Қаҳҳордан кейин мени ўзига ром этган, мен яқиндан мулоқотда бўлган устоз адиблардан бири Саид Аҳмаддир. Бутун вужуди, тани-жони адабий истеъдод нури билан йўғрилган, фақат адабиёт, ижод учун яралган, вужудида, руҳий оламида ҳам фожей, ҳам халқона қувноқ ҳазил, кулгини мужассам этган, шахсий ҳаётидаги мислсиз фожиаларни, ёлғизлик изтиробларини ҳазил-кулги қудрати-ла енгиб ўтаётган бу аломат зот XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодисадир. У асрлардан асрларга ўтиб келаётган буюк Насриддин афандининг бизга замондош тирик тимсолидир. Яратган асарлари, қаҳрамонларидан кўра ҳам унинг ўзи, шахсияти қизиқроқ ва жозибадорроқдир.

Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоевлар билан узоқ йиллар дўст, улфат тутунганим учун фахрланаман. Уларнинг ижоди, асарлари ҳақида билганимча, қурбим етганича ёзганман. Неча йиллар яқиндан кузатишимга қарамай, бу ноёб истеъдод соҳиблари табиатида мен учун жумбоқлигича қолаётган жиҳатлар беҳисоб. Ўта андишали, одобли, мулоҳазакор, Шарқ маданиятини ўзида ёрқин намоён этган аллома дейишга лойиқ Эркинжон истеъдод бобида, очиги, ўз тенгдошлари орасида ягона. Табиатидаги серандиша ва мулоҳазакорлик, фарғоналиклар қонидан ўтган тортинчоқлик айрим ҳолларда кўнглидаги туғёнларни юзага чиқаришга монелик қилаётгандай, ҳаётда, адабиётда истеъдодига муносиб ўрнини ололмагандай туюлади менга. У чиндан дилбар, улфати жонон шахс. Республикада унинг суҳбатини олишга зор одамлар бисёр. Унинг сўзларида қандайдир сир, сеҳр борлигини кўп кузатганман. Биргина мисол. 1997 йилнинг ёз чилласида устоз Озод ака қаттиқ хасталаниб касалхонага тушди. Узоқ йиллик қанд касаллиги оқибати ўлароқ бир оёғида яра пайдо бўлиб охири жарроҳлар тиззадан пастини кесишга мажбур бўлишди. Озод акани жарроҳлик столидан палатага олган куннинг эртаси тонгда Эркинжон билан

устозни кўргани бордик. Озод ака каравотда афтодаҳол ҳолда ётибди. Бизни кўриши билан кўзига ёш олди. Кўнглида умид учқунлари сўна бошлаган, аранг гапирди. Қарасак, секин-аста рози-ризалик тилашишга ўтаяпти... Нима қилишни, нима дейишни билмай қолдик. Шунда бирдан Эркинжон ташаббусни қўлга олди. «Қайси оёқни кесишди?» — деб сўради аҳволни билган ҳолда Эркинжон. Гап ҳазилга айланаётганини сизди шекилли Озод ака оқ чайшаб устидан оёқларини пайпаслаб «Чапи экан», — деб жавоб қилди. Шунда Эркин: «Э, шунгайм кўзёшими, Озод ака, энди бундан буёғига «левий»га юриш бўлмас экан-да», — дейиши билан бирдан устознинг чеҳрасида нур — табассум пайдо бўлди. Эркинжон айна шахматдагидай галдаги юришни давом эттирди: «Журнал чиқибди-ю», — дея Озод аканинг ёстиғи ёнида турган «Жаҳон адабиёти»га ишора қилди. «Дарвоқе», — дея Озод ака ўзи муҳаррирлигида чиққан журналнинг илк сонини Эркинга узатди. Ҳаммамиз бу қутлуғ ҳодиса билан устозни табрикладик. Эркин журнални варақлаб унда босилган ўзининг туркум шеърларидан бирини — қувноқ халқона кулги билан йўғрилган «Кексалик гашти»ни ўқий бошлади:

Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,  
Пашшамизни зўрға қўраётирмиз.  
Бир маҳал оқ уриб қилардик ҳузур,  
Энди волокардин ураётирмиз.  
Келар ичимиздан хўрсиниқ чуқур,  
Асқар тоғ эдик-ку, нураётирмиз.  
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шукур,  
Ҳар қалай кўз тирик кўраётирмиз,  
Қарилик гаштини сураётирмиз.

Шу сатрларга келганда палатада кулги-қийқирик авжига чиқди, ҳатто кулгимиз садоси каридордагиларга ҳам етди шекилли, навбатчи врач, ҳамширалар эшикни очиб, «ўта оғир касал» ётган палатадаги бу аҳвол-вазиятдан лол қолишди. Озод аканинг чеҳраси бутунлай очилиб кетди, бояги тушқунлик, ваҳм чекинди. Эртасигаёқ у оёққа тура бошлади. Мана, руҳшунос-шоир табиатига хос сеҳрнинг кучи, биргина кўриниши.

Ўткирнинг эътиборга сазовор деярли барча бадий асарлари совет даврида яратилган. Ўткир ўша кезлари турли совет идораларида ишлади, «Шарқ юлдузи»га бош муҳаррирлик қилди. У фирқа аъзоси эди, ҳатто

Республика компартияси Марказий комитети бюро аъзолиги даражасига кўтарилди. Истиқлол йилларида эса Олий Мажлис депутати, Олий Мажлиснинг ахборот ва матбуот қўмитаси раиси бўлди. Шуниси қизиқки, айрим публицистик чиқишларини мустасно этганда у яратган ҳикоя, қисса, роман, драмаларда коммунистик ғоялар тарғиботи, ҳукмрон мафкура асоратлари, ўткинчи майллар таъсири деярли йўқ. Истиқлол даврига келиб қатор қаламкашлар ўз даврида катта довруғ қозонган асарларини қайта нашрга тайёрлаш асносида жиддий таҳрир киритишга мажбур бўлдилар. Ўткир эса бунақа «таҳрир»ларга эҳтиёж сезмади. Ўткир «қайта қуриш» жараёнида ҳам, истиқлол йилларида ҳам ўзлигига содиқ — ўша биз билган Ўткирлигича қолди. Ўткирнинг табиатида, руҳиятида уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя этувчи, ҳар қандай вазиятда ҳақиқатга, виждонига содиқ қолишга ундовчи қандайдир сеҳрли куч бор.

Худойберди билан деярли тенгдошмиз. Бир ерданмиз. Етмиш ёшида ҳам болалик қилиқларини сақлаб қолган дўстимнинг ўзбек болалар адабиётида муносиб ўрни борлигидан қувонаман.

Ниҳоят, сўз санъати, адабиёт илми дунёсида мен дуч келган, топган ноёб хазина — улуғ инсон, буюк истеъдод соҳиби Озод Шарафиддиновдир. Ҳаётидаги, шахсиятидаги, фаолиятидаги жамики зиддиятли жиҳатларига қарамай, бу одам биздаги XX асрнинг буюк жозибатор ва жумбоқли сиймоларидандир. Асримиз иккинчи ярми танқидчилигида бошқа бундай ёрқин, жасур, кўп ўқиган билимдон, маърифатли сиймо чиқмади. Мен ана шундай одамга биринчи шогирд бўлганим, салкам қирқ йил у билан бирга ишлаганим учун фахрланаман.

Дарвоқе, университетдаги адабий-илмий муҳит, Ғулом Қаримов, Субутой Долимовдек алломалар билан бирга ишлаш, улфат тутиниш бахти менга насиб қилди, бу борадаги ёрқин хотираларни батафсил қоғозга тушириш ниятим бор.

Мана, менинг ҳаётда, адабиёт, адабиёт илми йўлидаги топганларим...

Бироқ... Менинг топганларим мен учун қанчалар ардоқли бўлмасин мен яшаган, ишлаган йиллари жаҳонда жаҳон адабиётида, адабиёт илмида майдонга чиққан

ёркин сиймолар, содир бўлган буюк ўзгаришлар, кашфиётлар қаршисида анчайин камтарона ўрин тутишини ўйлаб бир оз ҳушёр тортиб қоламан. Ўзбек адабиёти, адабиёт фани шу йиллар давомида жаҳон адабиёти, тафаккури ривожига таъсир кўрсата оладиган асарлар бера олдимидеган савол мени доимо қийнайди. Бу савол қаршисида мен ўзимни жуда-жуда ожиз сезаман. «Биз зўр деган асарлар Тўйтепадан нарига ўтолмаяпти», — дер эди Абдулла Қаҳҳор. Бу гап ҳамон ўз кучида қоляпти. Бир вақтлар асаринг, мақоланг рус тилида, Москвада чиқдими, бўлди, Иттифоқ, бинобарин жаҳон миқёсига кўтарилдинг, деган қараш кенг ёйилган эди. Иттифоқ, бинобарин жаҳон миқёсига чиқиш, танилиш мақсадида ҳар хил йўллар билан ўртачароқ асарлар ҳам рус тилига таржима этилаверарди. Ҳатто бунинг энг осон йўли — тўғридан-тўғри рус тилида ёзиш одати пайдо бўлди. Қизиқ, ўша йиллари Саид Аҳмад, У. Ҳошимов, Э. Воҳидов, А. Орипов, Тоғай Мурод, О. Шарафиддиновга кўра анчайин ўртамиёна, лекин эпчил, ҳунарманд қаламкашларнинг донғи Иттифоқ миқёсида машҳурроқ эди. Бу чаққон «ижодкор»лар катта совринларни олишга ҳам улгуришди. Хўш, бугун қани ўша Иттифоқ, бинобарин «жаҳон миқёсига кўтарилган» асарлар, совриндор «адиб»лар.. Ўн йил ўтар-ўтмас барчаси унутилди-кетди.

Шунақа кайфият бугун ҳам бошқачароқ кўринишда давом этяпти, Туркияда ёки бошқа бирор хорижий мамлакатда асари, мақоласи чиқса, дарҳол унинг муаллифини жаҳонга чиққан санайверамаиз. Жаҳонга чиқишга интилиш яхши; бироқ бундай чиқиш буюк кашфиётлари, ихтиролари билан бўлса яна ҳам яхши.

Биз жаҳонга не-не даҳоларни берган қадимий улуг юрт фуқароларимиз. Сўз санъатида, адабиёт илмида бугун доҳиёна кашфиётларга эҳтиёж туғилмоқда. Эркин Воҳидов айтмоқчи:

Унинг сену мендек шоирлари кўп,  
Буюк элга энди даҳолар керак.

Шундай дейману, инсон боласи фақат улуг орзулар билангина яшай олмаслигига иқрор бўламан. Шунда файласуф шоир Асқад Мухторнинг мана бу сатрлари ёдга тушади:

Каттасини куту кичигидан қолма,  
Кичик мўъжизалар ҳар куни керак.

Мени қийнаган, мен охирига етолмаган муаммолар ана шулар.

— Бугунги ўзбек адабиётшунослик илмининг савияси Сизни қониқтирадими? Ҳозир, айниқса, замонавий адабиёт атрофидаги аввалги баҳс-мунозараларнинг сўниб қолганини нима билан изоҳлайсиз?

— Биласиз, кейинги йилларда мен кўпроқ 20-йиллар адабиёти масалалари билан шуғулланаётirman. Мени ҳаммадан ҳам янги ўзбек адабиётининг тезкор тусда шаклланиш жараёни, кўп асрлар давомида Шарқ, асосан араб, форс-тожик адабиёти анъаналари, ислом фалсафаси доирасида ривожланган миллий адабиётимизнинг аср бошларида Оврупа, замонавий жаҳон адабиёти тажрибаларига юз ўгириб қисқа фурсат ичида «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Абулфайзхон», «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» сингари етук реалистик насрий ва драматик асарларнинг, янгича йўналишдаги Чулпон лирикасининг пайдо бўлиш сабаблари, сирлари қизиқтиради. Жаҳондаги жуда кўп халқлар адабиётида ўшандай кескин бурилиш паллалари тадқиқ этилган илмий ишлар билан танишишга тўғри келди. Жумладан, асримизнинг улкан адабиётшуносларидан бири М. Бахтиннинг Франсуа Рабле ҳақидаги машҳур китобини қайта мутолаа қилдим. Оврупадаги уйғониш даврининг ёрқин сиймоси саналмиш Рабле ижодининг жаҳон адабиёти ва маданиятидаги ўрни нақадар теран таҳлил этилган бу китобда. Рабленинг энг катта хизмати неча минг йиллик халқ кулгиси, қизиқчилик маданиятига таяниб, унга муайян яқун ясаб, кулги санъатини янги босқичга кўтаришдан иборат эканини очиб беради муаллиф. Китоб мутолааси жараёнида беихтиёр 20-йиллар ўзбек адабиётидаги жараёнлар ёдга тушади. Кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожидида туб бурилиш ясаган етук асарларнинг пайдо бўлишида бошқа кўп омиллар қатори айни Оврупа уйғониш давридаги, жумладан Рабле ижодидаги хусусиятларни эслатадиган ҳолатлар содир бўлганлигини пайқаш қийин эмас. Деярли бир пайтда яратилган «Майсаранинг иши» билан «Меҳробдан чаён», аниқроғи романдаги «Хон кўнгил очмоқчи», «Қизиқлар» бобларидаги халқона кулги асосига қурилган янгича реалистик ифода орқали ўзбек адабиётида жиддий бир бадий кашфиёт, ихтиро содир бўлди.

Буни эслатишдан мурод М. Бахтин ўз тадқиқотида

фақат буюк адиб ижодини шунчаки ўрганиш, шарҳлаш билан чекланмаган, балки Рабле романлари таҳлили воситасида жаҳон адабиётига хос муҳим бир қонуниятни кашф этиб берганлигини таъкидлашдан иборат. Ёки олимнинг Ф. Достоевский ҳақидаги китобида улуғ адиб романлари мисолида бадиий тафаккуриинг олий намунаси — полифоник тасвир моҳиятини очади. Бу илмий кашфиёт ҳам барча миллий адабиётлар тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилган.

Кўраяпсизми, гарчи бадиий ижод қолипларни тан олмайдиган соҳа бўлса-да, барибир унда муштарак ички қонуниятлар ҳам мавжуд. Эртадир кечдир ҳар бир миллий адабиёт тараққиётида ана шу муштарак қонуниятлар қандайдир кўринишда юзага чиқади. Шу хил қонуниятларни кашф этиш бахти, афсуски ҳар кимга ҳам насиб этавермас экан...

Ана шундай буюк илмий кашфиётлар даражасида туриб қараладиган бўлса бугунги ўзбек адабиётшунослигининг, умуман XX аср адабиёт илмимизнинг савияси шахсан мени асло қаноатлантирмайди. Тўғри, бизда Рабле, Достоевскийлар йўқ, лекин Навоий, Бобурлар бор. Бахтинга ўхшаб Навоий, Бобур каби даҳолар ижодининг ҳали фанга маълум бўлмаган жиҳатларини кашф этиш яқин келажакнинг иши. Фитрат, Ойбек, Шайхзода тадқиқотларидан кейин анча йиллар давом этган депсинишдан сўнг истиқлол даврига келиб миллий адабиётшунослигимизда муайян ўзгариш, янгиланиш аломатлари кўзга ташланмоқда. И. Ҳаққулов, Н. Комиловларнинг ўзбек тасаввуф адабиёти, Б. Қосимов билан Н. Каримовларнинг аср боши адабий ҳаракатчилиги, Ҳ. Болтабоев билан И. Ганиевнинг Фитрат, Д. Қурононнинг Чўлпон насри поэтикаси тўғрисидаги тадқиқотлари адабиётшунослик илмимизда муҳим янгилик бўлди. Айниқса Д. Қурононнинг XX аср жаҳон адабиётшунослигида мавжуд структуравий таҳлил, замонавий герменевтика усулларини анъанавий ғоявий-социал таҳлил билан қўшиб олиб боришдан иборат ўзига хос йўли зукко мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш олимнинг Чўлпон насрий асарларига оид салмоқдор иши орқали ўзбек маҳоратшунослиги янги босқичга кўтарилганлиги эътироф этилмоқда. У. Ҳамдамовнинг 30-йиллар ўзбек адабиётида «соф лирика» муаммосига оид номзодлик иши ҳам таҳсинга сазовор. Ёш тадқиқот-

чи Ойбек лирикаси, «Наъматак» сингари ноёб рубобий тароналари мисолида тоталитар режим адабий сиёсати қутуриб турган, ҳаммаёқни сиёсий мафкуравий шеърлар босиб кетган бир шароитда ҳам сўз санъати ўзининг азалий анъаналари, асл табиатига содиқ қолгани, давр шовқин-суронлари, тазйиқларидан, сиёсатдан, мафкурадан ҳоли «соф кўнгил» розларини ифодалашда давом этганини исботлайди. Шу тариқа XX аср адабий жараёнига хос ғаройиб бир тамойилни кашф этади... Афсуски, бу хил илмий кашфиётлар диссертация шаклида нари борса 20—30 чоғли мутахассисларга таниш, холос. Қани энди, улар китоб шаклида кенг илмий, адабий жамоатчиликка, филология факультети талабалари, аспирантлар, адабиёт ўқитувчилари қўлига етиб борса! Бундай янгиликлардан беҳабар жамоатчилик адабиёт илмида дурустроқ янгилик йўқ деб юришибди.

Яна бир ёш, ғоят кўп ўқиган, XX аср жаҳон адабиёти, фалсафаси, эстетикаси, руҳшунослигидан чуқур хабардор филолог — Раҳимжон Раҳмат ҳақида икки оғиз сўз айтгим келади. Унинг «Жаннат соғинчи» мақоласи, Улуғбек Абдуваҳобнинг «Ёлғизлик» тўпламига ёзган сўзбосхиси янгича таҳлилнинг гўзал намуналаридир. Очиғи, мен ва менга тенгдош танқидчилар бадий асарни, ёзувчи ижодини бу тарзда ҳис ва идрок этиш, таҳлил қилишга қодир эмасмиз. Булар танқидчилигимизнинг эртасига катта умид уйғотади. Ниҳоят, Сизнинг Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихига бағишланган «Мен билан мунозара қилсангиз...» китобингиз ўқувчини баҳс-мунозараларга даъват этиши, мустабид тузум шароитида яшаб ижод этган улкан санъаткорнинг улкан фожиаси тўғрисидаги ёниқ ўй-мушоҳадалари, янги далиллар асосидаги теран таҳлиллари, энг муҳими санъаткорни тушунишга бўлган майли билан эътиборни тортади. Шунингдек, телевидениедаги чиқишларингиз, хусусан «Ҳайрат» деб аталган муаллифлик кўрсатувингиз — телетанқиднинг бу янгича тури, айниқса, «Вабо», «Асрга татиғулик кун», «Hellados», «Лолазор», «Отамдан қолган далалар», «Кўзгу олдидаги одам» каби асарларга бағишланган суҳбатлар бежиз оғизга тушмади. Бу кўрсатув-суҳбатлар муваффақияти чинакам санъат намуналари моҳиятини очиб бериш учун адабий билимлардан ташқари санъаткорона янгича йўллар, санъат асарини юракдан ҳис этиш ҳам зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Адабиётшунос танқидчилар орасида оғизда «марксча-ленинча методология»ни рад этиб, йўлигагина замон руҳига мослашиб бошқачароқ оҳангда эски қўшиқларни ҳиргойи қилиб юрганлар кўп. Ҳозир барча соҳада бўлгани каби адабиётда, адабиёт илмида ҳам ҳамма айбни «қизил истибдод» зуғумига йўйиш удумга айланди. Боя мен тилга олган М. Бахтиннинг Рабле ҳақидаги асари 30-йилларда ёзилган, 1940 йили яқинланган, орадан чорак аср ўтиб дунё юзини кўрган. Асарни варақласангиз бирор ўринда партиявий ҳужжатларга, Ленин, Сталин фикрларига таяниш йўқ. Уч-тўрт ўринда Марксдан цитаталар олинган. Ҳатто улар ҳам ўз ўрида. Асарнинг бирор жойида замона зуғуми таъсири, асоратини сезмайсиз. Агар муаллиф ҳаёт бўлганида орадан олтмиш йил ўтиб бу китобни ўзи қайта нашрга тайёрлаганда, аминмаки, деярли ўзгартиш киритмаган бўларди. Айни шундай ҳол унинг бошқа ишлари, Достоевский романларига доир китобига ҳам хос. Тўғри, бу забардаст олим саксон йиллик умри давомида таъқибларга учради, қатағон этилди, марказда эмас, чекка шаҳарларда яшашга, ишлашга мажбур қилинди. Бироқ у олимлик шаънига, ўз умрини фидо этган фанга асло гард юқтирмади. Бўлар экан-ку, ахир! Ноёб истеъдоддан ташқари ана шундай букилмас ирода, «шахсий бутунлик» бўлмас экан, фанда ҳеч қачон буюк кашфиётлар яратилмайди.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда адабий баҳслар бутунлай сўниб қолгани йўқ, замонавий адабиёт атрофида мунозаралар бўлиб турибди. Бироқ улар сиз кутгандай, кўнгилдагидай ва жўшқин эмас. Айрим ҳамкасабаларимиз бугунги адабиётда жиддий баҳслар олиб бориш учун асос бўладиган асарларнинг ўзи йўқ дейишади. Бу фикрга унча қўшилиб бўлмайди. У. Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарлари, Омон Мухторнинг туркум романлари, Ш. Холмирзаев билан Назар Эшонқул хикоялари, Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» достони, Абдували Қутбиддин, Иқбол сингари забардаст кенжа авлод шеърляти — булар жиддий ва юксак савиядаги баҳс-мунозара учун озиқ бера олишига шубҳа йўқ. Эҳтимол, катта авлод танқидчиларининг бугунги кунда баҳсларга унчалик раъйи йўқлиги, ёш танқидчиларнинг эса баҳс олиб бориш бобида тажрибасизлиги ҳам бу



масалада асқотмоқда. Адабий баҳсларни уюштириш кўп жиҳатдан адабий журнал, газеталар таҳририяти ташаббусига боғлиқ. «Жаҳон адабиёти» журнали 1998 йил 1-сонида XX аср ўзбек адабиёти хусусида жўшқин ва фойдали давра суҳбати ўтказди. «Шарқ юлдузи» «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида бугунги ўзбек адабиёти бўйича ўшандай баҳсларни уюштириш мумкин-ку. Бу борада радио ва телевиденининг ҳам имкониятлари катта. Шундай қилинганда ҳозирги адабиётимизда биров сезиб, биров сезмай қолаётган муҳим янгиликлар, кўпгина яхши асарларга жамоатчилик эътиборини тортиш имкони туғилади...

## МУНДАРИЖА

Маънавият кўзгуси (Муаллифдан)	3
Умидбахш тамойиллар	4
Бугунги насримиз йўллари	29
Гўзал инсон мадҳи	68
Бақо бўсағасидаги пидо	77
Хотиралар жозибаси	85
Сўзга, сўз сапъатига шайдолиш	96

*Адабий-танқидий нашр*

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

УМИДБАХШ ТАМОЙИЛЛАР

(Истиқлол, адабиёт ва маънавият)

*Тошкент «Маънавият» 2000*

Муҳаррир *М. Исоқова*  
Рассом *Г. Жирнов*  
Бадий муҳаррир *С. Аъзам*  
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Терншга берилди 09.10.00. Босишга рухсат этилди 21.11.00. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулда босилди. Шартли б. т. 5,88.  
Шартли кр.-отт. 6,09. Нашр т. 5,83. 3000 нуска. Буюртма № 199. Нарки  
шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Шартнома 29—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент. Юнусобод даҳаси, Муродов  
кўчаси, 1-уй, 2000.

Н79

**Норматов Умарали.**

Умидбахш тамойиллар: (Истиқлол, адабиёт ва маънавият).—Т.: «Маънавият», 2000.—112 б.

ББК 83.3(5У)

2  
15  
Manuscript